


# БАРКАРОР РИВОЖЛАНИШ ВА УНИНГ ТИЗИМЛИ ИНДИКАТОРЛАРИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети**

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ  
Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг  
малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти**

**А. Нигматов, Р. Кулматов, А. Расулов, Ш. Мухамедов**

**БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ  
ВА УНИНГ ТИЗИМЛИ  
ИНДИКАТОРЛАРИ**

**МОНОГРАФИЯ**

Тошкент  
«Spectrum Media Group»  
2015

УЎК: 91(575.144)

КБК: 65.04

**Б32**

Барқарор ривожланиш ва унинг тизимили индикаторлари [Матн]. Монография / А.Н. Нигматов ва бошқ. – Тошкент: Spectrum Media Group, 2015. – 120 б.

ISBN: 978-9943-4574-8-5

УЎК: 91(575.144)

КБК: 65.04

**Масъул мухаррир:**

**А.Н. Нигматов**, география фанлари доктори, профессор

**Тақризчилар:**

**Т. Раҳимова**, биология фанлари доктори, профессор

**Н. Алимқулов**, география фанлари номзоди, доцент

Монография илк бор барқарор ривожланиш ва уни белгилаб берувчи кўрсаткичларнинг муайян иерархик поғонада, яъни глобал, регионал ва локал миқёсда намоён бўлишига бағишланган илмий асардир. У кишилик жамиятини турли миқёсда ижтимоий муҳофизаланган, иқтисодий таъминланган, экологик хавфсиз ва барқарор бирлашган ҳаёт тарзини таҳдил қилиш, таклиф киритиш ва тавсия этиши нуткази назаридан ёритиб беришга қаратилган. Олинган холоса ва нағижалар Қўйи Зарафшон табиий географик округи мисолида акс эттирилган.

Мазкур монография А-7-27. «Қўйи Зарафшон округи барқарор ривожланишининг геоэкологик индикаторлари ва уларни амалий баҳолаш» амалий лойиҳасини бажариш жараёнида тайёрланган ва чоп этилган.

*Ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти Илмий кенгаш томонидан муҳокама қилинган (2015 йил 31 октябрь 10-сонли баённома) ва нашрга тавсия этилган.*

ISBN: 978-9943-4574-8-5



© Нигматов А. ва бошқ., 2015.

# МУНДАРИЖА

<b>Сўзбоши .....</b>	<b>4</b>
<b>1-боб. БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ТУШУНЧАСИ, МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ</b>	
1.1. Барқарор ривожланиш концепциясининг пайдо бўлиши ва унинг глобаллашуви .....	5
1.2. Барқарор ривожланиш ва атроф-муҳит муҳофазаси .....	11
1.3. Халқаро экологик муносабат қоидалари ва географик хусусиятлари .....	22
<b>2-боб. БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ИНДИКАТОРЛАРИ</b>	
2.1. Барқарор ривожланиш индикаторлари тушунчаси, турлари ва уларни амалда кўллаш муаммолари .....	33
2.2. Барқарор ривожланишнинг иқтисодий, ижтимоий, экологик индикаторлари .....	40
2.3. Барқарор ривожланиш экологик индикаторларининг методологик асослари .....	44
<b>3-боб. БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ИНДИКАТОРЛАРИГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ</b>	
3.1. Барқарор ривожланиш индикаторлари – ўзига хос тадқиқот объекти .....	50
3.2. Глобал барқарор ривожланиш индикаторлари .....	53
3.3. Регионал барқарор ривожланиш индикаторлари .....	63
3.4. Россия Федерациясида барқарор ривожланиши индикаторлари .....	65
3.5. Миллий барқарор ривожланиш индикаторлари Узбекистон мисолида .....	75
<b>4-боб. ҚУЙИ ЗАРАФШОН ОКРУГИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ИНДИКАТОРЛАРИ</b>	
4.1. Қуий Зарафшон табиий географик округи ўзига хос барқарор ривожланиш объекти сифатида .....	85
4.2. Қуий Зарафшон округининг барқарор ривожланиш геоэкологик индикаторлари .....	103
4.2.1. Сув ресурсларининг мавжуд холати индикатор сифатида .....	104
4.2.3. Аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари .....	106
4.2.4. Қуий Зарафшон округи суғориладиган ерларининг холати индикаторлар сифатида .....	107
Хулюса .....	114
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	115

## СҮЗБОШИ

Иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий зиддиятларга бой давр бўлган XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошига келиб кишилик жамияти келажакда қандай қилиб тинч ва осойишта ҳаст кечириши мумкин деган савол энг долзарб масалага айланиб қолди. Ушбу саволга умумлаштирган тарзда илк бор Гро Харлем Брундаланд бошлигидағи халқаро комиссия «Барқарор ривожланиш концепцияси»да жавоб беришга харакат қилди. Шу тариқа, 1987 йилдан бўён дунё ҳамжамиятининг биргалиқда ҳал қилаётган масалаларидан бири – локал, регионал ва глобал миқёсда барқарор ривожланишга эришиш, ҳисобланади. 2015 йил 25–27 сентябрь кунлари БМТнинг 200 дан ортиқ давлат ва хукумат раҳбарлари иштирок этган Саммитда айнан Барқарор ривожланиш масаласи кун тартибиға қўйилди ва яқин 15 йилга мўлжалланган тадбирлар режаси эълон қилинди.

Барқарор ривожланиш концепцияси – келажак авлод эҳтиёjlари ни инобатга олган тарзда ҳозирги замон кишилик жамиятининг ўзаро узвий боғланган экологик хавфсиз, иқтисодий таъминлаган, ижтимоий муҳофазаланган ва институционал бирлашган ҳаст тарзини шакллантиришни ўз ичига олган ғоялар тизими. Унинг асосий вазифалари: иқтисодий-ижтимоий ривожланишда табиий ресурсларни муҳофaza қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқарниш ва истеъмол қилишнинг барқарор бўлмаган моделларини ўзgartириш, қашшоқликни йўқотиш ва аҳолини иш билан таъминлашдир. Мазкур вазифаларни амалга оширишда 8 та барқарор ривожланиш йўналишларига эътиборни қаратиш талаб этилади: ўта қашшоқлик ва очликка барҳам бериш, умумий бошланғич таълимни таъминлаш, эркаклар ва аёллар тенглигини рағбатлантириш ҳамда аёлларнинг ҳукуқлари ва имкониятларини кенгайтириш, болалар ўлимини камайтириш, оналикни муҳофаза қилишни яхшилаш, ОИТВ/ОИТС, безгак ва бошқа касалликлар билан курашиш, экологик барқарорликни таъминлаш, ривожланиш мақсадларида глобал шерикчиликни шакллантириш.

Биз ушбу монографияда илк бор барқарор ривожланиш ва унинг тизимлашган индикаторларини таҳлил қилиб чиқишга харакат кильдик. Зоро, индикаторлар макон, майдон ва даврда турлича намоён бўлади ва унга илмий асосда ёндашиш талаб этилади.

Профессор А.Н. Нигматов

# 1-боб. БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ТУШУНЧАСИ, МАЗМУНИ ВА МОХИЯТИ

## 1.1. Барқарор ривожланиш концепциясининг пайдо бўлиши ва унинг глобаллашуви

Табиий бойликлардан фойдаланмасдан туриб бирон бир инсон, жамият ёки давлат фаолият юрита олмайди. Уларнинг бу боқий дунёда фаровон хаёт кечиришлари ва ривожланишлари эса уларни ўраб турвчи атроф табиий мухитдан нечогли оқилона, яъни илмий асосланган тарзда фойдаланишларига боғлик. Шунинг учун ҳам қадим-қадимлардан кишилар табиат бойликларини ўзлаштириб олиш учун бор куч ва ғайратларини ишга солгандар. Натижада давлатлар, жамоалар ва кишилар ўртасида турли зиддиятлар келиб чиқсан, барқарорликка жиддий зиён етказилган. Дунё аҳолисининг «демографик портлаш» даражасида ўсиши ва илмий-техник инқилобий жараёнларнинг жадаллашуви атроф-мухитга ўз салбий таъсирини ўтказмоқда, яъни табиатга нисбатан антропоген босимни оширмоқда.

Табиат нафакат инсонлар иктисадий ривожланишининг моддий асоси, балки уларнинг маънавий-эстетик эҳтиёжларини қондириш манбаи ҳамдир. Бу эса инсонларни табиатга бўлган эҳтиёжларини кундан-кунга оширмоқда. Ундан ташқари инсон хўжалик фаолиятининг атроф табиий мухитга бўлган босимини кучайиши табиий ҳодиса ва жараёнларни ҳам кучайтириб юбормоқда. Натижада, ҳаммазизга аёнки, табиат ва унинг мувозанати бузилиб кетмоқда. Ҳозирги кунда бутун инсоният ва унинг прогрессив қатлами инсон-табиат ўртасидаги оптималь ҳолатни белгилаб олишга интилмоқда. Ушбу йўналишдаги «Барқарор ривожланиш концепцияси» умумэътироф этилган ва бошқа бир қатор дунёкарашлардан устун турган фикрлар ҳамда реал ҳаракатлар мажмуасидир. Шунинг учун ҳам уни маҳсус тадқиқот обьекти сифатида кўриб чиқиши мақсаддага мувофиқ.

«Барқарор ривожланиш» таърифини унинг тарихидан бошлаймиз. Мазкур концепциянинг яратилиш тарихига чукур назар ташлайдиган бўлсак, у айнан халқаро ҳамжамиятнинг атроф-мухитни муҳофаза килишга оид ҳаракатларидан бошланганлигига икror бўламиз.

XX асрнинг 60-йилларида, яъни «совуқ уруш» айни авжига чиқсан даврда бутун инсоният ва халқаро ҳамжамиятнинг диккат эътибори

асосан ядроий тўқнашувнинг олдини олишга қаратилган эди. «Кариб инқирози» деб ном олган СССР ва АҚШ ўртасидаги мажародан сўнг ядро қуролига эга бўлган «катта» давлатлар бир нарсага – атом, нейтрон ва водород қуролларининг измирдорда бўлса ҳам ишлатилиши нафақат душманга, балки ўз уйининг ҳам барбод бўлишига олиб келиши мумкинлигига икфор бўлишиди. Оммавий кирғин келтирувчи қуролларининг кўпланилиши ва учинчи жаҳон урушининг бошланиши Ердаги ҳайтнинг тугаши билан баробар эканлигини бутун инсоният тушуниб етди. Бу урушда на мағлублар ва на голибларнинг бўлмаслиги исбот талаб килмайдиган аксиомага айланиб қолди. Глобал миёсдаги масалалардан яна бири ёппасига тарқалган касалликлар фан ва техника ютуқлари туфайли аста-секинлик билан оркага чекина бошлашидир.

Аммо, айнан фан ва техниканинг жадал суръатларда ривожланиши ҳамда инсонлар истеъмол даражасининг ўсиши бошқа глобал муаммони юзага келтирди. Бу муаммо «совук уруш»дан ёки вабо каби касалликлардан фарқли кўзга кўринмайдиган, аксарият ҳолларда яширин тарзда кечадиган, лекин оқибати атом бомбасидан ҳам хавфлироқ – экологик муаммо эди. Чунки XX асрнинг 70-йилларига келиб кишилар ўзининг нисбатан қиска тарихий босқичи давомида Ер куррасидаги ўрмонларнинг 3/2 қисмини кесиб, 6 млрд га унумдор тупрокларни қишлоқ хўжалик тоифаларидан чиқазиб, кунига бирон бир турдаги ҳайвонот ёки ўсимлик дунёси йўкотиб юбораётган, 70 фойиздан ортиқ сув манбаларини ифлослантириб, атмосферада ис гази миқдорини 30 млн тоннага ошириб, озон туйнугини АҚШдек катта мамлакат ер майдонига тенг бўлган кенглиқда очиб қўйган эди. Натижада, одамлар орасида янги турдаги – аллергия, СПИД (ОИТС), юқумли ва сурункали ўпка йўли ва рак касалликларини юзага келишига олиб келди. Туғилаётган айрим болаларда мутантлик хусусиятлари, яъни нормал инсонларга хос бўлмаган қулок ва бурунларнинг турли шаклда бўлиши, қўшалоқ чақалоқларнинг туғилиши, ўпка қўшалоқлиги, сочсизлик, юз қийшиқлиги, қингир-қийшиқ қўл ва оёкли болаларнинг туғилиши табиий ҳолга айланиб қолди.<sup>1</sup>

Инсон ақл-заковати юкори поғонага кўтарилган бир даврда бундай аянчли ҳолат башариятни жиддий ташвишга қўя бошлади. Буларнинг сабаби атроф-муҳитнинг инқирозли вазияти эканлигини

<sup>1</sup> [www.un.org/esa/sustdev](http://www.un.org/esa/sustdev) – БМТнинг барқарор ривожланиши комиссияси сайти.

тушуниб етган бир гурух фан, маданият, маориф ва давлат арбоблари юзага келган салбий экологик ҳолатдан чиқиб кетиш режасини тузиш максадида «Рим клуби»га бирлашишди. Клуб аъзоларининг 1970 йилда «Ўсиш чегараси» деб ном олган китоби<sup>2</sup> уларнинг фаолияти ҳисботи тарикасида жуда кўп ададда ва тилларда чоп этилди. Унда замонамизнинг кўзга кўринган шахслари Ер куррасидаги ахолининг ўсишини табиий ресурслар имкониятига монанд равишда мўътадиллаштиришни таклиф этилди. Улар геометрик прогрессия билан кўпаяётган Ер юзи ахолисининг талабларини арифметик тарзда кўпаяётган табиий бойликларнинг ресурс имкониятлари «кўтара ол маслиги»ни халқаро ҳамжамиятга уқтироқчи эдилар. Дарҳақиқат, экологик муаммолар аҳоли зич яшайдиган, етарли даражада иқтисодий ривожланмаган ёки автаритар ва тоталитар бошқарувни демократик принциплардан устун қўядиган мамлакатларда инқирозли даражада тус олди. Афсуски, ушбу мамлакатлардаги экологик фалокатлар нафакат уларнинг ўзларига, балки нисбатан бой ва хавфсиз бўлган қўшниларига, ҳаттоқи, бутун Ер юзига глобал микёсда ўз салбий оқибатларини ўтказа бошлади. Бундай «чегара билмайдиган» экологик муаммолар бутун инсониятни ва айниқса, прогрессив ҳамжамиятни ларзага келтириди. Мазкур турдаги экологик муаммоларга мисол қилиб Орол денгизининг қуриши, Чернобиль ва Фукусима АЭСларининг фалокатга учраши, Сахрои Кабирдаги чўлланиш жараёнларининг кучайиши каби экологик инқирозли ҳолатларни келтириш мумкин. Улар нафакат Украина, Марказий Осиё, Япония ёки Шимолий Африка мамлакатларига, балки барча инсониятга ўз зарарли таъсирини кўрсатиб келмоқда. Чунки экологик жараён ва ҳодисалар на давлат чегарасига, на табиий чегараларга бўйсунади. Ҳар бир маҳаллий экологик талафот аввал локал, кейин регионал ва глобал тусдаги инқирозга айланиб бормоқда.

«Рим клуби»нинг ҳисботи 1972 йилнинг 5 июнида Швеция пойтахти Стокгольм шаҳрида Бутунжоҳон «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» Конференциясини чақиришга асос бўлиб қолди (1.1.1-расм). Мазкур конференцияни, хеч муболағасиз, халқаро ҳамжамиятнинг экологик дунёкарашидаги туб бурилиш нуктаси дейиш мумкин. Чунки инсоният тарихида илк бор БМТнинг жуда кенг қамровли ва салоҳиятли маҳсус

<sup>2</sup> Барқарор келажак сари. Ўқув-методик қўлланма. Т.: CHINOR ENK, 2013. – Б. 242.

**1948 йил 5 октябрь**

**Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг ташкил этилиши**

**Мақсади** – келакжаск авлод учун табиатни, жумладан, биологик хилма-хилликни сақлаш мақсадида табиий ресурслардан барқарор фойдаланиши



**1961 йил 29 апрель**

**Ёввойи табиат жамғармасининг ташкил этилиши**

**Мақсади** – атроф-муҳитга катта таъсир этувчи «катта бизнес» номояндаларини табиат муҳофазаси ҳаракати билан боғлаш



**1970–1971 йиллар**

**Ривожланган давлатларда «Атроф-муҳит муҳофазаси» давлат орғандарининг ташкил этилиши**

- 1970 й. Буюк Британияда «Оқ китоб»нинг чоп этилиши ва атроф-муҳит муҳофазаси департаментининг очилиши.
- 1971 й. Францияда Табиатни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳит муҳофазаси вазирлигининг очилиши ва ҳ.к.



**1972 йил 5–6 июнь**

**Стокгольмда БМТ «Атроф-муҳит» конференциясининг очилиши**

- 5 июнь «Бутунжасон атроф-муҳит куни» деб эълон қилиниши.
- Стокгольм декларациясининг қабул қилиниши.
- Тадбирлар режасининг қабул қилиниши.
- БМТнинг ЮНЕП ташкилоти ташкил этилишини тавсия этиши.
- Бутунжасон атроф-муҳит жамғармасининг ташкил этилиши.

**1.1.1-расм. Атроф-муҳит муҳофазаси муаммосининг юзага келиши**

аңжумани Ер сайёрасидаги экологик муаммоларни ҳал қилишга бағи-шланган эди. Айнан Стокгольм Конференциясидан бошлаб давлатлар ўртасидаги муносабатларда атроф-мухитни мухофаза қилиш масалалари алоҳида баҳс ва музокаралар мавзусига айланди. Эндилиқда экологик муаммоларнинг ечимини топиш глобал миқёсдаги хавфсизликни таъминлашнинг асосий омили эканлигини ҳамма тушуниб етди.

Стокгольм Конференциясида бешта муҳим қарор ва ҳужжатлар қабул қилинди:

1. «Стокгольм декларацияси»да атроф-мухитни миллий, регионал ва ҳалқаро миқёсда мухофаза қилишнинг 26 та принципи күрсатилди. Улардан бири «Ҳар бир инсон қулай атроф-мухитта эга бўлиш ҳуқуқига эга, унинг сифати эса инсонларнинг муносиб ҳаёт кечириши ва ривожланишга эришиши учун етарли даражада бўлиши керак»-dir. Декларация бандларининг бирида бутунжаҳон ҳамжамиятининг атроф-мухит муаммоларига нисбатан муносабатларда: «Иктиносидий ва ижтимоий ривожланиш атроф-мухитни яхшилаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга», – дейилган эди. Ушбу принцип атроф-мухит сифатини сақлаш учун фан ва техника тараккиёти ўсишини чеклашни талаб қилувчи концепцияга қарама-қарши айтилган фикрdir.

2. «Тадбирлар режаси» 109 банддан иборат бўлиб, унда давлатлар ва ҳалқаро ҳамжамият ўртасида атроф-мухитни мухофаза қилишнинг ташкилий, сиёсий, иктиносидий масалалари ёритилган ҳамда давлатлараро муносабатлар ва ҳалқаро ташкилотлар ролини кўтаришга алоҳида эътибор қаратилган.

3. Стокгольм Конференцияси тавсияномасига биноан БМТ Бош ассамблеяси Ҳалқаро атроф-мухитни мухофаза қилиш дастури (ЮНЕП) ташкилотини шакллантириди.

Универсал ҳалқаро ташкилотнинг қароргохи илк бор Африка қитъасида, яъни Кения пойтахти Найроби шаҳрида жойлаштирилди.

4. Конференциянинг очилиш куни (5 июнь) ҳар йили дунёда Бутунжаҳон атроф-мухитни мухофаза қилиш куни сифатида нишонладидиган бўлди.

5. Стокгольм конференцияси қарори билан Бутунжаҳон атроф-мухитни мухофаза қилиш жамғармаси ташкил этилди. Жамғармага БМТга аъзо барча давлатларга бадал тўловларини тўлаб туриш мажбурияти юкланди.<sup>3</sup>

<sup>3</sup> A. Nigmatov. Ekologiyaning nazariy asoslari. T.: Faylasuflar jamiyatni nashriyoti, 2013. – Б. 224.

1975 йил август ойида Хельсинки шаҳрида 35 та Европа давлатлари ҳамда АҚШ, Канада иштирокида ўтган Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Конғаши (ОБСЕ)да «Якунловчи хужжат» қабул қилинди. Мазкур хужжатда бутун жаҳон бўйича экологик хавфсизликни таъминлаш ҳам миллий, ҳам глобал миқёсдаги масала қилиб кўрсатилган эди.

Одамларнинг тафаккури, онги ва маданиятининг ўсиши барқарор ривожланиш гоясини жуда кўп шакл ва кўринишда намоён қилди. Эндиликда у ижобий тарафга қараб мукаммаллашяпти. Европада Рим империяси, Марказий Осиёда Амир Темур давлатида барқарор ривожланишнинг асосий кўрсаткичи империяларнинг ҳарбий кучи, уларнинг таъсир этиш доираси хисобланган бўлса, XIX–XX асрларга келиб ушбу «индикатор» саноат ишлаб чиқариш даражаси билан белгиланди. Иккинчи жаҳон урушининг оқибатлари барқарор ривожланиш айнан бутун дунё ҳамжамиятининг тинч-тотув яшаши орқали амалга ошиши мумкинлигини уқтириди.

«Совуқ уруш» даврида, яъни XX асрнинг 50–70 йилларида давлатларнинг ядро қуввати барқарорлик кўрсаткичи деб хисобланар эди. Буюк Британиянинг собиқ бош вазири Маргарэт Тэтчер телез экран орқали чиқишиларининг бирида: «Социалистик ва капиталистик лагерда айнан ядро куролига эгалик килиш учинчи жаҳон урушининг олдини олмоқда, айнан уларнинг паритети дунёвий ҳамжамиятларнинг тинч ва бир маромда ривожига хизмат қиласиди», – деган эди.

Фақатгина XX асрнинг 70-йилларига келиб одамзод хукмрон мамлакатларнинг куролланиш пойгаси ва гегемонлик принциплари терроризм, шовинизм, диний экстремизмни кучайтириши, демографик, ижтимоий-иқтисодий ва айниқса, экологик сиёсатда салбий кўрсаткичларга олиб келиши мумкинлигини тушуниб ета бошлади. Инсониятнинг жиддий муаммолари ҳал этилиши ва барқарор ривожланиши учун дунё ҳамжамиятининг янгича дунёқарашга ёки гоялар тизимига, яъни концепцияга ўтиши заруриятини талаб этди.

Дунё ҳамжамиятининг янги барқарор ривожланиш концепцияси биринчи маротаба 1987 йил БМТнинг Бутунжаҳон атроф-мухит ва ривожланиш бўйича Комиссияси томонидан ишлаб чиқилди. Мазкур Комиссия ўзининг Гро Харлем Брундтланд концепцияси деб номланган «Бизнинг умумий келажагимиз» маърузасида<sup>4</sup> ҳозирги

<sup>4</sup> www.uper.org – БМТнинг атроф-мухит дастури бўйича сайти.

авлод одамларининг ҳаётий эҳтиёжлари қондирилиши, келаси авлоднинг муносиб ҳаётга бўлган ҳукуқини ҳисобга олиб дунё ҳамжамиятининг барқарор ривожланиш концепцияси моделини яратди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1989 йил декабрь ойидаги 44\428-сонли резолюциясида барқарор ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиши мақсадида БМТнинг маҳсус конференциясини чақириш тўғрисидаги қарор қабул қилинди ва у алоҳида мавзу тарикасида кун тартибига киритилди. *Барқарор ривожланиш концепцияси давлатлар ва бутун дунё ҳамжамиятининг хусусият, мөхият ва таркибий жиҳатдан бир меъёрда (стабиль) ривожлантирувчи қарашлар тизими.*

Барқарор ривожланиш концепцияси ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш, аҳолининг ўсиши ва ижтимоий ҳимояси ўртасидаги мувознатни ривожланган ва ривожланиш йўлида турган барча давлатларда сақлашни ҳисобга олади. Чунки Ер сайёрасидаги атроф-муҳит холати уларнинг биргалиқдаги ҳаракат мажмусидир. Экологик муаммаларнинг ечими бирон бир давлат (масалан, АҚШ) ёки бирон давлатлар (масалан, «катта саккизлик») фаолиятига бевосита боғлиқ эмаслигини биз юкорида айтиб ўтган эдик. Бу ўринда яна бир бор Орол ва Оролбўйи муаммосига тўхталиб ўтишга тўғри келади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеяси 48-, 50-, 55-сессиялари ва Мингийиллик саммитида қилган маъruzасида айтиб ўтилганидек, Орол муаммоси нафақат Ўрга Осиё давлатларининг, балки бутун дунё ҳамжамиятининг «чуқур табиий дарди», чунки ушбу инкиroz курраи заминда экологик хавфсизликни кескинлатади, шунинг учун ҳам глобал ҳарактерга эга. Президентимиз барча давлат раҳбарларини, маҳаллий ва халқаро ташкилотларни Орол муаммосини ҳал қилишга ёрдам беришга чакирди ва акс ҳолда экологик инкиroz оқибатини олдининг олиш мумкин эмаслигини таъкидлаб ўтди.

## **1.2. Барқарор ривожланиш ва атроф-муҳит муҳофазаси**

Стокгольм конференциясидан кейин атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида бўлиб ўтган энг муҳим воеа 1992 йил 3–14 июнь кунлари Бразилияниң Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг

«Атроф-мухит ва ривожланиш»га доир конференцияси (АМРК) хисобланади. Чунки унинг ишида дунёнинг 170 дан зиёд, жумладан, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидан 7 давлат вакиллари иштирок этган ва 130 давлат ҳукумат бошлиqlарини юборган.

**Конференциянинг мақсади** – давлатларнинг барқарор ривожланиши ва тинч-тотув яшашини таъминлаш учун экотизимларга тушадиган босимни камайтириши.

Конференцияни ўткизиш қўмитасининг бош котиби Морис Странг раҳбарлигида учта ишчи гурухларда мунозаралар олиб борилди:

- биринчи гуруҳ атмосфера ҳавоси, ер ресурслари ва биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланди;
- иккинчи гуруҳ океанлар, денгизлар, кирғок бўйидаги минтақалар ва чучук сув ресурсларига доир муаммолар устида ишлади;
- учинчи гуруҳ ҳуқуқ, институционал (барқарор бирлашиши) ва ташкилий масалаларни кўриб чиқди.

Конференция иштирокчилари АМРК бўйича иккинчи минг йилликнинг тўқнашувида умуминсоний вазифалардан бўлмиш қўйидағи уч асосий хужжатни:

- атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва ривожланишга доир Рио Декларацияси;
- ўрмонлардан оқилона фойдаланишни сақлаш ва уни ўзлаштириш мезонлари тўғрисидаги Баёнот;
- XXI аср кун тартибини ишлаб чиқдилар.<sup>5</sup>

Рио-92 да бир пайтнинг ўзида БМТнинг маҳсус ҳукуматлараро музокаралар қўмитаси «Иқлимини ўзгартиришни чеклаш конвенцияси» устида иш олиб борди. ЮНЕП доирасида эса «Биологик хилма-хиллик конвенцияси»ни ишлаб чиқишилди. АМРКнинг очилишигача энг мукаммал тайёрланган ҳалқаро ҳуқуқ лойиҳаси «Рио Декларацияси» ва юқорида номлари тилга олинган икки Конвенция бўлди. Қолган меъёрий хужжатлар бўйича фикрлар жуда хилма-хил ва қарама-карши эди.

АМРК ўтиши жараёнида ишчи гуруҳ томонидан тайёрланган лойиха хужжатлари ойдинлаштирилган, мукобиллаштирилган ва

<sup>5</sup> А.Н. Нигматов, Н.С. Шивалдова, Р.Н. Султанов. Экологические аспекты устойчивого развития // Учебный курс лекций. – Т., 2003. – С. 15–18.

ўзгаририлган. БМТ Бош котиби Бутрос Гали конференцияни оча-етиб, айтиб ўтди: «Хеч вакт инсоният тарихи ўзингиз учун, бошқалар учун, болаларингиз учун, невараларингиз учун, турли шаклдаги ҳаётий унсурлар учун Сизлар қилган ёки қилмаган амалларга шунчалик даражада боғлиқ бўлмаган». БМТ Бош котибининг фикрини давом эттириб, Конференция раиси Бразилия Президенти Фернандо Колор де Мелло мазкур Саммитнинг мақсадини: «Бизлар иккита фундаментал низомга – ривожланиш ва атроф-мухитга асосланган умумий вазифаларни бажаришда олға силжишни таъминлаш учун йиғилдик. Бизлар тарихий зарурият ва ахлоқий мажбуриятни ривожлантиришнинг янги моделини, яъни ривожланиш ва атроф-мухит муҳофазаси деган тушунчалардан иборат бўлган жамият қуришни кабул қиласиз. Бизлар экологик хавфсизликсиз ижтимоий адолатли дунёни таъминлай олмаймиз».

Атроф-мухит ва ривожланишга доир конференция (AMPK) томонидан муҳокама қилинган асосий масалалар қуйидагилар эди:

- Ер сайдрасида, унинг саноати ривожланган қисмида ҳаётий тизими бузувчи ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жиҳатлари;
- қолоқ ва ривожланмаган мамлакатларда аҳоли ўсиш даражасининг юқорилиги (кунига кишилар сонининг 25 млн га ортиши);
- бой ва қолоқ давлатлар, бой ва камбағал фуқаролар ўртасидаги гафовутнинг орта бориши (одамзотнинг 75 фоизи яшаш учун курашмоқда);
- атроф-мухит, табиат имкониятлари, моддий манфаатларимизни ҳисобга олмайдиган ва табиатга қопланмайдиган зарап етказмайдиган иқтисодий тизими.

Мазкур муаммолар муҳокамасида деярли барча давлатлар ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Уларнинг чиқишлари ниҳоятда хилма-хил, қарама-қаршиликларга ҳам бой бўлди. Юзага келган муаммоларнинг мазмунига кўра уларни қуйидагича гурухлаш мумкин:

1. Умумсиёсий ва умумташкилий. Бу муаммоларнинг муҳокамасида Швеция қироли Карл XVI Густав, Норвегия Бош вазири Г.Х. Брундуланд, AMPK Бош котиби Морис Стрэнг, БМТдаги Сингапур вакили Томми Кох ва бошқалар фаол иштирок этишди. Улар «Бизнинг умумий уйимиз – Ер сайдрасини сақлаш» ҳаракатининг давлат

раҳбарлари, сиёсий партиялар ва оқимлардан чиққан етакчилардир. Барқарор ривожланиш ғоясини олға сурәтган мазкур етакчилар доно сиёсий фикрлаш даври келганлигини билдириши. Буни бугун қилишимиз керакки, акс ҳолда хавф-хатар, оломон ва тўқнашувлар муқаррардир дея таъкидладилар улар.

2. *Молиявий масалаларга* БМТ хузуридаги Бразилия вакили Рубенса Рикуперу сўзларида, АҚШ, Англия, Германия, Шри-Ланка давлатининг вакиллари ҳамда Глобал экологик жамгарма, ЮНЕП ва бошқа халқаро ташкилот вакиллари тўхталиб ўтишди. Улар мазкур учрашувни «XXI аср кун тартиби» хужжатидаги муаммоларни халқилиш учун молиявий ресурсларни топиш зарур ҳамда халқаро кўмаклаштирувчи жамгармаларни тўлдириш ва атроф-мухит муҳофазасига доир биринчи навбатдаги тадбирларни амалга ошириш учун қўшимча маблағларни тақсимлаш механизмини ишлаб чиқиш кераклиги кўрсатиши.

3. *Чучук сувни муҳофаза қилиши ва ундан оқилона фойдаланиш* – Марказий Осиё, Африка, араб ва баъзи евро-америка давлатларининг вакиллари арид ва субарид минтақалар аҳолисини чучук сув билан таъминлаш бўйича лойиҳаларни молиялаштирувчи субъектларни муҳокама қилишга эътибор каратди.

4. *Хуқуқ институтлари ва инструментлари*. Конференциянинг маҳсус пленар кенгашида атроф-мухитни муҳофазалаш ва барқарор ривожланишга доир барча секцияларнинг нормал ишлашинини таъминловчи масала сифатида қаралди ва уни БМТ хузуридаги Миср вакили Набил Эль-Араби олиб борди. Сўзга чиқувчилар экология ва ривожланиш соҳасидаги хукуқий базанинг заруратини, бу ўринда ривожланаётган давлатларнинг ўзига хос хусусияти ва имкониятларни инобатга олган ҳолда миллий ва халқаро хуқуқ нормаларини ишлаб чиқиши тавсия этдилар. «Барқарор ривожланишда экологик жиноят» ва «Барқарор ривожланишда экологик жавобгарлик» тушунчаларига таъриф берилди. Бутунжаҳон экология хукуки ва меъёрларини химоя қилиш учун халқаро назорат, экспертиза ва суд органларини ташкил этиш тўғрисида жуда кўп таклифлар берилди.

5. *Ресурсларни сақловчи технологиялар ва уларнинг узатилиши*. Мазкур муаммога ЮНЕСКО, ЮНЕП, ФАО, ГЭФ ва шу каби халқаро ташкилотларнинг мъruzачилари эътибор каратдилар. Ресурсларни

ва энергияни сақловчи экологик мақбул технологияларни ривожланған давлатлардан «хом ашё манбай» бўлган мамлакатларга узатиш шароитлари муаммоси Конференциянинг жиддий мухокамасида бўлди. Ривожланаётган давлатлар вакиллари янги экологик мақбул технологияларнинг узатилиши имтиёзли шартлар асосида амалга оширилиши кераклигини айтишган бўлса, ривожланган давлатлар вакиллари эса экологик технологияларни бозор нархида сотилиши тарафдори эканликларини очик-ойдин намоён этишди.

6. *Атмосфера ҳавосини мұхофаза қилиши.* Конференцияда бу анча кийин мавзу бўлиб қолган эди, чунки энергияни сақлаш ва тикланмайдиган ёқилғи-энергетик ресурслардан фойдаланишини қискартириш масаласи нефть казиб олувчи араб мамлакатлари ва халқаро ОПЕК ташкilotига аъзо бўлган давлатларнинг қаршилигига дучор бўлди. Улар назарда тутилган экологик чоралар нефть бозорига, шу жумладан, уларнинг ривожланишига ва аҳолисининг фаровонлигига ҳавф солишини айтиб ўтдилар. Шунинг учун ҳам улар тегишли ҳужжатнинг тайёрлов жараёнида мурosalovчи қарорларни қабул килишга йўл қўймадилар.

7. *Биологик хилма-хиллик ва биотехнологиялар* бир гурух масалаларда кўриб ўтилди. Биотехнология масалалари ва уларни халқ ҳужжатнинг реализациясидан келган даромад уларнинг асосий генетик манбаси бўлган тропик давлатлар бўйича тақсимланмайди. Компенсация сифатида Африка ва Лотин Америкаси давлатлари уларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун ривожланган давлат (айниқса, АҚШ) хусусий компания ва корпорацияларидан молиявий ёрдам талаб қилишди. Шунинг учун бўлса керак бу ҳужжатни АҚШ биологик хилма-хилликни сақлаш Конвенциясида имзолаб тасдиқламади.

8. *Ўрмонлар мұхофазаси* биологик хилма-хилликнинг ҳаётий мұхим компоненти ва атмосфера ҳавосини кислород билан таъминлаб берувчи асосий манба бўлгани учун ҳам мустақил мухокама блоки сифатида кўриб чиқилди.

9. *Институционал (барқарор бирлашиши)* чоралари ҳукуқ масалаларидан ажратилган ҳолда мухокама қилинди. Мазкур чораларнинг мухокамаси юзасидан «Рио-92» конференциясида қабул қилинган

энг муҳим ҳужжатларнинг мониторингини олиб борувчи маҳсус ҳайъат ташкил этилди.

Ташкилий қўмита ва турли ҳайъатларнинг юкорида кўрсатилган масалалар бўйича 12 қунлик унумли фаолияти натижасида кўпчилик давлатлар томонидан қабул қилинган қўйидаги ҳужжатларни: «Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Рио Декларацияси», «Ўрмонлардан оқилона фойдаланиш, уларни сақлаш ва қайта тиклаш мезонлари ҳақида» Низом, «XXI аср кун тартиби», «Биологик хилма-хиллик бўйича Конвенция», «Иқлим ўзгаришини чеклаш түғрисида» Конвенцияни имзолашга олиб келди.

Конференцияда халқаро экология хуқуқининг энг муҳим меъёри бўлиб «Рио Декларацияси» кўрилди. Бу Декларация жамият ва табиат қонунларининг уйғунлаштириш мезони ҳамда ижтимоий-экологик-иқтисодий муаммоларнинг ўзаро бир бутунлиги ва давлатларнинг мазкур масалаларнинг ечимини топиш мажбуриятларини ўз ичига қамраб олган ҳужжатнинг тўлиқ номи «Атроф-муҳит муҳофазаси ва ривожланишга доир Рио-де-Жанейро Декларацияси» деб номланганидир.

«Рио Декларацияси»нинг муқаддимасида глобал миқёсдаги ҳамкорлик йўли билан давлатлар, жамиятнинг энг асосий бўғинлари ва кишилар орасида янги даражадаги барқарор бирлашишни яратиш орқали глобал миқёсдаги экологик тизимларнинг бир бутунлиги ва умумий миқёсдаги ривожланишни таъминлаш учун янги, адолатли йўллар (механизм)ни таъсис этиш ҳақидаги баёнот имзолангани таъкидланган. Ундан ташқари Декларацияда дунё миқёсида атроф-муҳитни муҳофaza қилишни ва ривожланишни бир маромда ушлаб туришга ёрдам берувчи 27 принцип келтирилган. Мазкур принципларнинг моҳияти ушбу кўлланманинг биринчи бобида ёритилган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Рио Деклариациясини ратификация қилган.

«Рио-92» Конференциясида қабул қилинган яна бир муҳим ҳужжат «XXI аср кун тартиби»дир. Ушбу юз йиллик дастур 4 бўлим, 4 бобга эга ва умумий хажми 300 варакдан ортиқ капитал халқаро ҳужжатдир. Унда 2000 йил ва ундан кейинги юз йил ичida Конференцияда таклиф этилган чора-тадбирлардан келиб чиқсан ҳолда қўйилган мақсадга эришиш учун атроф-муҳит муҳофазаси ва ижтимоий-иқти-

содий ривожланиш соҳасида инсоният барча куч ва ғайратининг асосий йўналиши батафсил ва атрофлича таърифланган. Унинг ҳар бир бобида атроф-муҳит муҳофазасига доир ўртага ташланган саволларни очиш йўллари ва ривожланиш соҳалари кўрсатилган.

XXI аср кун тартибида ривожланишнинг ҳар бир соҳасида унинг иштирокчилари фаолияти, мақсадлари, вазифалари, харакатлари ва асослари берилган. Уларни амалга татбик этиш учун маҳаллий, миллӣ ва регионал миқёсда фаолиятни молиялаштириш йўллари ва ҳажми келтирилган. Халқаро мақсадга йўналтирилган кичикроқ лойихалар; қарзлар, бошқариш, иктисадий сиёсатни самарали олиб бориш, халқаро ва регионал ҳамкорлик ҳамда мувоғиқлаштириш каби қисмларга молия масалалари ажратилиб кўрсатилган. Ҳар бир бобнинг якунида сарф-харажатларни баҳолашни хисобга олган ҳолда молиялаштириш механизмлари ва амалга ошириш имкониятлари берилган.

Мамлакатимизда Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 12 ноябрдаги 510-сонли маҳсус қарори асосида <sup>\*</sup>Ўзбекистон Республикасининг миллий барқарор ривожланиш ҳайъати ташкил этилди. Ҳайъат «XXI аср кун тартиби»нинг талабларини амалга ошириш мақсадида «Барқарор ривожланишнинг Миллий стратегияси»ни ишлаб чиқди.

«Рио-92»да қабул қилинган мухим ҳужжатлардан яна бири «Ўрмонлардан унумли фойдаланиш, уларни сақлаш ва ўзлаштириш принциплари тўғрисида»ги баённома эди. Бу Баённома инсон ва жамиятнинг ўрмонларга нисбатан ҳуқуқларини белгилайдиган, ўрмонлар табиатнинг бебаҳо инъоми эканлигини таъкидлайдиган ҳужжатdir. Ер деб аталмиш сайёрада ўрмонларнинг ресурс имкониятларини сақлаш, уларнинг ҳамма турларини назоратсиз кесишлилардан тийиш ва уларни тугатишни тўхтатиш глобал даражада ҳал қилиш лозимлигини уқдирадиган мухим халқаро ҳужжат бўлиб қолди.

«Биологик хилма-хиллик бўйича конвенция» ва «Иқлимини ўзгартиришни чеклаш тўғрисида»ги конвенция кўпчилик давлатлар томонидан имзоланди. Улар 1993 йил 14 май санасида <sup>\*</sup>Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан ҳам тасдиқланди ҳамда 1996 йил 7 майда <sup>\*</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди.

«Биологик хилма-хиллик ҳақидаги Конвенция»нинг мақсади сайёрамиздаги биологик хилма-хилликни сақлаш, унинг таркибий

қисмларидан барқарор фойдаланиш, генетик ресурсларни адолатли ва тенг тақсимлаш, жумладан, улардан фойдаланиш учун эгасидан рухсат олиш, технологиялардан фойдаланиш хукукини конуний йўл билан узатиш ҳамда талаб даражасида молиялаштириш орқали фойда олишдир. Мазкур Конвенциянинг мақсади биосферанинг ҳаётий тизимларини саклаш ва эволюцион ривожланиш жараёнини ушлаб туришда биологик хилма-хиллик ва унинг экологик, генетик, ижтимоий-маънавий, иқтисодий, маданий, илмий, рекреацион аҳамиятини тан олиш ҳисобланади. «Биологик хилма-хиллик тўғрисида»ги конвенциянинг муҳим принциплари Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги (26. 12. 1997 й.), «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги (26. 12. 1997 й.), «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги (15. 12. 2000 й.) қонунларида ҳамда «Биологик хилма-хилликни саклашнинг миллий стратегияси ва фаолият режаси тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг маҳсус қарорида ифодаланган. Мазкур ҳужжатлар орқали Ўзбекистон Республикаси «Биологик хилма-хиллик тўғрисида»ги конвенциянинг иштирокчиси сифатида унинг барча тамоиллари ва нормаларини сўзсиз тан олади ҳамда уларни босқичма-босқич амалга татбиқ қилиш мажбуриятини зими масига олади.

«Иклимини ўзгартиришни чеклаш тўғрисида»ги конвенциянинг мақсади – атмосфера «иссиқҳона»си оқибатида глобал исишга олиб келувчи газларнинг умумий ҳажмини ушлаб туриш. 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, 2002 йил 5 апрелдаги «Чикиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида мазкур конвенциянинг асосий принциплари ва нормалари акс эттирилган.

Атроф-мухит ва ривожланиш Конференциясида қабул қилинган ҳамма ҳужжатларнинг муҳимлиги ва долзарблиги, кўшма мониторинг олиб бориш имкониятлари, табиий ресурсларни муҳофазалаш ва улардан фойдаланишини назоратлаш, экспертиза қилиш имкониятларини ҳисобга олиб, Рио-де-Жанейродаги барча учрашув иштирокчилари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ўргасида қабул қилган принципларни ва нормаларни йўлга қўйиш, уларни амалга татбиқ қилиш механизмларини такомиллаштириш ниҳоятда муҳимдир. Бу-

нинг учун миллий қонунлар, қонун ости мөъерий ҳужжатлар асосида «XXI аср кун тартиби»даги кўрсатилган ҳар бир режа ва фаолият ластурларини ишлаб чиқмоқ зарур.

Нуфузли «Атроф-муҳит ва ривожланиш» Конференциясининг 10 йиллигини сархисоб қилиш мақсадида, яъни «Рио-10»дан сўнг, 2002 йилнинг 26 августидан то 4 сентябригача Жанубий Африка Республикасининг Йоханнесбург шаҳрида БМТнинг «Барқарор ривожланиш» рукни остида Бутунжоҳон Саммити (БРБС) бўлиб ўтди.

«Рио-92» (AMPK)дан фарқли ўлароқ ушбу Саммит давлатлар ва ҳалқаро ҳамжамиятнинг барқарор ривожланишига доир жиддий ва долзарб масалаларни муҳокама қилиш ҳамда уларнинг ечимини топишга интилиш учун чакирилган эди. Саммитда ижтимоий ҳаётнинг экологик муаммолари давлат ва минтақаларнинг бир маромда ривожланишида, уларнинг ижтимоий-иктисодий мўътадиллигини таъминловчи энг муҳим элементи сифатида кўриб чиқилди. БРБС-нинг бошқа шунга ўхшаш учрашувлардан фарқи шунда эдики, унда иштирок этажтан давлатлар ва ҳукумат бошлиқлари, нодавлат ва ҳалқаро ташкилотлар, саноат ҳамда бизнес вакилларининг кўплиги ва хилма-хиллигидадир. Марказий Осиё давлатларидан БРБСда Қозоғистон, Тоҷикистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Туркманистон делегациялари қатнашди.

БРБСнинг тайёрлов ҳайъати ва ташкилий қўмитаси томонидан «БРБС қарорларини бажариш режаси» ва «Сиёсий декларация» ишлаб чиқилди. Саммит иштирокчиларининг асосий эътибори «БРБС қарорларини бажариш режаси» лойиҳасининг муҳокамасига қаратилди. Унда тегишли маълумотлардан фойдаланиш, қарорлар қабул қилиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида судлардан фойдаланиш борасидаги Низомлар иштирокчилар томонидан тўла маъқулланмади. Ушбу муҳим қоидаларсиз «БРБС қарорларини бажариш режаси» қабул қилинди. Унинг умумий ҳажми 133 бетдан иборат бўлган ҳужжат 170 банд, IX бўлим, 12 бобдан иборат эди. Мазкур Режада, «Рио-92»да қабул қилинган «XXI аср кун тартиби»дан фарқли равишда асосий эътибор Сайёрамизнинг турли минтақаларидаги барқарор ривожланиш масалаларига қаратилган эди.

«БРБС қарорларини бажариш режаси» принциплари барқарор ривожланишнинг уч таркибий қисми: иктисодий ўсиш, ижтимоий

ривожланиш ва атроф-мухит муҳофазаси талабларига жавоб беради. Барқарор ривожланишнинг асосий вазифалари ва талаблари:

- қашшоқликни йўқотиш;
- ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг барқарор бўлмаган моделларини ўзгартириш;
- иктиносидий ва ижтимоий ривожланишнинг табиий ресурслар базасини муҳофаза қилиш ҳамда ундан оқилона фойдаланиш.

Барқарор ривожланиш бўйича Саммит режасида асосий эътибор давлатларнинг ижтимоий-иктиносидий хавфсизлигига қаратилди. Айнан ана шу масала юзасидан экологик муаммолар ҳам кўриб чиқилди. Аммо глобал миқёсда аниқ ҳал этилиши мумкин бўлган экологик масалалар факатгина китъалар ва минтақалар бўйича кўриб чиқилди.

Режанинг IV бўлими 24–26-моддаларида кўрсатилганидек, миллий ҳудудда ва унинг ташқарисида атроф-мухитни муҳофаза қилишга эришиш учун:

- ичимлик суви билан таъминланиш соҳасида Минг йиллик Декларацияси дастурини молиявий ва техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш. 2015 йилга қадар тоза чучук сув билан бевосита фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган кишиларнинг сонини икки баробаргача камайтириш. Молиявий ресурслар мобилизацияси, технологияларнинг узатилиши, илғор тажрибаларни оммалаштириш, сув билан таъминлаш, санитария соҳасида миллий ва ҳалқаро миқёсда хизматларни ташкил этиш, кам таъминланган кишиларнинг эҳтиёжларини гендер (аёллар) хукукларини ҳисобга олган тарзда жалб этиш;

- океанлар ресурсларини барқарор ўзлаштириш бўйича чора-тадбирларни маҳсус органлар орқали барча боскичларда самарали мувофиқлаштириш ва ҳамкорликни таъминлаш (жумладан, глобал ва регионал миқёсда). Бу ўринда океанлар муҳофазаси ягона экосистемада, яъни океан (денгиз, орол, қирғоқ) ҳудуди орқали амалга оширилиши лозимлигини унутмаслик лозим;

- глобал дастурлардаги фаолиятни тезлаштириш йўли билан Монреал декларациясига мувофиқ денгизларнинг шаҳарлардан оқиб келаётган сувлар билан ифлосланиши олдини олиш;

- хавф-хатарли омилларнинг барча турларини ва табиат комплексларининг заифлигини ҳисобга олган ҳолда хар томонлама ён-

дашиш ҳамда табиий оғатларнинг олдини олишда комплекс ёндашувни амалга ошириш;

- иқтисодий барқарорлик асосида озиқ-овқат билан таъминлашни опириш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини кучайтириш;
- кучли қурғокчилик ёки чўлланиш жараёнлари кетаётган давлатларда БМТ чўлланишга қарши қурашиш Конвенциясини амалга опириш;
- Ер юзасининг ноёб флора ва фаунаси, жумладан, нозик ва заиф төғ экосистемасини саклаш;
- «Халқаро экотуризм йили» (2002 йил), «БМТнинг Халқаро мадданий мерос йили» (2002 йил), Квебек декларацияси ва Бутунжоҳон туризм ташкилотининг «Глобал туризм этикаси кодекси»даги нормаларга асосланиб экотуризмни рағбатлантириш;
- барқарор ривожланиш муҳим аҳамият касб этаётган биологик хилма-хиллик конвенциясидаги нормаларни амалга кенгроқ татбиқ этиш.

Мазкур вазифалар, «БРБС қарорларини бажариш режаси» Низомидан келиб чиқиб ривожланаётган давлатлар – Африка, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси, Осиё ва Тинч океани, Фарбий Осиё ва Европа иқтисодий комиссияси регионларида ҳамда оролларида жойлашган давлатлар мисолида кўриб чиқилди.

Институционал чеклашлар БМТнинг Бош Ассамблеяси, Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши, Барқарор ривожланиш ҳайъати, глобал, регионал ва миллий ташкилотларнинг мақсади, вазифалари ва фаолият йўналишларини аниқлаштиради, уларнинг ролини оширади ҳамда барқарор ривожланишни таъминлашда аҳолининг асосий гуруҳлари экологик хавфсизлиги учун шароит яратиш имкониятларини кенгайтиради.

Руминия делегацияси барқарор ривожланиш бўйича маҳаллий ва регионал марказларни (БРРМ) ташкил этиш ғоясини илгари сурди. Бу эса Марказий Осиё учун айни муддао эди. Саммитда 200 дан ортиқ шерикчилик ташабbusлари, шу жумладан, Марказий Осиёдаги нодавлат ташкилотларидан ҳам эълон қилинди. БРБС-нинг ёпилишига бағишлиланган матбуот анжуманида БМТ Бош контиби Кофи Аннан: «Йоханнесбург – бу Рио эмас. Риода берилган ваъдалар бажарилмади, бирок умид киламизки, қабул қилинган

хужжатлар – барқарор ривожланишини юзага чиқарадиган аниқ фаолият режасидир. Бироқ, менимча, Саммитда қабул қилинган қарорлар декларатив (мажбурий эмас) характерга эга, шунинг учун ҳам унинг мақсади ва ташаббусларига эришмоқлик учун ҳамма манфаатдор томонлар бутун куч ва ғайратини ишга солмоқлиги зарур. Қабул қилинган хужжатлар бўйича якуний хуносаларни пухта таҳлил қилиш даркор. Режа ва Декларациянинг ҳаётийлигини вакт кўрсатади», – деган эди.

Йоханнесбург – 2002 дан роппа-роса 10 йил ўтгач 2012 йилнинг 20–22 июнида Йоханнесбург – 2012 «Баррор ривожланиш»га бағишлиланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда асосан «Яшил иқтисод», «Барқарор ривожланиш» масалалари кўриб чиқилди (1.2.2-расм).



- қашшоқликни йўқотувчи нисбатан экологик хавфсиз бўлган иқтисодиётни ривожлантириш;
- иқтим ўзгаришига салбий таъсир қилувчи денгиз экотизимларини талофатловчи океанилар балиқ хўжалиги юритишдан муҳофаза қилиш;
- шаҳарларнинг ободонлаштиришни оқилюна тарзда олиб бориш орқали уларда аҳоли учун қулай шароит яратиш;
- иқтисодий ривожланишга олиб келадиган муқобил энергияни турларини кенг ишлатиш орқали углерод чиқиндоларини камайтириш ва атроф-муҳитни ифлослантиришни камайтириш;
- ўрмонлардан фойдаланиши бошқаруви самарадорлигини ошириш;
- барқарор ривожланиши ва чўлланишига олиб келувчи сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилюна фойдаланиши;

*1.2.2-расм. «Йоханнесбург – 2012» конференциясида «яшил иқтисод» масалалари*

### 1.3. Халқаро экологик муносабат қоидалари ва географик хусусиятлари

Хаммамизга маълумки, давлатлар ўртасидаги барча халқаро, жумладан, экологик тусдаги муносабатларни тинч йўллар билан мувофиқлаштирадиган универсал кўринишдаги ташкилот БМТдир. Ҳозирги кунда унга 193 та давлат, жумладан, 1946 йил 19 ноябрдан Афғонистон, 1992 йил 2 марта эса Марказий Осиё давлатлари – Ўзбекистон, Тоҷикистон, Туркманистон, Қозоғистон ва Кирғизистон республикалари аъзо. У халқаро муаммоларга доир ҳамма долзарб масалаларни кун тартибига киритади. Кейинги 30-40 йил мобайнида кун тартибиغا кўпинча экологик масалалар ҳам киргизилмоқда. БМТнинг олий органи – Бош Ассамблея атроф-муҳит муҳофазасига доир муаммолар юзасидан унга аъзо давлатлар ва Хавфсизлик кенгашига тегишли тавсиялар беришга ҳақлидир. Шунинг учун ҳам Бош Ассамблея сессияларида йирик жамоат, давлат ва сиёсий арбобларнинг маъruzалари тингланади ҳамда тегишли хуносалар қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясида сўзлаган нутқларининг барчасида жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътиборини Орол денгизи ҳавзаси ва унинг оқибатида келиб чикаётган экологик инқирозли ҳолатга қаратди. 1995 йилдан бошлаб бир неча бор Тошкентда ушбу ташабbusларга мувофиқ БМТ раҳбарлигида Орол муаммоларига бағишланган халқаро конференция ўтказилди ва унда Орол ҳавзасидаги халқаро сув объектларидан оқилона фойдаланиш юзасидан Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари келишиб олишга харакат қилишмоқда.

БМТнинг 55/2 резолюцияси билан 2000 йил 8 сентябрда қабул қилинган БМТнинг «Минг йиллик» декларацияси I қисм 1-2-моддаларида «Биз, давлат раҳбарлари ва хукуматлар... учинчи минг йиллик арафасида тинч-тотув яшаш, тараққиёт ва адолатли ҳаётнинг асоси сифатида яна бир бор Ташкилот ва унинг Низомига қатий амал қилишимизни тасдиклаб, ...ўзимизнинг жамоамиз ҳамда бутун инсоният олдидаги глобал бурчимиизни хис этган ҳолда шахсий ва жамоавий жавобгарлик принципларига амал қилишни эътироф

этамиз»<sup>6</sup> деб битилган. Мазкур халқаро принцип БМТнинг табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг узоқ муддатга белгиланган стратегик йўналишидир. Бундан келиб чиқсан тарзда ҳар бир БМТ аъзоси ва муайян бир минтақадаги мамлакатлар ўз миллий ёки минтақавий экологик конунчиликни айнан шу йўналтирувчи қоида асосида ишлаб чиқишини мақсад қилиб қўйишни тасдиқлаб берган. Марказий Осиё давлатлари ва унинг регионал ташкилотлари бундан мустасно эмас, албатта.

Йирик эколог олим, профессор Н.Ф. Реймерс ўзининг «Инсониятнинг яшаб кетиши умидлари: концептуал экология» монографиясида «Экология кенг маънода инсонларнинг яшаб кетиши ҳакидаги таълимот» деб бежиз айтмаган. Чунки инсонларнинг Ер куррасида яшаш муддати уларнинг экологик қарашларини амалда тагбиқ қила олиш имконияти билан белгиланади. Фанда буни экологик концепция деб атайдилар. Экологик концепция – жамиятнинг табиатга нисбатан муносабати тұғрисидаги қарашлар тизими, яъни бу моддий дунёда кишиларнинг ўрни, аҳамияти ва моҳиятини акс эттирувчи қарашларини кисмларга ажратиш ва иерархик поғоналаш. Давлатларнинг экологик концепцияси БМТ Низомининг муқаддимасида көлтирилган сұзларда ўз аксини топган, яъни «...халқаро шартномалар ва бошқа халқаро ҳукуқ нормалари манбаларидан келиб чиқсан тарзда, адолатта олиб киругичи ва мажбуриятларни хурмат килувчи шароитларни яратиш мақсадида сабр-тоқат ва биргаликда яшаш, ўзаро тотувлик, яхши қўшничилик, халқаро миқёсда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга, биз – Бирлашган миллатлар халқлари қатъяян киришамиз».

Давлатларнинг экологик принциплари уларни атроф табиий муҳитга нисбатан қаратилган экологик муносабатларида, яъни атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиши, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши ва бузилган табиат мажмуаларини қайта тиклаш принциплари (йўналтирувчи қоидалари) ва уларни амалга ошириш механизмида намоён бўлади. Шундай қилиб, халқаро экологик муносабатда биз икки ҳолатга ўз зътиборимизни қаратишимииз лозим.

Биринчиси, экологик муносабат принциплари, айнан табиат ва жамият қонунларини уйғуллаштиришга йўналтирилади. Акс ҳолда

<sup>6</sup> Табиат. Жамият. Маънавият (Президент Ислом Каримов асарларида экология масалаларининг ёритилиши). Тўлдирилган иккинчи нашри / Экологик таълим ва тарбия учун кўлланма // Сўзбоши ва тузувчи А. Нигматов – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б.152.

улар ноэкологик принциплар дея эътироф этилади. Зеро, табиат конунлари – кишиларни ўраб турувчи агроф табиий мухитда кечәётган ходиса ва жараёнларнинг жамият конунларига бўйсунмайдиган ва кишилар фаолиятисиз ҳам намоён бўла оладиган кечинмаси. Жамият конунлари эса кишиларнинг хатти-ҳаракатларини (ёинки бирон бир объектга нисбатан муносабатларини) белгилайдиган ижтимоий меъёрлар йигиндиси. Ижтимоий муносабат эса нафакат юридик тусдаги ҳукуқий меъёрлардан, балки урф-одат, анъана каби миллий қадриятлардан ҳамда инсон маданиятидан келиб чиқади.

Халқаро миқёсда умумэътироф этилган экологик муносабат принципларига қўйидагилар киради – *табиий ҳодиса ва жараёнлар кўп қирралидир*. Шунинг учун ҳам улар ҳар томонлама объектив баҳоланиши ва халқаро экспертизадан ўтиши лозим. Бу деган сўз – ҳар бир табиий ҳодиса ёки жараёнга ҳўжаликнинг бирламчи соҳавий заруриятга қараб ёндашиш талаб этилади. Лекин бу соҳавий сендашув, авваламбор, инсонлар яшайдиган экотизимларни саклаб колиш ва уларни қайта тиклаш нуктаи назаридан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Масалан, Марказий Осиё минтақаси табиий шароитида ўрмонлар курилиш ёки кимёвий хом ашё манбаи эмас, балки экологик тизим ёки ландшафтларни бир меъёрда ушлаб турувчи манба сифатида қаралиши керак. Минтақанинг ҳеч қанча майдонини эгалламайдиган сийрак дарахтзор ҳамда бутазорлар сув ва тупроқ муҳофазасида «яшил қалқон», иқлимини мўътадиллаштирувчи «кондиционер», аҳолининг маданий дам олишини таъминлайдиган «оромгоҳ» сифатида кўрилиши керак. Сув фондидағи дарёлар Марказий Осиё шароитида биринчи навбатда сугориш ва аҳолининг маишний хизмати учун мўлжалланиши керак. Чунки иссик иклим (арид зона) шароитида сув – аҳоли учун ҳаёт манбаи. Сибирь, Узок Шарқ каби совуқ ёки Жанубий Шарқий Осиё сингари нам иқлимли минтақалар учун дарёлар, авваламбор, аҳолининг транспорт хизматини бажарувчи ва арzon энергетика манбаи ҳисобланади. Дарёлар инсон ҳаётида билвосита – қишлоқ ҳўжалиги, металлургия, тог-кон, кимё саноати каби сувни кўп талаб килувчи ҳалқ ҳўжалиги тармоқларига хизмат қиласи. Доимий ёки вақтинча оқар сувларнинг иши – табиий пасткамлар ёки жарликлар, чиқитлар ёки маиший ахлатлар ташлайдиган «табиий ўра» бўлиб колмаслиги лозим.

**Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши минтақавийдир,** яъни локал ва регионал шароитларни (табиий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий) инобатга олган ҳолда экологик тадбирларни олиб бориш қоидаси демакдир. Минтақавий барқарор ривожланишнинг таянчи бўлган табиат бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш табиий ресурсларни ҳар томонлама баҳолашни, истиқболли йўналишларни аниқлашни, маҳаллий ва экологик шароитларни инобатга олган ҳолда уларни амалга татбиқ этишини талаб этади. Чунки Ер куррасида табиий обьектларнинг сон ва сифат кўрсаткичлари майдон ва макон бўйича бир текисда жойлашмаган. Бирон бир минтақада маълум бир табиий обьект ёки ресурснинг мўллиги иккинчи бир минтақада унинг этишмаслигини қопламайди ёки бирон бир минтақада экологик ҳавфсиз муҳит шароити иккинчи бир минтақанинг экологик инкиrozини бартараф этишга асос бўла олмайди.

**Табиий ҳодисалар ва жараёнлар ўзаро узвий боғлангандир.** Юкоридаги экологик принципларнинг давоми сифатида шуни айтиш керакки, табиатнинг маълум бир обьектини муҳофазалаш ёки уни бузиш, қолган табиий обьектларга ўз изжобий ёки салбий таъсирини албатта ўтказади, яъни у «занжир реакцияси» усулида ишлайди. Масалан, табиатда дарё ва кўлларни муҳофазалаш ўз-ўзидан ундаги баликларни ва сув ўтларини муҳофазалашга олиб келади. Ўрмонларни асрар эса, авваламбор, улардаги ҳайвонот дунёсини сақлашга, сўнгра атмосфера ҳавоси ва сувларнинг тозалигини ушлаб туришга, тупрокнинг унумдорлик хусусиятини сақлаб қолишга имкон беради. Аксинча, ўрмонларда тупроқ унумдорлигини йўқотиш ўсимлик дунёсининг сийраклашувига, уларда яшовчи ва озиқланувчи ҳайвонот дунёсининг камайишига ёки кирилиб кетишига олиб келади. Экологик тизимдаги бир обьект муҳофазасини иккинчиси орқали амалга ошириш қонуниятини шакллантиради.

**«Занжир реакцияси» қонуниятининг давоми табиатда ҳамма нарса мувозанатдадир.** Масалан, Африка қўтиласидаги миллий боғларда ташкил этилган қўриқхоналарда филлар сонининг кўпайиб кетиши у ердаги ўсимлик дунёсининг сийраклашувига ва тупроқ унумдорлигининг пасайишига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам маълум бир обьект муҳофазасига қаратилган экологик тадбирни қолган табиий обьектлар имкониятларига мос равишда ва илмий асосланган тарзда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Юкорида зикр этилган түрт экологик принцип бизлардан табиат мулофазасига **комплекс ёндашувни** тақозо этади. Табиатни мулофаза қилиш ва шу билан бир қаторда, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши бирон бир соҳа ёки йўналиш бўйича тўлиқ амалга ошириб бўлмайди. Унга комплекс равишда – соҳалараро бошқарув ва назорат асосида ёндашиш керак. Ўзбекистон Республикаси Табиатни мулофаза қилиш давлат кўмитасининг фаолияти худди ана шу комплекслилик принципига асослангандир.

*Локал, регионал ва глобал экологик манбаатлар бирлиги* ёки табиатни мулофаза қилиш соҳасида маҳаллий, минтақавий ва халқаро манбаатларни уйғунлаштириш умумий экологик принципдан келиб чиқади, яъни табиатда кетаётган барча жараёнлар ва ҳодисалар ҳеч кандай маъмурий чегараларга бўйсунмайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир давлатнинг миллий экологик қонунчилигига халқаро экологик нормаларни имплементация (татбик) қилиш зарур. Атмосфера ҳавосига чиқазилаётган ис гази ўша ерда муаллақ туриб қолмайди, балки қўшни давлат ва халқаро ҳамжамиятга ҳавф туғдиради. Ноҳрин ёки Вахш дарё суви миллий мулк обьекти сифатида қаралмайди ёнинки уни товарга айлантириб бўлмайди. Чунки дарё сувини захира сифатида сақлаб қўйишнинг иложи йўқ. Орол муаммоси айнан шу тарика глобал муаммога айлангандир.

*Экологик жавобгарликнинг муқаррарлиги* принципи экологик ҳукуқбузарларга нисбатан (ҳоҳ у табиатни мулофаза қилиш, ҳоҳ табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида бўлсин), албатта, салбий юридик оқибатларни келтириб чиқариши лозим. Шунинг учун ҳам халқаро муносабатларда ва айниқса, Марказий Осиёда, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни мулофаза қилишга қаратилган ҳар кандай давлатлараро шартнома, декларация, резолюция ва шу кабин юридик ҳужжатда жавобгарлик санкциялари белгиланганда уларни амалга ошириш механизми аниқ қилиб кўрсатилган бўлиши лозим. Акс ҳолда улар «тишсиз халқаро нормалар»га айланниб қолади.

Умуман олганда, табиатни мулофаза қилиш, бир қараганда, табиий ресурслардан фойдаланишга қарама-қарши йўналишга үхшайди. Лекин экологик тизимдаги катта ёки кичик доирадаги модда ва энергия алмашинуви ҳам табиий обьектларнинг ўзаро таъсири, яъни фойдаланиш ва мулофаза қилиш асосида бўлади. Ҳеч қайси бир тирик мав-

жудот (хоҳ у ҳайвонот ёки ўсимликлар дунёси, хоҳ у микроорганизм ёки наноорганизм, хоҳ у инсон ёки жамият бўлсин) атроф-табиатдан фойдаланмасдан туриб ҳаёт кечира олмайди. Муайян экологик меъёрдаги бу ҳаракатлар экологик тизимларни ушлаб турувчи зарурый ходиса ва жараёнлар туркумига киради. Бундан, бир вақтнинг ўзида, ҳам табиатни муҳофаза килиш, ҳам фойдаланиш қоидалари келиб чиқади.

Шундай қилиб, жамиятнинг табиатга нисбатан йўналтирилган концепцияси экологик принципларга ёндашган ва чуқур илмий асосланган бўлишни талаб этади. Чунки инсон табиатнинг бир бўлаги, лекин унинг тескариси эмас.

**Иккинчиси**, ҳалқаро экологик муносабат механизмни авваламбор ҳуқуқ нормаларида акс этади. Акс ҳолда у юридик кучга эга бўла олмайди. Механизм – грекчада «mechanе» – қурол, қурилма деган маънени англатиб, у бирон бир ҳаракатни бажариш учун зарур ва узвий боғланган қисмлар тизими демакдир. **Ҳалқаро экологик-ҳуқуқий механизм** – ҳалқаро экологик муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишини таъминловчи қисмлар тизими. Қисмлар йиғиндиси эмас, айнан тизимидир. Ҳалқаро экология ҳуқукида юридик нормалар «тишисиз қонунлар»га айланмаслиги ва давлатлар томонидан инкор этилмаслиги («ҳуқуқий негизлизм» бўлмаслиги) учун экологик-ҳуқуқий механизм яратилади.

Экологик-ҳуқуқий механизм муайян давлатнинг экологик сиёсатига, экологик дунёқарашига, қурилиши ва бошқариш шаклига тўғридан-тўғри боғлиқ. «Бизнинг пировард мақсадимиз, – деган эди Президентимиз И.Каримов, – ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир».<sup>7</sup> Экологик муносабатларни ҳуқукий тартибга солиш механизми Ўзбекистонда айнан ана шу тамойилларни инобатга олган тарзда тузилиши ва унга монанд равишда ҳаракат қилишни талаб этади.

Ҳалқаро экологик муносабатларни ҳуқукий тартибга солиш унга ҳуқукий таъсир этиш, уни амалга ошириш, такомиллаштириш ва ривожлантириш орқалигина олиб борилади. Чунки замон ўзгарган сари кишилар ҳам ўзгариб борадилар, атроф табиий мухит ҳам ўз ўзгарувчанлик хусусиятини йўқотиб қўймайди.

<sup>7</sup> Табиат. Жамият. Маънавият (Президент Ислом Каримов асарларида экология масалаларининг ёритилиши). Тўлдирилган иккинчи нашри / Экологик таълим ва тарбия учун кўлланма // Сўзбоши ва тузувчи А. Нигматов – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б. 152.

Халқаро экологик-хуқуқий механизм занжирининг «ҳалқа»лари қўйиңдагилардан иборат:

- экологик хавфсизликни таъминловчи халқаро хуқуқий меъёрларни қабул қилиш;
- халқаро муносабат меъёрлари ижросини таъминловчи хуқуқий ҳужжатларни тезкор равишда ишлаб чиқиш;
- кафиллик нормаларини яратиш;
- экологик-хуқуқий муносабатларни ташкиллаштириш;

Экологик хавфсизликни таъминловчи халқаро хуқуқий меъёрлар катъий (императив) нормалардан иборат. Улар глобаллашув даврида экологик сиёсатини мужассамлаштирган тарзда ифодаланади. Экологик хавфсизлик эса кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондира оладиган тоза, соғлом ва қулай атроф табиий мухит ҳолатидир.

Халқаро муносабат нормалари ижросини таъминловчи хуқуқий ҳужжатларни тезкор равишда ишлаб чиқиш, халқаро шартномаларда императив нормаларни кенгайтирилган тарзда миллий экологик қонунларда ифодалаш мухимдир. Ушбу меъёр ва қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунида яққол ифода этилган бўлиб, улар тўрт кўринишдаги нормалардан иборат: *принцип, бирламчи, императив, кафиллик*.

Кафиллик нормаларини яратиш давлатлар ва уларнинг тегишли органлари ўртасида юзага келадиган, ягона экологик мақсадларни амалга оширишга йўналтирилган ҳаракатларини мувофиқлаштиришга қаратилади. Масалан, Трансчегаравий сувлардан фойдаланиш муайян даражада экологик хавфсизлик талабларини бажариш орқали олиб борилади. Бу талаблар ҳамма давлатлардан ягона мақсад сари ўз режаларини тузиш ва уларни татбиқ этишга ундайди. Акс ҳолда давлатларнинг ҳаётий зарур эҳтиёжларини қондириш имконияти бўлмайди. Давлатларда янги энергия манбаларини яратиш нафакат муайян миллат ёки элатдан, балки минтақавий субъектлардан ҳам, барча халқаро жамиятдан ҳам ва ҳаттоқи, давлатларнинг экологик онги ҳамда маданиятига таъсир этувчи хуқуқни муҳофаза килувчилардан ҳам ҳамжихатликни, уларнинг бир пайтда ва ўзаро келишилган тарзда ҳаракат қилишларини талаб этади. Бу эса ягона халқаро экологик-хуқуқий механизмнинг ажralmas ҳалқаларидан бири бўлиб хисобланади.

Шундай қилиб, минтақавий миқёсда давлатларниң табиат унсурларига нисбатан йўналтирилган қоидалари экологик принципларга ёндашган ва чукур илмий асосланган механизмдан иборат бўлиши талаб этилади. Акс ҳолда инсониятнинг «ягона уйи – Ер планетаси» ни барқарор сақлаб туриш, кўшничилик муносабатларини эса мътадил ушлаб туриш қийин кечади.

«Йоханнесбург – 2002» қарорларини бажариш режасида *барқарор ривожланиш масалалари маъмурий бирликларда жас, балки Сайёрамизнинг турли геотизимлари* доирасида ва турли минтақаларда турлича намоён бўлиши кўрсатиб ўтилди.<sup>8</sup> Унинг географик хусусиятлари ҳозирги кунда давлат ёки минтақалар бўйича қабул қилинаётган барқарор ривожланиш концепциялари, дастур ва режаларида ўз акси ни топмоқда. Географиянинг тадқикот предмети эса географик кобик доирасида барқарор ривожланиш талаб ва қоидаларининг ҳудудийлиги, даврийлиги, тизимлилиги ҳамда мажмуалилиги дадир.

**Барқарор ривожланиш гоясининг ҳудудийлиги.** Барқарор ривожланиш концепциясининг мақсади ягона, яъни табиат бойликларига нисбатан бугунги кун эҳтиёжларини қондириш келажак авлод ҳисобига бўлиб қолмаслик керак, деган мақсад ҳамма ҳалқаро ҳуқук субъектлари учун бир. Лекин унга эришиш йўллари, яъни вазифалари турлича бўлиши муқаррар. Зоро, бу мақсадга якин турган Швецария, Канада, Норвегия, Янги Зеландия каби мамлакатлар бор. Уларда «XXI аср кун тартиби»да кўрсатилган барқарор ривожланиш мазмунидаги чет мамлакатлар, айниқса кўшни давлатлар билан узвий ҳамкорлик алоқасини үрнатиш, қашшоқликка карши кураш, атроф-мухитни муҳофаза қилиш, аҳолининг экологик онги ва маданиятини шакллантириш, маҳаллий аҳолининг эҳтиёжларини инобатга олиш ва фуқаролик жамиятини кучайтириш каби масалалар жуда долзарб муаммо эмас. Аксинча, Сомали, Эфиопия, Непал, Ирок, Афғонистон каби давлатларда барқарор ривожланишни таъминлашда аёлларни кенг жамоатчилик ишларига жалб қилиш, болалар ҳуқуқларини таъминлаш, ҳалқаро минтақавий алоқаларин йўлга қўйиш масалаласи жуда долзарбdir. Шунинг учун ҳам «Барқарор ривожланиш» гоясининг мақсадини сақлаб қолган тарзда унинг мазмун ва моҳиятини реал ҳудудий имконият ва шароитга караб

<sup>8</sup> М.М. Голубчик., С.П. Евдокимов. География. – М.: Аспект пресс, 2003. – С.23–28.

шакллантириш, яъни кишилик фаолиятининг барча жиҳатларини бир месъерда ривожлантиришга минтақа, мамлакат ва ҳаттоқи, маҳаллий миқёсда индивидуал ёндашиш айни муддаодир.

*Барқарор ривожланиш гоясининг даврийлиги.* Юқорида келтирилган 1.1.1-расмдаги атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш концепциясининг яратилиш тарихига жиддий равишда назар ташлайдиган бўлсак, ўтказилган анжуманлар номи, қабул қилинган қарорлар ва уларни амалга ошириш механизми, ҳаттоқи, иштирокчилари ҳам замонга қараб ўзгариб борган. Бу эса барқарор ривожланиш гоясининг даврийлигини билдиради. Агарда 1970 йил «Рим клуби» аъзодарини хавотирга солаётган глобал муаммо аҳолининг истеъмол товарларига нисбатан тез суръатларда ўсаётганлиги ва шу муносабат билан «Ўсиш чегарасини» ўрнатишга қаратилган бўлса, 2 йил ўтар-ўтмас бу муаммо глобал миқёсда атроф-муҳитни муҳофаза қизини масаласига айланди. 20 йилдан сўнг «Атроф-муҳит ва ривожланиш» гояси табиат ва жамият бирлигини англатди. Рио-10 анжумани эса атроф-муҳитни муҳофаза қилиш гоясидан узоқлашиб «Барқарор ривожланиш» гоясини илгари сурди.

*Барқарор ривожланиш гоясининг тизимилиги.* Тизим (ўзбек тилида) ёки система (грек тилида) ягона бир маънони Англатиб, у нарса, ҳодиса, жараён, воқеликни муайян бир мақсадларига қараб қисмларга ажратиш ва уларни иерархик поғонага жойлаштирилган бир бутунлик демакдир. Барқарор ривожланиш гоясининг тизимилиги унинг таркибий қисмлари нималардан иборат эканлиги ва унбу қисмларни амалга татбиқ этишининг бирламчилигига ёки муаммонинг қайси бир жиҳати реал шароитда қандай аҳамият касб этишига қараб муайян бир кетма-кетлиқда жойлаштириш демакдир. Масалан, барқарор ривожланишда уч асосий масала, яъни иқтисодий, ижтимоий, экологик қисмларнинг бир бутунлиги акс эттирилган. Лекин эндиғина мустакил ривожланиш йўлига ўтиб олган барча мамлакатлар учун иқтисодиётнинг бирламчилиги, яъни иқтисоднинг спесатдан устуворлиги тамойили, тўғрироғи, принципи амал қиласи. Шунинг учун ҳам уларда иқтисодиёт→ижтимоий ҳаёт→экология масалалари кетма-кетлиқда туради. Канада, Швецария, Германия каби мамлакатларнинг барқарор ривожланишида экология→ижтимоий ҳаёт→иқтисодиёт тизими амал қиласи. Шу тарика барқарор

ривожланиш ғояси, реал шароитдан келиб чиққан тарзда, бир катор қисмларга ажратилади ва у барқарор ривожланиш талабларига қараб зинасимон иерархияда жойлаштирилади.

*Барқарор ривожланиши ғоясининг мажмуалилиги.* Мажмуалик, тизимлилардан фарқли равишда, барқарор ривожланиш таркий қисмларининг тенглиги билан ажаралиб туради. Инсон фаолиятининг барча жиҳатларидаги барқарор ривожланиш даражасига эришган мамлакатларда иктисодиёт = ижтимоий ҳаёт = экология масалаларининг тенглиги, ажралмаслиги ва бир бутунлигини акс этади. Бундай ҳолатда барқарор ривожланишнинг барча масалалари бир пайтнинг ўзида, бирини иккинчисидан устувор даражага қўйилмаган тарзда (иерархик поғонага жойлаштирилассан) амалга оширилади.

Барқарор ривожланишнинг худудийлиги, даврийлиги, тизимлилиги, мажмуалилигидан келиб чиққан ҳолда биз шунни айтишимиз мумкинки, *барқарор ривожланиши ғояси ягона, лекин уни амалга татбиқ қилиши механизми турличадир*. Ҳар бир минтақа, мамлакат ва ҳаттоқи, маҳаллий жамоа юзага келган реал шароитни барқарор ривожланиш талабларига нисбатан сон ва сифат жиҳатдан баҳолаб ўзига хос йўлни танлаб олиши зарур. Уни бир мамлакатдан иккинчи бир мамлакатга ёки маҳаллага қўчириб олиб ўтиш мантиқан тўғри эмас. Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас, албатта.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини кўлга киритишда ҳар жиҳатдан ўзини оқлаган беш тамойилдан бири, – ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш, «шок терапияси»<sup>9</sup> деб аталмиш турли усуслардан воз кечиш бўлганини эслаб ўтиш жоиздир. Зоро таълим соҳаси ва, айниқса, қадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳам бу ўринда алоҳида аҳамият касб этади. Зоро, юртбошимиз айтганидек «Янгисини курмасдан, эскисини бузмаслик» керак.

Биз ўзбекистонликлар учун барқарор ривожланиш ғоясини, юқорида келтирилган тарихий таҳлилдан келиб чиққан тарзда, «Табиат – жамият уйғунлигига барқарор ривожланиши» ғоясини илгари сурмоқчимиз. Унга яраша тегишли концепция, дастур, режа ва стандартларни ишлаб чиққанимиз маъқулдир. Таълим ва тарбияни ҳам бундан мустасно этмаган тарзда «Табиат – жамият уйғунлигига барқарор ривожланиш таълими» дейиш мумкин.

<sup>9</sup> И. Каримов. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йули – Т.: Ўзбекистон, 2007. – Б. 6.

## 2-боб. БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ИНДИКАТОРЛАРИ

### 2.1. Барқарор ривожланиш индикаторлари тушунчаси, турлари ва уларни амалда қўллаш муаммолари

Ҳар кандай ривожланиш бошқарувнинг қай даражада йўлга қўйилганлигига боғлиқдир. Бошқарув эса турли даражада намоён бўйини мумкин. Масалан, шахснинг барқарор ривожланиши ўзини ўзи ҳам ҳуқуқий, ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий-иктисодий, ҳам маънаний-маърифий, ҳам психологик, ҳам экологик, ҳам институционал иуқтаи назардан бошқариш потенциалини ёки имкониятини ошира боришини талаб этади. Зеро, ушбу имкониятлардан бирининг ёинки ҳам масининг камая бориши ёки сустлашуви албатта, унинг барқарор ривожланишига таъсир этиши мумкин. Бундай ҳолат ҳамжамият, жамият, давлат ривожига ҳам тегишидир. Чунки ушбу имконият кўрсаткичлари ўзаро боғланган ва узвий алоқадорликда. БМТнинг барқарор ривожланиш концепциясининг мазмун ва моҳияти ҳам айнан ушбу имконият кўрсаткичларининг умумлаштирилган инъиконидир.

Бизнинг фикримизча, БМТнинг Барқарор ривожланиш концепцияси унинг универсал типдаги ягона ҳалқаро ташкилот бўлганлиги учун ҳам асосан шахс – жамият – давлат – ҳамжамиятнинг глобал миқсадаги бошқарувига тегишли масалаларни кўтариб чиқади ва унбу ривожланиш потенциали умумлаштирилган тарзда муайян иктиносидий, ижтимоий, экологик, институционал кўрсаткичлари асосида баҳоланади. Баҳолаш кўрсаткичларини фанда «индиктор»лар деб юритилади.

«Индиктор» атамаси лотин тилида «*indico*», яъни кўрсаткич деган маънони англатади.<sup>10</sup> У ҳолат, вазият, шароит ва жараёнларни инсон идрок этадиган қулай шаклда акс эттирувчи қурилмалар орқали баҳолаш учун аниқланадиган кўрсаткичdir. Индикаторлар визуал (қўриш), акустик (эшитиш), тактил (сезиш, искаш) каби хиллардан иборат. Киши ахборотларнинг 90 фоизини кўриб идрок қилгани учун ҳам индексларнинг визуал хили амалда кўп ишлатилади.

<sup>10</sup> Индикатор. Краткий словарь иностранных слов. – М.: Госизд. Иностранных и национальных словарей, 1952. – С.149. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – ЎзМЭ, 2002. Г.ж. Б. 153.

Кўрсаткичлар бўйича баҳолаш бизларга нафакат маълумотларни олиш,<sup>11</sup> балки уни бошқариш имкониятини яратади. Шунинг учун барқарор ривожланишнинг индикаторларини аниқлаш оркали глобал, регионал ва локал миқёсда кишилик жамиятини бошқариш имконияти яратилади. Халқаро миқёсда индикаторлар қуийдаги мақсадларда таснифланди:

- харакат кучига қараб, яъни атроф-муҳитга кишилик жамияти фаолиятини салбий таъсир кучини аниқлаш;
- босим кучига қараб, яъни атроф-муҳитга антропоген таъсирни аниқлаш;
- ҳолатига қараб, яъни атроф-муҳитнинг аввалги ҳолатига нисбатан ўзгаришини аниқлаш;
- таъсир кучига қараб, яъни организмларга атроф-муҳит ҳолати ўзгаришини аниқлаш;
- реакциясига қараб, яъни атроф-муҳит масаласига жамоатчиликнинг фикрини аниқлаш.

Ағсуски, юқорида келтирилган халқаро индикаторлар таснифлагичининг ҳеч бири атроф табиий муҳит ёки экотизимлар ҳолатига антропоген фаолият ёинки табиат ҳодисаларининг таъсири нутқан назаридан таснифланмаган. Зеро, экология организмлар ҳақида эмас, балки уларнинг яшаш макони, муҳити, фан тили билан айтганда, унинг обьекти – экотизимлар ҳақидаги таълимотdir. Унинг тадқиқот предмети экотизимлар доирасида унинг субъектлари – организмлар, тирик ва нотирик табиат унсурлари ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлигидир.

*Экологик индикатор – атроф табиий муҳит ҳолати, инсоннинг мавжуд ҳолатга таъсiri, ушбу таъсирнинг оқибатлари, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиши бўйича кўрилган чораларнинг самарадорлик даражасини изоҳлашга қаратилган кўрсаткич.* Экологик индикатор макон ва вақт кенглигида олинган катта ҳажмдаги маълумотларни статистик жиҳатдан қайта ишлаш натижасидир.

#### *Индикаторлар нима учун керак:*

1. Индикаторлар кўп йиллик катта ҳажмдаги маълумотларни соддалаштириш ва баҳолаш оркали қабул қилинган қарорларни асослашда фойдаланилади.

<sup>11</sup> А.А. Шеховцов. Экологические индикаторы в Республике Узбекистан: международный опыт, цели, задачи и критерии выбора // Сборник статей «Экологические индикаторы для Узбекистана» // – Т.: Патент-Пресс, 2006. – С. 13.

2. Индикаторлар табиий мухитдаги ўзгаришларни таҳлил қилишга ёрдам беради.

3. Индикаторларни қўллаш табиатдан фойдаланишда юзага кела-диган камчиликларни аниқлашга ёрдам беради.

4. Индикаторлар ҳар хил тоифадаги фойдаланувчиларга маълу-мотлардан унумли фойдалана олиш имкониятини яратиб беради.

#### *Индикаторлар акс эттирадиган масалаларга:*

1. Миллий экологик устуворликлар билан боғлиқлик: индикаторлар атроф-мухитни муҳофаза қилишга қаратилган ҳамда табиий мухит объектларидан фойдаланиш бўйича миллий стратегик хуж-жатларга мос равиша баҳоланади.

2. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича миллий режа ва бош-ка дастурий хужжатларда акс этади.

3. Халқаро экологик сиёsat билан боғлиқлик: индикаторлар халқаро келишув ва мажбуриятлар бажарилиши бўйича баҳоланиб, халқаро даражадаги ҳолат билан таққосланади.

4. Индикаторлар кенг жамоатчиликка тушунарли бўлиши ва атроф-мухитни ҳимоя қилиш бўйича гамхўрлик даражасининг юқо-рилиги билан ҳам баҳоланади.

5. Ўлчовлилик: индикаторлар шаклланиши бўйича қулай ва иқти-садий самарали ҳисобланган услуга ва усуллардан (ўлчов ёки ҳи-соб-китоб) фойдаланиши бўйича ҳам баҳоланади.

6. Маълумотларнинг вакт бўйича қаторларининг мавжудлиги: индикаторлар бирламчи маълумотлар нуқтаи назаридан уларнинг ўнгириши ва аниқланишининг сон кўрсаткичи бўйича узоқ вакт да-номида олинганлиги билан баҳоланади.

7. Олдиндан билиш: индикаторлар экология соҳасида амалга оширилаётган сиёsatнинг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлиги-ни олдиндан кўра олишига қараб ҳам баҳоланади.

8. Устуворлилик: индикаторлар экология соҳасидаги амалга оширилаётган муаммонинг аҳамиятига қараб, яъни бошқа индикаторлардан устувор хусусиятта эга бўла олишига қараб баҳоланиши мум-кин. Бу ҳолатда муаммони ҳал қилишга қаратилган кўрсаткичлар сони камаяди.

Индикаторлар доимо глобал, минтақавий, миллий ва локал да-ражаларда жуда ишонарли ва тасдиқланган маълумотларга асосла-

ниши лозим. Биринчи учта даража умумлаштирувчи хусусиятга эга бўлиб, локал даража бирорта ҳудуд учун таалуклидир. Жуда кўп индикаторлар экологик ҳудудлаштириш давомида ўз татбиқини топади. Индикаторнинг асосий вазифаси – ахборот беришдан иборат. Фойдаланувчига маълумотларни етказиб беришда оддийлик ва соддалик керак бўлади. Индикаторлар мураккаб маълумотларни соддлаштиради. Индикатор маълумотларни мониторинг қилиш жараёнида тўплаш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш натижасида шаклланган маҳсулот хисобланади. Қайта ишланмаган, таҳлил килинмаган статистик маълумотлар индикатор вазифасини бажара олмайди.

#### *Индикаторлар қўйидагилар учун мўлжалланган:*

- ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органлари учун;
- вазирлик ва идоралар учун;
- ҳокимиятнинг маҳаллий ва минтақавий органлари учун;
- илмий ва ўқув муассасалари учун;
- тижорат тузилмалари учун;
- жамоат ва нодавлат ташкилотлари учун.

*Индикаторларни ишлаб чиқиш ва самарали танлаб олишининг ўзига хослиги қўйидагиларда ўз аксини топган:*

- индикаторларни ишлаб чиқиш ва танлаб олишда манфаатдор бўлган барча томонлар, хусусан, жамоатчилик ҳам иштирок этиши лозим;
- индикаторларни ишлаб чиқиш ва танлаб олиш жараёни аниқ мақсадни кўзлаган бўлиб, ошкора, очик ва шаффоф бўлиши керак;
- индикаторларни ишлаб чиқиш ва танлаб олаётган фойдаланувчи нимани назорат қилиши ва нимани баҳолашини аниқ тасаввур килиши лозим.

Индикаторлар қарор қабул қилиш ва режалаштириш бўйича муҳим восита сифатида коммуникатив вазифани ҳам бажариши мумкин. Яъни индикаторлар атроф-муҳитга салбий таъсир қилувчи таҳдидларни аниқлайди. Бу ўз навбатида инсонларни зарур чораларни кўришга ёки давлат органлари ва турли ишлаб чиқариш ташкилотларига экологик муаммоларни бартараф этиш бўйича мурожаат қилишларига олиб келади.

Индикаторлар билан бир каторда амалда «индекс»лар ишлаб чиқилади ва қўлланилади. «Индекс» атамаси лотин тилида «index»

күрасаткич, рўйхат деган маънони англатади.<sup>12</sup> Яъни маълум бир ҳолат ёки кузатилаётган жараённи бир қатор рўйхатга олинган (белгиловчи) индикаторлар асосидаги рўйхатга олинган ва ҳарфлар ёки рақамлар орқали ифодаланадиган кўрасаткичи. Индекс индикаторлардан фарқли аниқ бир миқдор кўрасаткичига эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Индекс аввалги базавий маълумот индекси билан солиштириш орқали таҳлил қилинади.

У фаннинг турли соҳаларида турлика қўлланиладиган тизим. Масалан, тупроқ ҳолати унумдорлигининг асосий кўрасаткичларига караб индекси сон жиҳатдан баҳоланаади. Иктисодда «Доу Джонс индекси» Нью-Йорк фонд биржасида акциялар нархини белгилаб берувчи рақамли индекс бўлиб, у келажакда брокерларнинг бозор ривожланиш тенденциясини аникловчи маълумотларнинг рўйхатланган кўрасаткичидир. Лекин ушбу индикатор ва индекслар келажакни аниқ қилиб белгилаб беради дейиш қийин. Тўғрироғи, прогнозлаштиришга ва оптимал бошкарув қарорларини қабул қилиш ҳамда тегинши чора-тадбирларни тавсия этишга ёрдам бериши муқаррар.

Ер куррасида глобал миқёсда барқарор ривожланиши таъминланаш ўз-ўзидан локал ва регионал миқёсда, аникроқ қилиб айтганда, маҳаллий, миллий ва минтақавий миқёсда барқарор ривожланишдан келиб чиқади ва айнан шу тарзда тизимлашади.

*Барқарор ривожланиши индикаторлари илк бор БМТнинг «Рио-92» конференциясида қабул қилинган «XXI аср кун тартибида» илоҳида бир боб сифатида ёритиб берилган. Мазкур индикаторлар 4 та гурух бирлаштирилган – ижтимоий-иктисодий жиҳатлар, барқарор ривожланиш мақсадларида ресурслардан оқилона фойдаланиш, яхоли асосий қатламларининг ролини ошириш, қарорларни амалга жорий этиш. Ушбу ҳужжат 40-бобининг «Қарорлар қабул қилиш учун маълумотлар» бўлимида «Қарорларни қабул қилиш жараёнида ишончли асосларни яратиш ҳамда узвий боғланган экотизимларни үзини ўзи тартибга солиш имкониятига кўмаклашиш ва тизимли ўсиш учун барқарор ривожланиши индикторларини ишлаб чикишловим» деб кўрасатилган.<sup>13</sup> Турли миқёсда Барқарор ривожланиш*

<sup>12</sup> Индекс. Краткий словарь иностранных слов. – М.: Госизд. Иностранных и национальных словарей. 1952. – С.148. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – ЎзМЭ, 2002. 4-ж. – Б.153.

<sup>13</sup> А.Н. Нигматов, Н.С. Шивадзова, Р.Н. Султанов. Экологические аспекты устойчивого развития // Учебный курс лекций. – Т., 2003. – С. 15-18.

концепциясига тегишли бўлган оқилона бошқарув қарорларини қабул килиш, шубҳасиз, барқарор ривожланишнинг энг бирламчи талабларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Барқарор ривожланиш индикаторларини ишлаб чиқиш бўйича халқаро миқёсдаги турли ташкилотлар – БМТ, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш Европа комиссияси, Атроф-муҳит муаммолари бўйича илмий комитет каби халқаро идоралар шуғулланмоқдалар. У турли ном ва йўналишдаги анжуманларнинг муҳокама мавзусига айланиб қолмоқда. Масалан:

- 132 та индикаторлардан иборат бўлган БМТнинг Барқарор ривожланиш бўйича комиссияси лойиҳаси;
- миллӣ статистикада экологик омилларни ҳисобга олишга йўналтирилган БМТнинг Статистик бўлими томонидан ишлаб чиқилган «Тизимли интеграллашган экологик ва иқтисодий миллӣ ҳисоб» (System for integrated environmental and economic accounting);
- Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган ва ҳисоби юритиладиган «ҳаққоний жамғарма» (genuine savings);
- иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш Европа комиссиясининг экологик индикаторлар дастури ва ҳ.к.

Барқарор ривожланиш индикаторларини ишлаб чиқиш жуда серҳаражат, маълумотларни йиғиш ҳамда уларни ягона бир индексга олиб келишга йўналтирилган ва мажмуали ёндашувни талаб этидиган жараён. Индикаторлар сони қанчалик кўпайса, уларни ягона бир умуммаҳражга олиб келиш шунчалик қийинлашиб бораверади. Бу ўринда маҳсус замонавий ахборот технологик дастурларини яратиш лозим бўлади.

Барқарор ривожланиш индикаторларини танлаш ва уларни ишлаб чиқишида қўйидаги таснифлаш талабларига амал қилиш талаб этилади (2.1.1-расм). *Релевантливлик* – индикаторларни танлаш ва тизимлаштиришда ўринли бўлган кўрсаткичларни аниқлаш ва олдимизга қўйиладиган мақсадга томон йўналтирмоқлик. *Репрезентативлик* шу ерга хос бўлган кўрсаткичларни аниқлаш ва ўзига хос маълумотларни тўплаш. *Оддийлик* – индикатор кўрсаткичларини номлаш ва тизимлаштириш содда ва равон баён этилиши. *Чекланганлик* – индикаторлар сони чекланган бўлиши лозим, акс ҳолда уларни умумлаштириш жуда қийин. *Аниқлилик* – улар аниқ кўрсаткичлар ва

**БАРҚАРОР РИВОЖЛАНЫШ  
ИНДИКАТОРЛАРИГА КҮЙІЛАДИГАН  
ТАЛАЕЛАР**

**РЕЛЕВАНТИВЛИК**  
(үринлилік ёки мақсадға йўналтирилгенлік)

**РЕПРЕЗЕНТАТИВЛИК**  
(характерлік ёки үзига хослик)

**ОДДИЙЛИК**

**ЧЕКЛАНГАНЛИК**

**СОН ЖИХАТДАН БАХОЛАНИШ**

**АНИҚЛИЛИК**

**ҲАММАБОП ВА ИШОНЧЛИЛИК**

*Ривожланиш күрсәткічлары*

*Барқарор ривожланиш индикаторлары*

*2.1.1-расм. Барқарор ривожланиш индикаторларини ишилаб чиқыш принциптері*

маълумотлар базасидан иборат бўлиши лозим. Ҳаммабон ва ишончлилик – олингандан маълумотлар ишончли ва оммавий бўлиши мақсадга мувофиқdir.

Барқарор ривожланиш индикаторларини аниқлашнинг амалий жиҳатлари кўйидагилардан иборат:

- бошқарув қарорларини қабул қилишда индикаторлар сон ва сифат кўрсатичларининг соддалаштирилган маълумотларига таяниш;
- атроф-муҳит ўзгаришини интсретациялаш;
- табиятдан фойдаланишдаги камчиликларни аниқлаш;
- турли тоифадаги фойдаланувчиларнинг тегишли маълумотларга эга бўлишини енгиллаштириш;
- илмий-техник аҳборотлар билан маълумотлар алмашиш;
- локал, регионал ва глобал миқёсда маълумотларни умумлаштириш ва тегишли чора-тадбирларни режалаштириш;
- шахс, жамият ва давлат органларининг фаолиятини баҳолаш ва х.к.

Хулоса қилиб айтганда, атроф-муҳит ҳақидаги индикаторларни аниқлаш, ишлаб чиқиш, тизимлаштириш орқали таснифлаш ва уларни амалда қўллаш турли макон ва кенглиқда барқарор ривожланишни таъминлашнинг фундаментал илмий-назарий асоси бўлиб хизмат қиласди.

## **2.2. Барқарор ривожланишнинг иқтисодий, ижтимоий, экологик ва институционал индикаторлари**

Барқарор ривожланиш индикаторларини ишлаб чиқишида ҳалкаро тажриба икки хил ёндашувга таянади: барқарор ривожланишнинг турли (иктисодий, ижтимоий, экологик ва институционал) жиҳатлари бўйича; агрегатлаштирилган ёки интеграл, яъни комплекс хусусиятлари бўйича.

Аксарият ҳолатда барқарор ривожланишнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик (жумладан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш) кўрсаткичлари олинади. Лекин ҳозирги глобаллашув жараённада институционал индикаторлар ҳам муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Барқарор ривожланиш индикаторларини ишлаб чиқишида агрегатлаштирилган ёки интеграл, яъни комплекс хусусиятлари бўйича гу-

рухлаштириш қуидаги амалга оширилади – иқтисодий-экологик, иқтисодий-ижтимоий-экологик, экологик. Бундай таснифлашнинг чар бир гуруҳида албатта экологик индикаторлар иштирок этади.

Тажриба-синов натижалари кўрсатишича, мазкур турдаги ва кўламдаги индикаторлар ортиқча ва уни миллий миқёсда амалга ошириш жуда қийин кечди. Сўнгра БМТнинг «Indicators of Sustainable Development» ташкилотида ушбу индикаторлар схемаси «мавзу – мавзуча – индикатор» тизимиға солиб чиқилади. Ушбу схема бўйича авваламбор калитли мавзу аниқланади, улар мавзучалар бўйича деталлаштирилади, сўнгра минимал индикаторлар тўплами жамланади. Унда асосий эътибор сиёсий қарорларни қабул қилишга ажратилгандир. Тизимлашган индикаторлар таснифининг саралаш боскичида иқтисодий кўрсаткичлардан иқтисодий тузилма ва ишлаб чиқариш қолган, холос. Мавзуча дарајасида иқтисодий тузилма – иқтисодиёт, савдо ва молия турларига ажратилган. Ишлаб чиқариш эса моддий ресурслар истеъмоли, энергия истеъмоли, таълим ва инсонидарни утиллаштириш индикаторларига ажратилган.

Барқарор ривожланиш индикаторларини аниқлашда ва даврий-лигини таъминлашда Жаҳон банки етакчи ўринни эгаллайди. Унинг «Жаҳон ривожланиш индикаторлари» (The World Development Indicators) мавзусидаги йиллик ҳисоботидаги 550 индикаторлар орқали Барқарор ривожланиш мақсадларида харакат қилаётган мамлакатлар ва минтақалар аниқланади. Ҳисобот 6 та бўлим – умумий, аҳоли, атроф-муҳит, иқтисодиёт, давлат ва бозорга ажратилган тарзда 1980 йилдан бўён маълумотлар базасига нисбатан таҳлил қилинган. Бу узоқ муддатга мўлжалланган стратегик глобал ҳалқаро дастурларни ишлаб чиқишга имкон беради. Ҳисобот асосида 2000 йилдан бошлиб «Қисқача яшил китоб» (The Little Green Data Book) чоп этиб борилмоқда.


Дунё бўйича экологик индикаторлар энг кенг тус олди ва жаҳоннинг 30 дан зиёд ривожланган давлатларида (АҚШ, Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Дания ва ҳ.к.) кенг қўлланиб келинмоқда. 2015 йил сентябрь ойида автомобиль ишлаб чиқарадиган ширик Volkswagen корхонасининг маҳсулотлари экологик индикаторларга жавоб бермагани учун 3 млрд АҚШ долларидан ортиқ жаримага тортиш масаласи кўйилган.



2.2.2 -расм. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиши ташкилоти  
индикаторлар тири ва қўлланиши соҳаси

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИҲРТ)га киругчи давлатлар 1990 йилдан буён экологик индикаторларнинг куйидаги кўрсаткчилари бўйича фаолият олиб бормоқдалар: аъзо давлат учун терминологик ва концептуал чегараларини белгилаб олиш; сиёсий жорий амалиёт долзарблиги, кўпгина давлатлар учун хос бўлган ўлчаш индикаторлари, атроф-муҳит тадқиқотлари ва таҳлилий маълумотларни қўлданини тартибга солиш критериялари бўйича индикаторларни аниқлаш. ИҲРТ индикаторлар типи ва қўлланиш соҳаси 2.2.2-расмда берилган.

ИҲРТ экологик индикаторларининг асосида «босим-ҳолат-реакция (акс садо)» модели ётади. Шунинг учун ҳам унинг амалий жорий механизми қулай шаклда намоён бўлган (2.2.3-расм).



2.2.3-расм. *Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти экологик индикаторларининг «босим-ҳолат-реакция (акс садо)» модели*<sup>14</sup>

<sup>14</sup> Encyclopedia of Life Support Systems (EOLSS), 2002, Oxford, UK, [www.eolss.net](http://www.eolss.net)

Хулоса қилиб айтганда, Барқарор ривожланиш индикаторлари унинг иқтисодий, ижтимоий, экологик ва институционал жиҳатлари бўйича аниқланиб борилмоқда. Уларнинг сони ва аниқлаш имконияти яратиш учун соддаташтирилган ва З босқичли тизимлаштирилган маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Бу ўринда Жаҳон банкининг кўп йиллик барқарор ривожланиш индикаторларидан фойдаланиш тавсия этилади.

## **2.3. Барқарор ривожланиш экологик индикаторларининг методологик асослари**

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида 2000 йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтган Саммитда БМТнинг «Мингийллик ривожланиш декларацияси» эълон қилинди. БМТга аъзо давлатларнинг 99 фоиз томонидан қабул қилинган ушбу Декларацияда кириб келаётган минг йил давомида инсоният қандай қилиб барқарор ривожланиш даражасига стиб бориши мумкин деган саволга жавоб қидиришган. Мазкур мақсадда ҳал қилувчи йўналишлар бўйича давлатлар фаолиятини ўрганиш ва унинг мониторингини олиб бориш индикаторлари таклиф этилди. Орадан ропта-роса 15 йил ўтгандан сўнг давлат ва хукumat раҳбарлари яна бир бор ўша масалага қайтиб келишди.

БМТнинг «Мингийллик ривожланиш» Декларацияси 8 та фаолият йўналиши, 18 та вазифа ва 48 та индикатор кўрсаткичларини аниқлаб олди. Кун тартибига қўйилган вазифаларнинг аксарият кўпчилиги жаҳонда юзага келган ҳолат ва уларнинг ривожланишга таъсири нуқтаи назаридан баҳоланганд. Лекин шуни яна бир бор таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу кўрсаткичлар замон ўтиши билан даврий ўзгариш хусусиятига ҳам эга.

Мингийллик ривожланиш глобал мақсадлари доирасида мамлакатлар ўз миллий муаммоларини ҳал этишга қаратилган мақсадларини белгилаб олишлари мумкин. Айни пайтда Мингийллик ривожланиш мақсадлари фақатгина ривожланадиган мамлакатлар томонидан гана эмас, шунингдек, ривожланган давлатлар томонидан ҳам тегишли чоралар кўрилишини талаб этади. Ривожланган давлатлар белгиланган глобал мақсадларга эришишга ўз ҳиссаларини қўшишлари кўзда тутилган.

Мингийиллик ривожланиш мақсадларининг индикаторлар асосидаги даврий ўзгаришини кузатиб бориш БМТ тизими бўйича ҳам, шунингдек, айрим давлатлар даражасида ҳам амалга оширилади. Умумий даражада БМТ Бош котиби Бош Ассамблеяларида Мингийиллик ривожланиш мақсади ва вазифаларининг бажарагиши тўғрисида ҳар йили ҳисоб бериши мажбурий этиб қўйилган. Мингийиллик ривожланиш мақсадлари тўғрисидаги ҳисбот мамлакатлар томонидан ҳар 5 йилда бир марта тақдим этилади. 2015 йилда бўлиб ўтган Саммит ҳам бундан мустасно эмас, албатта.

Барқарор ривожланиш индикаторларини глобал, регионал, миллӣ ва локал (маҳаллий) миқёсда шароитга мос равишда танлаш, уларни ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш муайян методологик вазифаларни бажаришни талаб этади. Барча фанларга қўйиладиган асосий талаблардан бири у қандай тадқиқот методологиясига таъминлиги. Зоро, барқарор ривожланиш ғоясининг бош масаласи унинг методологиясидадир. Шунинг учун ҳам экологларнинг муносара марказида айнан мазкур масала кўндаланг бўлиб турари ва, афсуски, ҳанузгача бу ҳақда ягона бир фикрга этиб келинганича йўқ.

**Методология** юончча *metodos* – билиш ёки тадқиқ қилиш *logos* – таълимот деган сўзлар йигиндицидан иборат. Уни умумлашган таруда фанда илмий билиши *методларига оид таълимомтлар йигиндиши тұғрироғы тизими* дейиш мумкин. Чунки методологиянинг қуидида санаб ўтиладиган қисмлари, яъни тадқиқот методлари айнан муниян бир кетма-кетликда ва иерархик погонада тизимлаштирилади.

Методология метод эмас ва ундан фарқли равишда шароит ва шмонга қараб, ё эволюцион ёинки нозеволюцион тарзда ўзгариши мумкин. Метод ўзгармайди, янгилари яратиласи ва улар эскиларининг ўрнига илмий билишда қўлланилади, холос. Методларни танланни ва тизимлаштириш эса реал ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, экологик, маънавий-маърифий ҳолатдан келиб чиқади. Масалан, собиқ Итифоқ даврида деярли барча фанлар, жумладан, табиий фанлар методологияси марксизм-ленинизмнинг утопик коммунизм қуриш ғоясига асосланган сиёсий тизимга мослаштирилган эди.<sup>15</sup> Бундан

<sup>15</sup> Человек, общество и окружающая среда. Географические аспекты использования природных ресурсов и сохранения окружающей среды. – М.: Мысль, 1973. – С.10–11.

экология ва атроф-муҳит муҳофазасига тегишили фанлар ҳам четда турмаган. Режалаштирилган иқтисод, барча кишиларни бир хилда ижтимоий таъминлашга эришиш утопияси, табиий ресурс ҳисобига АҚШнинг орқасидан қолмасликка йўналтирилган экологик муносабат, ягона миллат ғоясини акс эттирувчи маънавий-маърифий тарғибот методологияси бунга яққол мисол бўла олади.

Фалсафий таълимот нуқтаи назаридан олганда *барқарор ривожланиш экологик индикаторлар методологияси* глобал, регионал ва локал миқёсдаги реал ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий, ҳуқуқий, экологик вазият (экотизимлар)да кечеётган табиий, ижтимоий-табиий ва табиий-ижтимоий ҳолат, жараён ва ҳодисаларнинг илмий-амалий кўрсаткичларини аниқлашга қаратилган методларни танлаш ва тизимлаштириши демакдир. Методологиянинг кенгроқ фалсафий маъносига кўпроқ ёндашиш ва барқарор ривожланишнинг экологик методологиясида тизимлашган талабларни ажратиб кўрсатиш мумкин (2.3.1-расм).

Барқарор ривожланиш экологик индикаторлар методологиясида ижтимоий шароитни инобатта олишда тадқиқотларнинг ижтимоий-лашуви, яъни инсон томонидан жамиятда яшаш имконини берувчи билимлар, нормалар ва қадриятлар тизимининг ўзлаштирилишини инобатга олиш керак.<sup>16</sup> Бу «Фалсафа»нинг илмий билишдаги, «Социология»нинг ижтимоий уюшмаларнинг ривожланишдаги (масалан, ҳалқлар ва мамлакатлар тараққиёти уларнинг экологик вазиятга қараб жойлашувига бевосита боғлиқлиги<sup>17</sup>), «Психология»нинг инсонларнинг руҳий ҳолатидаги, «Тарих»нинг даврий ўзгаришдаги, «Этнография»нинг маҳаллий ҳалқнинг турмушидаги қонун ва қонуниятларни инобатга олиш зарурлигини кўрсатади. Масалан, Куйи Зарафшон табиий географик округини барқарор ривожланиш жиҳатдан баҳолашда илмий билишда тадқиқот методологияси:

- округ экотизимларининг реал экологик, иқтисодий, технолого-гик, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий вазиятидан келиб чиқсан тарзда индикаторларни танлаш;
- танланган индикаторларни ҳам локал, ҳам регионал, ҳам глобал амалий нуқтаи назардан иерархик поғоналаш;

<sup>16</sup> Фалсафа. Комусий лугат. –Т: Шарқ, 2004. – Б.147.

<sup>17</sup> Уша манба. – Б.374.

## Барқарор ривожланышнинг экологик индикаторлари методологияк талаблари

Муайян объектни танлаш ва унинг ўзига хос иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, экологик ва институционал хусусиятларини аниклаш

Танланган объектлардаги табиий, ижтимоий, ижтимоий-табиий ҳолат, жараён ва ҳодисаларни аниклаш

Реал ҳолат, жараён ва воқеаларни акс эттирувчи индикаторларни баҳолаш методларини танлаш

Индикаторларнинг номи, қискача тушунчаси, ўлчаш бирликларини аниклаш

Индикаторлар орқали қандай мақсадга эришмоқ кераклигини аниклаштириш

Максадли индикаторларнинг барқарор ривожланишга тегишли хусусиятларини очиб бериш

Индикаторларни турли миқёсда умумлаштириш имкониятини берувчи ҳалкаро ҳуқуқ нұктай назаридан күриб чиқиш

Индикаторларни муайян максадга йўналтирган тарзда тизимлаштириш

Тавсия этиладиган стандартларни аниклаш ва бошқа индикаторлар билан алоқани үрнатиш

Ўлчаш методлари ва лимитлаштирувчи омилларни аниклаш

Индикаторларни ривожлантиришга тегишли корпоратив субъектларни аниклаш

Чоп этилган манбаларга ҳавола қилиш

**2.3.1-расм. Тизимлаштирилган барқарор ривожланиш индикаторларининг методологияк тузилмаси**

- маҳаллий ва миллий маълумотлар базасини тўплаш имкониятига эга бўлиш;
- экологик мониторингнинг таркибий қисми бўлган барқарор ривожланишга йўналтирилган чора-тадбирларни тавсия этаётганда округ аҳолисининг экологик онги ва маданиятини инобатга олиш;
- худуднинг тарихий-экологик анъанавий усулларига эътиборни қаратиш;
- аҳолининг экологик руҳий ҳолати каби кўрсаткичларни ҳам тадқиқ қилишга тўғри келади.

Акс ҳолда, экологик тадқиқотлар ўз ижобий натижаларини, айниқса, амалий самарасини бермаслиги мумкин. Масалан: амалдаги ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик, маънавий-маърифий шароитлардан, ҳаттоқи, технологик имкониятлардан келиб чиқиш. Ҳар бир тадқиқотчи экологик фанлардан илмий изланишлар ёки унга оид таълим жараёнини олиб борётганда шахс, жамият ва давлат талабидан келиб чиқкан тарзда олиб боришина тақазо этади.

Мустақил Узбекистоннинг ўзига хос равишда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг миллий моделидаги беш тамойил – иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги; давлатнинг бош ислоҳотчи ва демократик ўзгаришларнинг ташаббускори эканлиги; қонун устуворлиги; кучли ижтимоий сиёсат устуворлиги; бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишнинг устуворлигини санаб ўтиш кифоядир.<sup>18</sup> Эндиликда барқарор ривожланишнинг экологик методологиясини мустақил давлатимизнинг Барқарор ривожланиш концепциясига мос равишда олиб бориш лозим бўлади. У Узбекистон ССРнинг марксизм-ленинизм гоясига таянган, социалистик, ёпиқ, режали, мағкуралашган ички сиёсатидан тубдан фарқ қиласиди. Эндиликда Куйи Зарафшон округидан «ресурс ўлка» сифатида фойдаланиш тамойилини инкор этиб, уни маҳаллий аҳолининг «барқарор ривожланиш макони» сифатида қарашга ундейди.

Табиий, ижтимоий-табиий ва табиий-ижтимоий воеа, жараён ва ҳодисаларни илмий билишда экосферада кечачётган табиий, атро-

<sup>18</sup> С.Холбоев. Тарихнинг методологик асослари ва тамойиллари масаласи (И.Каримов асарлари мисолида) // Ижтимоий фикр, инсон ҳуқуклари, 11-сон, 2004. – Б.140-146.

поген-табиий, антропоген-табиий жараёнларни инсон фаолиятисиз ҳамда инсон фаолияти натижасида ўзгаришини таққослашни тадқиқ қилиш лозим.

Юқорида санаб ўтилган талабларни илмий билиш учун зарур ҳисобланган дала-экспедицион, камерал-лаборатория, информацион-коммуникацион методларни танлаш ва уларни тизимлаштириш карур. Зоро, тадқиқот методлари ўз-ўзидан танланмайди. Аввало, барқарор ривожланиш индикаторларининг универсал қўринишдаги экологик фанлар методлари – хуқуқий асос, сиёсий ҳолат, иқтисодий имконият, ижтимоий шароит, маънавий-маърифий даражага ва экологик вазиятни инобатга олиш лозим. Масалан, ГИТ (ГИС) методи – геоинформацион усуллардан Кўйи Зарабашон округ экотизимларини ракамли картографик усулларни қўллаш орқали тадқиқ этиш. Бу усул жуда серхаражат ва у бевосита Ўзбекистоннинг Ер атрофидаги сунъий йўлдошларга эга бўлган давлатлар билан ахборот олишдаги сиёсий алоқа ва иқтисодий имконият даражасига боғлиқдир.

Барқарор ривожланиш индикаторларининг замонавий методологик асосини тўғри танлаш ва уни тадқиқот ишларида қўллай олишадиган натижаларнинг ҳаққонийлиги, асосланганлиги ва амалий аҳамиятини оширади.

## З-боб. БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ИНДИКАТОРЛАРИГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ

### 3.1. Барқарор ривожланиш индикаторлари – ўзига хос тадқиқот обьекти

Барқарор ривожланишнинг экологик индикаторларини танлашда тизимлаш ёки тизимли ёндашувни<sup>19</sup> қўллашимиз лозим. Тизимли ёндашув илмий билиш жараёни гипотеза, концепция, режадан бошлиниб, назарий асосини ишлаб чиқиш ёки аниқлаштириш ҳамда амалий татбиқига етиб бориш методларини муайян иерархия (кисмлар зинопоясида) олиб боришни талаб этади. Тегиши тадқиқотлардаги мазкур методологик талаб, масалан, аввал Қўйи Зарафшон округ экотизимларига оид ҳолатни аниқлаш, сўнгра – дала-экспедицион, камерал-лаборатория ва сўнгра, аналитик-таҳлил методларни қўллашга ундаиди.

Барқарор ривожланиш инсон ва жамият ҳаётини ташкил қилишнинг янги кўриниши бўлиб, географик қобиқда юзага келган экологик вазият ва муаммоларни кишилик жамиятининг барча жиҳатлари билан ҳар томонлама ҳал этиш кераклигининг янги йўлларини шакллантиради. Барқарор ривожланиш учун жамият кишилари онгли равишда экологик вазифаларни ҳар куни, ҳар бир босқичда амалга оширишни талаб қиласди. Барқарор ривожланиш жамиятнинг ривожланишини тақазо этади, бинобарин, унга фақат экологик вазифа сифатидагина қаралиши мумкин эмас. Жамиятнинг барқарор ривожланиши бир неча асосий ўлчамлардан фойдаланишини тақазо қиласди.

Дунёда барча мамлакатлар шунақа моделни қабул қиласа ва қўйидаги принципга оғишмай амал қилсагина, сайёрада барқарор ривожланиш шакллана бориши мумкин:

- ноосфера принципининг биринчи талабига асосан ер ости бой-икларидан чекланмаган миқдорда фойдаланишдан воз кечиши;
- географик қобиқни барқарор ҳолатга қайтариш;
- ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг янги ижтимоий-иктисодий моделига ўтиш;

<sup>19</sup> Фалсафа: қомусий луғат. – Т.: Шарқ, 2004. –Б. 398–399.

- Ер сайёраси ахолисининг микдорини барқарорлаштириш (иккитаңдан ортиқ фарзанди бўлмаган оиласалар хисобига);
- ҳозиргача инсон таъсирига кам учраган барча табиат қисмларига «қўриқхона», «миллий боғ» мақомларини бериш;
- табиий бойликлардан тежамкорлик ва самарадорлик билан фойдаланиш;
- ҳар қандай куч ишлатишдан воз кечиш (урушларга йўл қўймаслик);
- ишлаб чиқаришни чиқиндисиз технологияларга қўчириш;
- ҳамма давлатлар ва ҳалқларнинг тенг хуқуклилигига эришиш, бир ёки бир гурух давлатларнинг бутун дунё устидан ҳукмронлик килиш мафкурасидан воз кечиш;
- жаҳон ҳалқларининг ўзига хос маданиятларини асраб қолиш ва ривожлантириш;
- уларнинг динларини ҳурмат қилиш.

Россиялик олим А.П. Федотов барқарор ривожланиш даражасини рақамларда ўлчашнинг маъқул бир йўлини таклиф қилган. Бу барқарор ривожланиш индексидир. Индекс айрим олинган локал ёки регионал ҳудудлар, мамлакатлар ёки бутун дунёда реал антропоген босимнинг зичлиги йўл қўйилиши мумкин бўлган зичликдан (1 квадрат километрга 75 квт) неча баробар ортиқ эканлигини кўрсатади. Барқарор ривожланишда индекс раками бирдан кам бўлади, аксинча, бекарор ривожланишда натижа бирдан катта бўлади.

А.Н. Федотов 80-йилларнинг охири учун амалга оширган хисоб-китоблар қуидаги кўрсаткичларни берган эди: Япония – 8,0; Хиндистон – 6,0; АҚШ – 4,3; Хитой – 2,8; Индонезия – 2,3; Яхлит дунё – 1,5; Бразилия – 0,4;

Барқарор ривожланиш иқтисодий, экологик ва ижтимоий тамоилларни қамраб олган комплекс муаммоларни ўз ичига олади. Бошқача сўз билан айтганда, ривожланиш инсоният эҳтиёжларини қондириш ва ҳаёт даражасини яхшилаш учун муҳимдир.

Барқарор ривожланиш ғоясига кўра, маълум параметрлар доимий қийматга эга бўлиши керак. Хусусан:

1. Физик константалар (ўзгармас катталиклар);
2. Генофонд;
3. Барча асосий экотизимлар ташкил этувчилари, яъни қисмларининг ilk қўринишлари

#### 4. Аҳоли саломатлиги.

1995 йилда барқарор кўрсаткичлари бўйича ишлаш дастури қабул қилинганди.

Ушбу дастур 130 кўрсаткичнинг дастлабки тўпламини ўз ичига олади. Бу кўрсаткичлар қуйидаги тамойиллар бўйича жойлашган: «Шароит-Холат-Ҳаракатлар». Мазкур схема бўйича, «Шароит» кўрсаткичлари инсонлар фаолиятини ривожлантиришга таъсир кўрсатадиган ҳодиса ва жараёнларни ўз ичига олади. «Холат» кўрсаткичлари барқарор ривожланиши соҳасидаги ҳолатни акс эттиради. «Ҳаракатлар» кўрсаткичлари барқарор ривожланишга ўтиш ёки ўзгаришларга жавоб бериш учун қандай чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлигини кўрсатади. Бу индикаторларнинг ҳаммасидан миллий даражада стратегик қарорларни қабул қилишда фойдаланиш мумкин.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир ҳар қандай масала объектив, ишончли далилларга асосланган бўлиб, унда ортиқча маълумотларни акс эттириши керак эмас. Бундай маълумот атроф-муҳитга таъсир доирасини ўрганиш, назорат қилиш, қарор қабул қилиш ва мувофиқлаштириш учун керак бўлади.

Атроф-муҳит компонентларини мониторинг қилиш жараёни жуда катта маълумотлар ҳажмини шакллантиради. Шунинг учун ҳам барқарор ривожланишнинг индикаторларни аниқлаш, ўрганиш орқали маълумотларни соддалаштириш жамият ва шахсларнинг ушбу масала бўйича қарор қабул қилишлари ҳамда реал шароитда мавжуд атроф-муҳитни баҳолашларига ёрдам беради.

Ҳозирги пайтда барқарор ривожланиш индикаторлари атроф-муҳит объектларини мониторинг қилиш ва пировардида атроф табий муҳитни бошқариш борасида муҳим қурол бўлиб ҳисобланади.

1992 йили Рио-де-Жанейрода БМТ томонидан атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бўйича ўтказилган конференцияда қабул қилинган «XXI асрнинг кун тартиби»да барқарор ривожланиш индикаторларини яратиш зарурлиги таъкидлаб ўтилган эди.<sup>20</sup> Ушбу умумбашарий дастур жаҳон ҳамжамиятини XXI асрда дуч келадиган ижтимоий, иқтисодий ва албатта, экологик муаммоларини бартараф этишга тайёрлашга қаратилган эди. Мазкур ҳужжатнинг 40-бобида («Қарор

<sup>20</sup> Касимов Н.С. От экологического образования к образованию для устойчивого развития // Экология и жизнь. 2006. – С. 30–34.

қабул қилиш учун маълумот») шундай деб қайд этилган: «ҳамма даржаларда карор қабул қилишнинг самарали асосини, ўз-ўзини назорат қилиш, барқарор экологик тараққиёт тизимини шакллантириш мақсадида барқарор ривожланиш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш зарур». Барқарор ривожланишнинг натижаларини назорат қилиш, бу жарабнни бошқариш, фойдаланилаётган воситалар самарадорлигиги ва қўйилган вазифаларнинг бажарилишини баҳолаш зарур мезон ва кўрсаткичлар – барқарор ривожланиш индикаторларини ишлаб чиқиш эҳтиёжини юзага келтиради.<sup>21</sup>

Жаҳонда барқарор ривожланиш индикаторлари ва мезонларини ишлаб чиқиш жараёни фаол давом этмоқда. Бу жараён билан етакчи халқаро ташкилотлардан БМТ, Бутунжаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт мамлакатлари ташкилоти, Европа комиссияси, Атроф-мухит муаммолари бўйича илмий жамиятлар ва бошқалар шуғулланмоқдалар. Бу муаммо турли хил халқаро семинар ва конференцияларда кўриб чиқилмоқда.

Бугунги кунда барқарор ривожланиш индикаторларини ишлаб чиқиш жараёни якунланмаган бўлса-да, турли ривожланиш даражалари, яъни глобал, минтақавий, миллий, локал, тармоқ, ҳатто алоҳида ахоли тураржойлари ва корхоналар учун индикаторлар лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

### **3.2. Глобал барқарор ривожланиш индикаторлари**

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, индикаторлар ўз хусусияти, маълумотлар ҳажми, ҳудудий қамраб олинишига кўра турли хил, яъни глобал, минтақавий, миллий ва локал даражаларда фойдаланилади. Глобал, минтақавий ва миллий даражаларда фойдаланиладиган индикаторлар асосан умумлаштирувчи хусусиятга эга бўлиб, улар алоҳида давлатлар ва минтақалардаги атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолат ҳақида маълумот беришга хизмат қилади.

1992 йили Рио-де-Жанейродаги олий тоифадаги учрашувдан кейин барқарор ривожланиш концепцияси эълон килинди. БМТнинг Барқарор ривожланиш комиссияси (БРК) 1993 йили индикаторларни атроф-мухит ҳолатини муҳофаза қилиш ва истиқбол тенденцияла-

<sup>21</sup> [www.un.org/esa/sustdev](http://www.un.org/esa/sustdev)

ри ҳақида объектив баҳо беришга қаратилишини таклиф килди. Бу таклифга Осиё тараққиёт банки, Бутунжаҳон банки, атроф-муҳит бўйича БМТ комиссияси, БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси, Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Европа агентликлари каби халқаро ташкилотлар ҳамда бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари муносабат билдириди. Ушбу таклифда нафақат экологик индикаторлар, балки иқтисодий, ижтимоий ва институтционал индикаторлар ҳақида ҳам фикр юритилган.

Кўп ҳолларда умумий тизимда қўйидаги кўрсаткичлар кичик тизими ажралиб туради: экологик; иқтисодий; ижтимоий, институционал.

БМТ комиссияси томонидан барқарор ривожланиш бўйича ишлаб чиқилган глобал индикаторлар тизими 1995 йилда унинг III сессиясида иштирокчи давлатлар томонидан тақдим этилган ҳисоботлар, маълумотлар ва ахборотлар асосида давлатларнинг барқарор ривожланиш ҳолати, бу борада эришилган натижаларни таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадида дастлабки индикаторлар тизими қабул қилинди ва мазкур тизимни такомиллаштириш учун экологик тараққиётга оид маълумотлар базасини мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилди.

2001 йил БМТ БРКнинг 9-сессияси 48 та индикаторни тасдиқлади ва номи билан алоҳида нашр этилди.<sup>22</sup> Тাъкидлаш жоизки, 48 тадан 15 та индикатор барқарор ривожланишнинг экологик индикаторлари қаторига киритилди.

БМТнинг мингйиллик арафасида эълон қилган «Мингйиллик ривожланиш мақсадлари»да (*Millennium Development Goals*) барқарорликни кўрсатувчи омил сифатида атроф-муҳит ифлосланишининг инсон саломатлигига кўрсатадиган салбий таъсири мисолида изоҳлаш мумкинлиги таъкидланган. Унда турли мамлакатларда инсоният салоҳиятини оширишда фойдаланиш мумкин бўлган индикаторлар тизими таклиф қилинган. БМТнинг МРМда асосий экологик мақсад умуман Ер курраси ва алоҳида давлатларда атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлашга чақиришdir.

Барқарор ривожланишнинг индикаторлар тизимиға комплекс ёндашиш ва шакллантириш борасидаги ҳаракатлар БМТнинг барқарор ривожланиш бўйича комиссияси томонидан 1996 йилдан бошлаб амалга оширилган. Таклиф этилган умумий индикаторлар сони

<sup>22</sup> Indicators of Sustainable Development: Guidelines and Methodologies (Нью-Йорк, 2001)

132 тани ташкыл этган. Улар ҳаммаси түрт гурухга бўлингган: ижтимоий (41), иктиносий (26), экологик (55) ва ташкилий (10).

*Иктиносий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТ)нинг индикаторлар тизими.*

Дунёда ИХТТнинг экологик индикаторлар тизими жуда кенг тарқалган. Ушбу ташкилотга Европа, Шимолий Америка, Осиё – Тинч океани минтақасининг (Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Грекия, Дания, Испания, Италия, Австралия, Канада, АҚШ, Мексика, Польша ва бошқалар) 30 та иктиносий ривожланган давлатлари аъзо бўлган. ИХТТ давлатлари 1990 йилдан бошлаб қуидаги талаблар асосида экологик индикаторлар дастурини ривожлантироқда.

Индикаторлар регионал ва локал хусусият касб этиши мумкин. Чунки бирон бир минтақадаги барқарор ривожланиш ҳолати иккинчи бир минтақадаги ёки давлатдаги ҳолатга тўғри келмаслиги мумкин. Масалан, Африканинг шимолида юзага келаётган чўлланиш жараёни Скандинавия яриморолидаги атроф-муҳит ҳолатида учрамаслиги муқаррар. Тоғ ва тоғолди ҳудудлардаги сув эрозияси ёки сел кетиш ҳолати Саҳро зоналарида учрамаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам барқарор ривожланишнинг 8 та йўналишидаги ривожланиш индикаторлари, жорий ҳолати ва таъсир этиш чораларидан бири иккинчисидан фарқланади. Нима бўлганда ҳам маъмурӣ ёинки табиий ҳудудларни баҳолаётганда барқарор ривожланиш йўналишларида глобал индикаторларининг 8 та тури сақланиб қолинади.

Барқарор ривожланиш индикаторлари мақсадли йўналишига қараб 3 тоифага ажратилади:<sup>23</sup>

1. Ҳаракат кучига қараб – кишилик жамияти фаолиятига тегишли жараёнларнинг барқарор ривожланишга таъсирини баҳолаш;

2. Ҳолатига қараб – барқарор ривожланишнинг ижтимоий, иктиносий, экологик ва институционал жиҳатлар ҳолатини баҳолаш;

3. Таъсир кучига қараб – жорий ҳолатнинг ўзгаришига сиёсий ёки бошка йўллар билан таъсир этиш имкониятини баҳолаш.

Авваламбор, БРИ БМТнинг ижтимоий-иктиносий ривожланиш ташкилотининг схемаси бўйича амалга оширилиб, унда 4 та типдаги индикаторлар аниқланган: атроф-муҳитга босим, атроф-муҳит ҳо-

<sup>23</sup> Новая парадигма развития России в XXI веке. Комплексные исследования проблем устойчивого развития: идеи и результаты. Под редакцией В.А. Коптюга, В.М. Матросова, В.К. Левашова. Изд. 2-е. М.: Academia, 2000. –Б.416.

лати, атроф-мухитга таъсир ва чора-тадбирларга нисбатан реакция. Жами 134 та индикатор тури аниқланди (3.2.1-жадвал).

Хар қандай ҳолатда барқарор ривожланиш индикаторларини тизимлаштириш БМТнинг Барқарор ривожланиш Комиссияси томонидан ишлаб чиқилган 8 та тараққиёт йўналишлари бўйича олиб борилади (3.2.1-жадвал).

### 3.2.1-жадвал.

#### *Барқарор ривожланиш индикаторларининг асосий кўрсаткичлари*

<b>Максадлар</b>	<b>Ривожланиш индикаторлари</b>	<b>Жерий ҳолат индикаторлари</b>	<b>Таъсир этиши индикаторлари</b>
1.	2.	3.	4.
<b>A. ИЖТИМОИЙ ИНДИКАТОРЛАР</b>			
<i>Кашшоқлик ва очликка барҳам берииш</i>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Бандликнинг ўсиш суръати (%)</li> <li>Эркак ва аёлларнинг ўргача ойлик маошлари нисбати.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Кашшоқликда яшовчи аҳоли (%)</li> <li>Бой ва кам-багалларнинг даромадлари нисбати.</li> </ul>	
<i>Демографик ўсиш</i>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Аҳолининг кўпайиш суръати (%)</li> <li>Аҳолининг миграция килиш суръати (нафар/йил)</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Аҳолининг зичлиги (нафар/км<sup>2</sup>)</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Туғилишнинг кўпайиши</li> </ul>
<i>Таълим, кадрлар тайёрлаши ва жасамиятнинг ахборот олишига ёрдам берииш</i>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Мактаб ёшидаги аҳолининг ўсиш суръати</li> <li>Бошлангич таълим мактаб ўкувчилари сонининг ошиши (%)</li> <li>Ўрта таълим мактаб ўкувчилари сонининг ошиши (%)</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Катталар ўргасида саводлилар улуши (%).</li> <li>5-синф даражасида таълим олган аҳолининг улуши (%)</li> <li>Мактабда ўргача таълим олиш давомийлиги</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Таълимга сарфланадиган ЯММ улуши (%)</li> <li>Мактабда 100 нафар ўғил болага тўғри келувчи қизлар сони</li> <li>Ишловчилар ўргасида 100 нафар эркакка тўғри келувчи аёллар сони</li> </ul>

<p><b>Аҳали саломатлигини муҳофаза қилиши</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Тоза ичимлик сувига етарли даражада эга бўлмаган аҳолининг улуси (%)</li> <li>• Оқава сув тизими таъминланмаган уй-жойларда яшовчи аҳолининг улуси (%)</li> <li>• Саломатлик учун зарарли бўлган ифлосланган ҳаво таъсиридаги аҳолининг улуси (%).</li> <li>• Етарли даражада озик-овқат билан таъминланмаган аҳолининг улуси (%).</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• 1000 нафартирик тугилган чакалоқларда ўлим миқдори.</li> <li>• Туғилишда ўртacha умр кўришнинг қутиласчган натижаси.</li> <li>• 1000 та туғилган чакалокга тутрӯк вактида оналарнинг ўлим миқдори.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Соғлиқни саклашга сарфланадиган ЯИМ улуси (%)</li> <li>• Биринчи тиббий хизмат кўрсатиладиган аҳолининг улуси (%)</li> <li>• Асосий юқумли кассаликларга карши эмланган аҳолининг улуси (%)</li> <li>• Оилани рејалаштириш муаммосини мухокама қилиш имкониятига эга бола туғиш ёшидаги аёллар сони</li> <li>• Махаллий тиббий хизмат кўрсатишга миллый соғлиқни саклашдан келган харажатлар улуси</li> </ul>
<p><b>Кишилекларда барқарор ривожланишига қўмаклашиши</b></p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Шахарларнинг кўпайиши (%)</li> <li>• Аҳоли бошига ёқилғи истеъмоли (литр)</li> <li>• 10 миллион ва ундан кўп аҳолига эга мегаполислар сони</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Шахар аҳолисининг улуси (%)</li> <li>• Табиий оғатлардан зарар кўрган ва ҳалок бўлганлар сони ва зиёни</li> <li>• Аҳоли бошига тўғри келадиган уй-жойнинг умумий майдони (<math>m^2</math>)</li> <li>• Уй-жой тўловлари ва даромаднинг нисбати</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Арzon уй-жойлар қурилишига сарфланадиган харажат</li> <li>• Жамоат транспортлари таъминотига кетадиган харажатлар</li> <li>• Аҳоли бошига инфратузилма харажатлари.</li> <li>• Уй-жой қурилишига ажратилган кредитлар ҳажми</li> </ul>

## Б. ИҚТИСОДИЙ ИНДИКАТОРЛАР

<i><b>Иқтисодий ривожланиши</b></i>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Аҳоли жон бошига ЯИМ ўсиш суръати (%)</li> <li>• Хизмат ва товарларнинг экспорти.</li> <li>Хизмат ва товарларнинг импорти.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Аҳоли жон бошига ЯИМ</li> <li>• ЯИМ ишлаб чикиришга күшган хиссаси (%)</li> <li>• ЯИМ экспорт улуши (%)</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• ЯИМда инвестиция улуши</li> <li>• Регионал савдо битимлардаги иштирок (ха/йўқ)</li> </ul>
<i><b>Истеммол характеристерини ўзгартириши</b></i>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Минерал ресурслар захирасининг кисқариши (тасдиқланган захирадан % хисобида)</li> <li>• Аҳоли жон бошига энергиянинг йиллик сарфи</li> </ul>		
<i><b>Матиявий ресурслар ва механизмлар</b></i>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• ЯИМда ресурслар сотувининг улуши (%)</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ривожланиш учун ташки ёрдам (олинган ёки берилган, ЯИМдан % хисобида)</li> <li>• Карзлар (ЯИМдан % хисобида)</li> <li>• Карзларга хизмат кўрсатиш (карздан % хисобида)</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Атроф-муҳит муҳофазаси учун ажратилган ЯИМ улуши</li> <li>• Давлат даромадида экологик солиқ ва субсидияларнинг фоизи</li> <li>• 1992 йилдан сўнг барқарор ривожланиши учун кўшимча молиялаштириш микдори</li> <li>• Карзларнинг ундирилиши</li> </ul>

## В. ЭКОЛОГИК ИНДИКАТОРЛАР

### В-1. Сув ресурслари

<b>Чүчүк сув сифаты ва захиралари химояси</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Мумкин бўлган манбадан ер ости ва ер усти сувларининг йиллик олиниши (%)</li> <li>• Аҳоли бошига сув сарфи</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ер ости сувлар захираси (<math>\text{м}^3</math>)</li> <li>• Ичимлик сувидаги Coli-шаклдаги фекалийлар миқдори (100 мл суга нисбатан) Сув манбаларида кислород ишлатилишининг биокимёвий ва кимёвий ис-теъмоли.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Барча аҳолига хизмат кўрсатиш ва қайта ишлаш турлари бўйича оқава сувларни қайта ишлаш (%)</li> </ul>
<b>Океан, денгиз ва қирғоқ зоналарни химоялаш</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Денгиз организмларини тутиш (т)</li> <li>• Қирғоқ зоналарда аҳоли сонининг ўсиши (%)</li> <li>• Қирғоқ зоналарига нефтнинг ташланиши (т)</li> <li>• Қирғоқолди сувларида азот ва фосфор бирикмаларининг йигилиши (т)</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Баркарор қайта тикланишни таъминловчи денгиз организмларининг захираси</li> <li>• Сув ўгларининг ривожланиш индекси</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Денгизларга таалуқли битимларда қатнашиш (ха/йўк)</li> </ul>

### В-2. Ер ресурслари

<b>Ер ресурсларидан режса- лаштирган тарзда фойда- ланишига интеграллаш- ган ёндашув</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Фойдаланилайдиган ерлар (<math>\text{км}^2</math>)</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Тупрок эрозия-сига учраган ерлар (<math>\text{км}^2</math>)</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ер сиёсатини такомиллаштириш (ха/йўк)</li> </ul>
--	--	---	---

<b>Заиф экотизимларни бошқариш, чўланиш ва қурғоқчиликка қарши курашии</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Аҳоли жон бошига иситиш учун ўтина сарф килиш (<math>m^3</math>)</li> <li>Қуруқ иқлимли зоналарда <math>km^2</math> тўғри келадиган уй ҳайвонлари Камбағаллик даражасидан паст бўлган қуруқ иқлимдаги аҳоли (%)</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Чўлланган ерлар майдони (<math>km^2</math>)</li> <li>Қурғоқчиликнинг тақрорланиши</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Экотизимларни кайта тиклаш учун қилинаётган харажатлар</li> </ul>
<b>Кишлоқ хўжалигининг барқарорлиги ва маҳаллий ривожланишга қўмаклашиши</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Кишлоқ хўжалигига пестицидлардан фойдаланиш (<math>t/km^2</math>)</li> <li>Минерал ўғитдан фойдаланиш (<math>t/km^2</math>)</li> <li>Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳайдаладиган ерлар майдони (га)</li> <li>Суғориладиган ерлар (%)</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Шўрланган ва ботқоқлашган ерлар майдони (<math>km^2</math>)</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Кишлоқ хўжалигини кўллаб-куватлаш ва унда тадқикотлар олиб бориш учун харажатлар</li> <li>Қайта тикланган ерлар майдони (<math>km^2</math>)</li> </ul>

### B-3. Бошқа табиий ресурслар

<b>Ўрмонсизланишга қарши кураш</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Ўрмонсизланиш тезлиги (<math>km^2/йил</math>)</li> <li>Ёғочни йиллик ишлаб чиқариш (<math>m^3</math>)</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Ёғоч захираси (<math>m^3</math>)</li> <li>Ўрмонлар майдони (<math>km^2</math>)</li> <li>Ёғоч истеъмолининг % да энергия истеъмодига нисбати</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Ўрмонларнинг тикланиш суръати (йилига, <math>km^2</math>)</li> <li>Қўрикланадиган ўрмонларнинг улушки</li> </ul>
<b>Биологик хилмаҳалликни саклаш</b>		<ul style="list-style-type: none"> <li>Йўқолиб кетган ва йўқолиб кетиш хавфи бўлган турлар сони</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Умумий майдондан қўрикхона майдони улушки (%)</li> </ul>

**В-4. Атмосфера**

<i>Атмосферани мұхомағаза күлиши</i>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• CO<sub>2</sub> чиқинди-лари (т)</li> <li>• Олтингу гурт ва азот оксиди чиқинди лари (т)</li> <li>• Озон катлами-ни бузувчи мод-далар истеъмоли (т)</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Шахарларнинг атмосфера ха-восида SO<sub>2</sub>, CO, азот оксиди, озон ва муаллақ ҳол-даги жаррачалар миқдори</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Атмосфера ҳавоси ифлосла-нишини қисқартириш учун хара-жаттар</li> <li>• CO<sub>2</sub>, олтин-гурт ва азот оксидларининг эмиссиясини қисқартириш (йилига %)</li> </ul>
--------------------------------------	--	---	---

**В-5. Чиқинди лар**

<i>Чиқинди ларни бошқарушы</i>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ишлаб чиқа-риш ва муници-пиал чиқинди-ларнинг ҳажми (т/йил)</li> <li>• Хавфли чиқин-ди ларнинг ҳажми (т)</li> <li>• Хавфли чиқин-ди ларнинг им-порт ва экспорти (т).</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ахоли сонига нисбатан чиқин-ди ларнинг ҳажми (т)</li> <li>• Заарлы чиқин-ди лар билан заарланган ер майдони (км<sup>2</sup>)</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Чиқинди лар-ни йиғиб, қайта ишлаш учун сарф-ланган маблағ</li> <li>• Утиллаштирил-ган чиқинди лар улуси, %</li> <li>• Муниципал чиқинди лар ути-лизацияси (т/ахоли сонига)</li> <li>• ЯИМ бирли-гига нисбатан чиқинди ларнинг қисқариш суръати (т/йил)</li> <li>• Хавфли чиқин-ди ларни қайта ишлашга сарфлан-ган харажаттар</li> </ul>
--------------------------------	--	--	--

**Г. Интигационал индикаторлар**

<i>Қарорни қабул қилиши тизими</i>		<ul style="list-style-type: none"> <li>• Экологик заарарни баҳолаш усулини тасдиқлаш (ха/йүк)</li> </ul>	
------------------------------------	--	--	--

		<ul style="list-style-type: none"> <li>• Атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш индикаторларига доир миллий статистик дастурларнинг мавжудлиги (ҳа/йўқ)</li> <li>• Миллий барқарор ривожланишнинг миллий стратегия-сининг мавжудлиги (ҳа/йўқ)</li> <li>• Барқарор ривожланиш бўйича миллий кенгашнинг мавжудлиги (ҳа/йўқ)</li> <li>• 100 нафар аҳолидаги телефонлар сони</li> <li>• Барқарор ривожланиш кенгашида туб аҳолидан вакиллар (ҳа/йўқ)</li> <li>• Миллий анъаналарга мувоғик аҳборот захираларининг мавжудлиги (ҳа/йўқ)</li> <li>• Барқарор ривожланиш миллий кенгашида жамиятнинг асосий гурӯҳлари вакили (ҳа/йўқ)</li> </ul>
--	--	--

		<ul style="list-style-type: none"> <li>• Барқарор ривожланиш бүйича миллий көнгашдаги майда этник гурұхлар вакили (ха/йүк)</li> <li>• Барқарор ривожланишга тааллуклы халқаро битимларни ратификациялаш (сони)</li> </ul>	
--	--	---	--

Индикаторлар құйидаги асосий гурұхларға бұлинады:

- барқарор ривожланиш индикаторларининг ижтимоий жиҳатлари;
- барқарор ривожланиш индикаторларининг иқтисодий жиҳатлари;
- барқарор ривожланиш индикаторларининг экологик жиҳатлари (шу жумладан, сув, ер, ҳаво, табиии ресурслар ва чиқындар);
- барқарор ривожланиш индикаторларининг институционал жиҳатлари (режалаштирилған ва программалаштирилған сиёсат, штаммий ишланмалар, халқаро ҳуқуқ нормалари, ахборот таъминоти, ақолининг асосий гурұхлари ролини ошириш).

Айрим мамлакатлар учун таклиф этилаётган лойиҳа индикаторларни маълум бир шароитта мослаштиришда маҳсус үзгартыришлар талаб этилади.

### 3.3. Регионал барқарор ривожланиш индикаторлари

2003 йил 21–23 май ойида Киев шаҳрида «Европа учун атроф-мухит» мавзусида үтказилған экология ва атроф-мухит муҳофазаси бүйича давлат органлари раҳбарларининг конференциясида БМТ-нинг ижтимоий ишчи гурухи ҳисобланған Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК) томонидан «Атроф-мухит ҳолати ҳақида давлат маърузаларини тайёрлаш бүйича раҳбарлық принциплари» маъқуллан-

ган. Ушбу конференцияда Шарқий Европа, Кавказорти ва Марказий Осиё (ШЕКОМО) ва қатор бошқа Европа давлатлари иштирокида тайёрланган «Европа учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» номли маъруза эълон қилинди ва унда экологик индикаторлар атрофлича кўрсатиб берилиди.

БМТнинг ЕИК котибияти томонидан ШЕКОМОнинг 12 та мамлакатида экологик индикаторлардан фойдаланиш аҳволи таҳлил қилинди. Таҳлиллар аксарият давлатларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тайёрланган миллий маърузаларда баъзи бир индикаторлар хусусий ва тавсиявий характерга эга бўлса-да, улар муваффақият билан ишлатилаётганлиги қайд этилди.

ШЕКОМО давлатлари БМТнинг ЕИК иштирокида маҳсус комиссия ташкил этди. Ушбу комиссиянинг Санкт-Петербург шаҳрида 2003 йил 27–28 июнь кунлари ўтказилган йигилишида тавсия этилган 356 та индикаторлардан 118 та индикаторлар танлаб олинди.

ШЕКОМО давлатлари учун қуидаги экологик муаммолар ажратиб олинди: иқлим ўзгариши; атмосфера ҳавоси сифати; сув ресурслари; ер ва тупроқ ресурслари; биохилмачиллик; чиқиндилар; ўрмон ресурслари; балик ресурслари ва кўрсатилган муаммоларнинг ижтимоий-иқтисодий масалалари.

Жанубий Осиё планетамиз умумий қуруқлик майдонининг 4,8 фоизини ташкил этади. Жанубий Осиё субмінтақа ҳисобланаб, унинг умумий майдони таҳминан  $4\ 126\ 800\ \text{км}^2$  ташкил этадиган Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Шри-Ланка, Непал, Бутан ва Мальдив ороллари давлатларини ўз ичига олади. Жанубий Осиё жаҳонда энг кўп аҳоли яшайдиган субмінтақалардан бири бўлиб ҳисобланади. Аҳолининг зичлик даражаси жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан анча юқори. Субмінтақада 1,33 млрд аҳоли, яъни осиёликларнинг учдан бир ва бутун дунё аҳолисининг бешдан бир қисми яшайди.

Қашшоқлик Жанубий Осиё давлатлари учун энг йирик муаммо ҳисобланаб, дунё қашшоқ аҳолисининг 40 фоизи шу субмінтақада истиқомат қиласи. Бу субмінтақа аҳолининг зич жойлашиши муаммоси билан ҳам дуч келиб, аҳолининг ўсиш суръати дунё мамлакатларига нисбатан анча баланд ҳисобланади.

Жанубий Осиё давлатлари учун экологик индикаторлар ҳақидағы «маъруза» ўттис битта экологик индикаторларнинг атмосфера ҳавоси, сув, ер ва биохимиялыкка таъсирини ўрганиш учун тай-ерланган. Шунингдек, маърузада Жанубий Осиё давлатларининг танлаб олинган индикаторлар орқали ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш йўналишларини ҳам кўриш имконини беради. Жанубий Осиёдаги алоҳида мамлакатлар учун ҳар бир кўрсаткич бўйича алоҳида маълумотлар 1990, 1995 ва 2000 йиллар давомида тўпланган.<sup>24</sup>

Ерларнинг деградацияси барча Жанубий Осиё давлатлари учун экологик муаммо бўлиб, экин экиладиган ерларга салбий таъсир кўрсатади ва ушбу мамлакатлар аҳолисининг озиқ-овқат ҳавфиззитига ҳам таъсир қиласди. Жанубий Осиё давлатларидағи дарёлар суви сифати ёмонлашиб, уни ҳал қилишга ушбу давлатларнинг ҳам жиҳатлик билан ёндашишини талаб қилмоқда.

Умуман олганда, универсал индикаторлар мавжуд эмас. Ҳар бир давлат жойлашиш ўрни, ривожланиши, иқлими, хўжалигининг ўзига ҳослиги ҳамда экологик муаммоларининг долзарблигига асосланган ҳолда индикаторларни танлаши ва муаммоларни ҳал этишга йўналтириши лозим. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳалқаро талабларга мос ҳолда ишлаб чиқилган индикаторларни танлаш ва ишлатиш мақсадта мувофиқ.

Австралия, Канада, АҚШ ва қатор Европа давлатлари индикаторларни ишлаб чиқиши соҳасида илғор мамлакатлар ҳисобланади.

### **3.4. Россия Федерациясида барқарор ривожланиш индикаторлари**

Россия учун индикаторлар тизими «компонент – компонент кўрсаткичлари– индикатор» 3.4.1-жадвалда атрофлича изоҳланган.

Жами ажратилган 42 номдаги индикаторлардан кўпчилиги расмий статистик маълумотлардан, айримлари эса Росгидрометнинг бир марталик анализ ва баҳолаш натижалари асосида шакллантирилган.

<sup>24</sup> Environmental indicators South Asia, UNEP, 2004

## 3.4.1-жадвал.

*Барқарор ривожланишининг асосий индикаторлари*

<b>Компонент</b>	<b>Компонент курсаткичлари</b>	<b>Индикатор</b>
Атмосфера	Икlim үзгариши	1. Барча турдаги органик ёкилғиларнинг истеъмол ҳажми. $\text{CO}_2$ эмиссияси (Росгидромет маълумотлари)
	Хавонинг сифати	2. Иссиқхона газлари эмиссияси 3. Шаҳарларда ҳавони ифлослантирувчи асосий моддалар (Росгидромет маълумотлари)
		4. Захарли моддаларнинг эмиссияси ва ҳавфлилик даражаси
		5. Қишлоқ хўжалиги ер участкалари 6. Минерал ўғитлардан фойдаланиш 7. Пестицидлардан фойдаланиш
Ерлар	Қишлоқ хўжалиги	8. Умумий ер майдонининг 5% ўрмонлардан иборатлиги 9. Ўрмонлар майдони (турлар буйича) 10. Ўрмонларнинг кесилиш интенсивлиги
	Ўрмонлар	11. Чўлланиш ҳавфи бўлган ерлар (минтақавий баҳолаш, бир марталик баҳолаш)
	Ерларниң чўлланиши	12. Аҳоли яшайдиган худудлар 13. Саноат, транспорт ва қишлоқ хўжалиигига тегишли бўлмаган ерлар
	Урбанизация Шаҳарлашиш	14. Асосий ҳавзалардан турларнинг йиллик овланиши
	Балиқчилик	
Чучук сувлар	Сув ҳажми	15. Умумий сув захираларидан ер ости ва ер усти сувларининг йиллик олиниши (%) 16. Умумий сув манбаларидан айланма ва кетма-кет ишлатиладиган сувларнинг ҳажми (%)
	Сувларнинг сифати	17. Ифлосланган оқава сувларнинг ер усти сув ҳавзаларига ташланиши 18. Ифлослантирувчи моддаларнинг очик сув ҳавзаларига ташланиши

Биохил-малиллик	Экотизимлар	19. Алоҳида муҳофаза этиладиган худудлар (қўриқхона ва милий боғлар)	
		20. Умумий майдонга нисбатан муҳофаза қилинадиган худудларнинг улуши (%)	
	Турлар	21. Таңланган асосий турларининг мавжудлиги (бир марталик баҳолаш)	
Иқтисодий структура	Иқтисодий кўрсаткичлар	22. ЯММ аҳоли жон бошига	
		23. ЯММ да инвестициянинг ҳиссаси	
		24. Йўналтирилган капитал маблагларнинг янгиланиш коэффициенти	
		25. Иш унумдорлиги	
		26. Ҳақиқий омонатлар (баҳолаш)	
	Савдо	27. Товарлар ва хизматлар учун савдо баланси	
	Молиявий ҳолат	28. ЯИМ да қарзларнинг улуши	
		29. Инфляция кўрсаткичлари	
	Материаллардан фойдаланиш	30. Материаллардан фойдаланишнинг интенсивлиги (материаллар ҳажми)	
	Энергиядан фойдаланиш	31. Жон бошига йиллик энергиядан фойдаланиш	
Ишлаб чиқариш ва фойдаланиш моделлари		32. Қайта тикланадиган энергия манбаларининг улуши	
		33. Энергиядан фойдаланиш интенсивлиги (энергия ҳажми)	
Чиқиндиларни бошкариш	34. Заҳарли чиқиндиларнинг манбалари (турлари бўйича)		
	35. Заҳарли чиқиндилардан фойдаланиш ва жойлаштириш		
Транспорт	36. Хар минг кишига тўғри келадиган енгил автомобиллар сони		
Аҳолининг фаровонлик даражаси	Аҳоли бандлиги		
	Даромадлари-нинг тақсимланиши		
	37. Ишсизлик даражаси		
	38. Даромадлардаги фарқлар коэффициенти		

Ишлаб чиқариш ва фойдаланиш моделлари	Аҳолининг фаровонлик даражаси	Даромадлари-нинг таҳсими-ланиши	39. Энг кам даромад олуви аҳоли сони, даромадли аҳоли сони
		Яшаш жойи	40. Аҳолининг тураржой билан таъминланганлиги
		Рекреация	41. Уй-жой учун рўйхатга олинган оиласаларнинг улуси 42. Болаларнинг согломлаштириш муассасалари

Юқоридаги маълумотларнинг атрофлича муҳокамаси таъланган индикаторлар рўйхатининг катта ҳажмдалиги ва миллий масштабдағи атроф-муҳитни баҳолаш ишларини анча мураккаблаштиришини кўрсатади. Шу сабабли ушбу индикаторлар схемасидан қискартирилган вариантидан фойдаланишга келишилди.<sup>25</sup> Масалан: иқтисодиёт соҳасига иккита «компонент» йўналтирилган: иқтисодиёт структураси, ишлаб чиқариш ва истеъмол. Кўшимча учта «компонент кўрсаткичлари» ҳам иқтисодиёт соҳасига: иқтисод, савдо ва молия тармоқлари учун берилган. Ишлаб чиқариш ва истеъмол тўртта «компонент кўрсаткичлари»ни ўз ичига олади: моддий ресурслардан фойдаланиш, энергиядан фойдаланиш, таълим, чиқиндиларни утилизация қилиш ва транспорт.

*Индикаторларнинг қисқача рўйхати қўйишдагича:*

аҳоли жон бошига ЯММнинг таҳсиланиши;

ЯММда инвестицияларнинг ҳажми (%);

Товар ва хизматларда савдо баланси;

ЯИМда қарз микдори (%);

ЯИМда олинган ва берилган ёрдамлар (%);

4 кўрсаткичда берилган материал ва энергия ҳажми;

4 кўрсаткичда берилган чиқиндилар ҳажми;

**Транспордан фойдаланиш.** Мамлакатлар учун фойдаланиш ва миллий дастурларни тайёрлашда базали индикаторларнинг минимал рўйхати адабиётда берилган.<sup>26</sup>

<sup>25</sup> Indicators of Sustainable Development, UNO, 2001

<sup>26</sup> Indicators of Sustainable Development, UN, 2001

Россия учун «компонент – компонент кўрсаткичлари – индикатор» тизими 3.4.2. жадвалда келтирилган.<sup>27</sup>

### 3.4.2-жадвал.

*Россия Федерацияси учун Жаҳон банки томонидан таклиф қилинган «Яшил маълумотнома» кўрсаткичлари,<sup>28</sup> 2006 йил*

<b>Россия Федерацияси</b>	
<b>Индикаторлар номи</b>	<b>Кўрсаткичлари</b>
Аҳоли сони (млн киши)	143,8
Шаҳар аҳолисининг сони (умумий аҳоли сонига нисбатан, %)	73,3
ЯММ (млрд АҚШ доллари).	581,4
ЯММ аҳоли жон бошига, Atlas-методи (АҚШ долларида)	3400
<b>Кишлоп хўялиғи</b>	
Ер майдони (1000 км <sup>2</sup> )	16381
Кишлоп хўялиги ерлари (умумий ер майдонидан, %)	13
Умумий ерлар майдони (донли экинлар экиласидиган майдонга нисбатан, %)	3,7
Минерал ўғитлардан фойдаланиш (1 га ерга)	119
Аҳолининг зичлиги, кишлопларда (1 км <sup>2</sup> )	32
<b>Ўрмонлар ва биохилмаҳилизик</b>	
Ўрмонлар майдони (умумий ер майдонидан, %)	49,4
Ўрмонлар кесилишининг йиллик миқдори (1990–2000 йилларга нисбатан, %)	0
Миллий муҳофаза қилинадиган ҳудудлар (умумий ер майдонидан, %)	8
Сут эмизувчилар, жами турлари	296
Сут эмизувчилар, шу жумладан йўқолиш хавфи мавжудлари	43
Қушлар, умумий турлари	645
Қушлар, шу жумладан йўқолиш хавфи мавжудлари	47
Биохилмаҳилизикнинг иқтисодий самараадорлиги GEF индекси бўйича (0–100)	37,1

<sup>27</sup> Индикаторы устойчивого развития России (эколого-экономические аспекты). / Под ред. С. Н. Бобылева, П.А. Макеенко – М.: ЦПРП, 2001. – С.220

<sup>28</sup> The Little Green Data Book 2006. Word Bank, Washington DC, 2006, – P. 256.

**Энергия**

ЯММинг фойдаланилган энергияга нисбати	1,9
Аҳоли жон бошига тижорат нархларида энергия билан таъминлаш	4424
Қайта тикланувчи манбалар ва чиқиндишлардан олинадиган энергия (умумий энергия миқдоридан, %)	1,0
Энергия импорти (тижорат йўналишида фойдаланиш, %)	-73
Аҳоли жон бошига энергиядан фойдаланиш (кВт ларда)	5480

**Чиқиндишлар ва ифлюслинини**

СО <sub>2</sub> эмиссияси ЯММга нисбатан, (кг)	1,4
Аҳоли жон бошига СО <sub>2</sub> эмиссияси (мегатонна)	9,8
Катта шаҳарлар хавосидаги муаллак заррачаларнинг миқдори (мг/м <sup>3</sup> )	25
Йўловчи ташувчи автомобиллар (минг кишига нисбатан)	140

**Сув ресурслари ва канализация**

Аҳоли жон бошига чучук сув захиралари	29981
Чучук сувдан фойдаланиш	
Умумий сув захиралари (чучук сув захиралари, %)	1,8
Тозаланган сув манбаларидан фойдаланиш умумий аҳоли сонига нисбатан, (%)	96
Кишлок жойларда (умумий кишлок аҳолиси сонига нисбатан, %)	88
Шаҳарларда (умумий шаҳар аҳолиси сонига нисбатан, %)	99
Водопровод ва канализация билан таъминланган аҳоли (умумий аҳоли сонига нисбатан, %)	87
Кишлок жойларда (умумий кишлок аҳолиси сонига нисбатан, % )	70
Шаҳарларда (умумий шаҳар аҳолиси сонига нисбатан, %)	93

**Атроф-муҳит ва саломатлик**

Нафас йўллари касаллклари билан касалланиш (жумладан, 5 ёшгача бўлган болаларда)	...
Диарея билан касалланиш (5 ёшгача бўлган болаларда, %)	...
5 ёшгача бўлган болалар ўлими (хар 1000 болага нисбатан)	21

<b>Макроинтигисий кўрсаткичлар</b>	
Ялни ички жамғарма (ЯММга нисбатан, %)	32,1
Асосий капиталдан фойдаланиш (ЯММ га нисбатан, %)	7,1
Таълим харажатлари (ЯММга нисбатан %)	3,5
Энергетик ресурсларнинг тугаб бориши (ЯММга нисбатан, %)	29,7
Минерал ресурсларнинг тугаб бориши (ЯММга нисбатан, %)	0,6
Урмон ресурсларнинг тугаб бориши (ЯММга нисбатан, %)	0
СО <sub>2</sub> эмиссиясидан кўрилган зарар (ЯММга нисбатан, %)	2,0
Аэрозоллар эмиссиясидан кўрилган зарар (ЯММга нисбатан, %)	0,6
Ички омонатлар миқдори (ЯММга нисбатан, %)	-4,4

**Россия учун барқарор ривожланишнинг интеграллашган кўрсаткичлари.** БМТ комиссиясининг барқарор ривожланиш ҳисоботида турли кўрсаткичларни ягона индексга интеграллаштириш кўриб чикилган.<sup>29</sup> Маълумотларни интеграллаштиришда асосий қийинчилик бирламчи кўрсаткичларнинг «салмоғи»ни унинг аҳамиятини йўқотмасдан аниқлашни талаб этади. Бирламчи кўрсаткичларнинг «салмоғи»ни аниқлаш учун ижтимоий фанларда ишлатиладиган кўп критерияли Дельфи таҳлил усулидан фойдаланилди.<sup>11</sup>

Бирламчи кўрсаткичларнинг «салмоғи»ни аниқлашда халқаро конвенция, норма ва қонунлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Маълумотларни интеграллаш жараёни қўйидагича амалга оширилади:

- биринчи босқичда ҳар бир муаммонинг индексини аниқлаш учун индикаторларнинг «салмоғи»ни билиш талаб этилади;
- иккинчи босқичда оралиқ индекслар кўриб чикилади ва ажратилган соҳалар бўйича индекслар аникланади;
- учинчи босқичда иккинчи босқичдаги индекс аникланади ва ягона индекс топилади;

<sup>29</sup> Report on the Aggregation of Indicators for Sustainable Development. CSD, NY, 2001.

Ялпи индикаторлар ўзида иқтисодий, ижтимоий, институциявий хусусиятларни мужассамлашириди. Экологик индикаторлар эса ўзида ҳаво, ер, океан, денгиз, ичимлик суви, биохилмахиллик ва бошқаларни умумлашириди. Иқтисодий индикаторлар ўзида иқтисод тизими, ишлаб чиқариш ва истеъмолни камраб олади. Ижтимоий индикаторлар саломатлик, таълим тизими, уй-жой, ҳавфсизлик, ахоли ва бошқаларни мужассамлашириди. Институционал индикаторлар ташкилотлар ва ижтимоий институтлар имкониятларини камраб олади.

Хозирги вактда «ҳақиқий жамғарма» кўрсаткичлари дунёнинг 100 та мамлакати учун Бутунжаҳон банки мутахассислари томонидан ҳисоблаб чиқилган, жумладан, Россия учун ҳам. Қўйида келтирилган 3.4.3-жадвал маълумотлари Бутунжаҳон банкининг «Little Green Data Book» қўлланмаси асосида шакллантирилган.

### 3.4.3-жадвал.

#### *Россия Федерацияси учун ҳисоблаб чиқилган харид қобилияти паритети (ХКП) кўрсаткичлари<sup>30</sup> «ҳақиқий жамғарма»*

Кўрсаткич/ Йил	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2006
ЯИМ (млрд. \$ ХКП)	1351	1228	1080	1068	1046	1059	1015	1093	581,4
Ялпи ички жамғарма (ЯММга нисбатан %)	40,0	30,8	30,3	26,9	27,3	24,2	21,2	33,0	32,1
Асосий капиталдан фойдаланиш (ЯММ, %)	9,6	9,5	9,2	9,6	9,8	9,9	9,3	9,6	7,1
Соф ички жамғарма (ЯММга нисбатан %)	30,4	21,4	21,1	17,4	17,5	14,4	11,9	23,4	...
Таълим ҳаражатлари (ЯММга нисбатан %)	3,6	3,8	3,9	3,9	3,9	3,9	3,9	3,7	3,5

<sup>30</sup> Little Green Data Book. 2006. World Bank, 2006

Энергия ресурсларнинг камайиши (ЯИМга нисбатан %)	18,7	17,5	15,9	17,7	16,4	15,3	16,0	12,8	29,7
Минерал ресурсларнинг камайиши (ЯИМ га %)	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,6
Ўрмонларнинг камайиши (ЯИМга %)	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
СО <sub>2</sub> чикиндиларидан йўқотишлар ( 20 \$, 1 т СО <sub>2</sub> га )	2,4	2,5	2,7	2,8	2,1	2,0	3,0	2,0	2,0
Ҳақиқий ички жамғарма (ЯИМга нисбатан %)	12,9	5,2	6,4	0,7	2,9	0,9	-3,3	12,2	-4,4

К. Гальминтоннинг охирги ишларида «ҳақиқий жамғармалар» кўрсаткичи 1997 йилда Россия учун ЯИМнинг 3% ташкил қилган бўлса, энергия ресурсларининг қисқариши эса шу йилда 9,3% дан онимаган.<sup>31</sup>

Қазиб олинадиган қайта тикланмайдиган ресурслардан фойдаланувчи мамлакат сифатидаги Россия учун «ҳақиқий жамғарма» кўрсаткичлари шу билан муҳимки, карор қабул қилувчи ташкилот ва раҳбарлар учун инсон ҳамда моддий капитал маблағларини ошириш ҳисобига табиий капиталнинг камайишининг ўрнини тўлдириш кераклигини билдириб туришда муҳим аҳамият касб этади.

Амалий жиҳатдан маҳсус жамғармалар яратилиши мақсадга мувоғик (масалан, келажак авлод жамғармаси). Бундай жамғармалар Норвегия ва бир қатор нефть қазиб оловчи мамлакатларда мавжуд бўлиб, улар келажакда мамлакатни ривожлантиришни таъминлаш учун қазиб олинаётган ёқилғи-энергия ресурларидан чегириб қолиш ҳисобига ташкил этилган.

**Инсон потенциалини ривожлантириш индекси.** 1995 йил БМТ Ривожланиш дастури Европа ва МДҲ ташкилотлари ҳамда Россия ҳукумати ҳамкорлигининг ташаббуси билан мустақил миллий

<sup>31</sup> Sustainable economic welfare: estimating changes per capita wealth, 2000

тадқиқотчилар гурухи томонидан илк бор «Россия Федерациясида инсон потенциалини ривожланитириш» маъruzаси тайёрланди. Собиқ Иттифоқ халқаро меъёрлар бўйича XX аср мобайнида инсон потенциалининг базали ривожланиши соҳасида жуда катта натижаларга эришган.<sup>32</sup> Лекин шу даражада ҳам 1990 йилда собиқ Иттифоқ нинг инсон ривожланиш индекси (0,862) даромадлари кам саналган Корея Республикаси, Тринидад ва Тобаго, Уругвай, Чили давлатларидан ҳам паст бўлган. 1991 йилдан сўнг институционал ўзгаришлар натижасида собиқ Иттифоқ давлатларида инсон потенциалининг базали ривожланиши турлича кўринишда намоён бўлди.

2002 йил учун маъruzада (2000 йилги вазиятни акс этган) инсон ривожланиши юқори даражали мамлакатлар гурухига учта давлат – Эстония (42-үрин), Литва (49-үрин) ва Латвия (53-үрин) киритилган бўлиб, қолган 12 та давлат – Белоруссия (56-үрин), Россия (60-үрин), Арманистон (76-үрин), Қозогистон (79-үрин), Украина (80-үрин), Грузия (81-үрин), Туркманистон (87-үрин), Озарбайжон (88-үрин), Қирғизистон (102-үрин), Молдова (105-үрин), Тожикистон (112-үрин) инсон ривожланиш меъёрлари ўртача даражали мамлакатлар гурухига киритилган.

Инсон ривожланиш индекси (ИРИ) ва даражаларини солиштириш орқали шуни хулоса қилиш мумкинки, умумий ҳолда 1990 йилларда юқорида келтирилган давлатларда ИРИ соҳасидаги вазият сезиларли даражада ёмонлашган. Рейтинг кўрсаткичларида энг юқори даражада пасайиши – Грузия (-32) ва Арманистон (-29), энг кам даражада пасайиш – Эстония (-8) давлатларида кузатилган. Шу билан бирга кўрилаётган даврни икки йўналишга ажратиш мумкин: таҳлил қилинаётган давлатларда 90-йилларнинг биринчи ярмида ишлаб чиқаришнинг пасайиши, гиперинфляция, қашшоқлик ва ишсизликнинг кескин кўтарилишига, аҳоли жон бошига даромадларнинг пасайиб кетишига олиб келди. Булардан 13 та давлатда (Озарбайжон ва Грузиядан ташқари) узок умр кўришнинг пасайиши ва ижтимоий сиёсат соҳасида давлатларнинг имкониятлари ҳам пасайган. Айниқса, рейтинг кўрсаткичларининг пасайиш суръатлари бўйича Кавказорти давлатлари: (Грузия (-57), Арманистон (-52), Озарбайжон (-48), Бол-

<sup>32</sup> Доклад о развитии человеческого потенциала Российской Федерации за 2002-2003 годы под ред. С.Н. Бобылева – М.: Весь Мир, 2003.

тиқбүйи давлатлари: (Латвия (-57), Литва (-50), Эстония (-43) ҳамда Украина (-57), Молдова (-49) мамлакатлари етакчилик қилди. Рейтинг кўрсаткичларининг минимал пасайиш даражаси Ўзбекистон (-24) ва Қирғизистон (-26) давлатларида кузатилди.

1995–2000 йилларда юқорида қайд қилинган давлатларда инсон ривожланиш индексининг кўтарилиши кузатилди. Инсон ривожланиш индекси соҳасида ўсиш Болтиқбўйи давлатлари – Латвия (+39), Эстония (+35), Литва (+30)да кузатилди. Ушбу даврда Россия (+12) ИРИ нинг ўсиш суръати бўйича Ўзбекистон (+9), Молдова (+8), Қирғизистон (+7) ҳамда Тоҷикистонни (+6) ортда қолдирди.<sup>33</sup>

#### 3.4.4-жадвал.

*Россия Федерацияси учун 1995–2002 йиллардаги инсон ривожланиш индекси (ИРИ) компонентлари динамикаси<sup>34</sup>*

	Узок умр кўриш	Саводхонник	Моддий фаровонник	ИРИ
1997	0,694	0,899	0,704	0,776
1998	0,700	0,901	0,697	0,776
1999	0,683	0,910	0,720	0,771
2000	0,68	0,92	0,74	0,781
2001	0,69	0,93	0,71	0,780
2002	0,69	0,95	0,74	0,800

3.4.3-жадвал маълумотлари Россиядаги моддий фаровонникнинг пасайиши бошқа икки қўрсаткич – узок умр кўриш ва саводхонникнинг ортиши билан изоҳланади.

### 3.5. Миллий барқарор ривожланиш индикаторлари Ўзбекистон мисолида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 апрелдаги 111-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитнинг давлат мониторинги тўғрисида»ги Низомида мониторинг қилишнинг мақсад ва вазифалари аниқлаб

<sup>33</sup> Expanding the Measure of Wealth: Indicators of Environmentally Sustainable Development. Environmentally Sustainable Development Studies and Monographs Series №. 17. World Bank: Washington, DC. 1997. The pan-European environment: glimpses into uncertain future. European Environment Agency, Copenhagen, 2007.

<sup>34</sup> Human Development Report 2003. UNDP, New York: Oxford University Press, 2003

берилган ҳамда давлат мониторингини юритишнинг муҳим принциплари изоҳлаб берилган. Вазирликлар, идоралар, хўжалик бошқарув органлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш вазифаси Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси зиммасига юклатилган. Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бўйича маълумотларни тўплаш ва қайта ишлашга қаратилган бошқарув тизимини яратишни режалаштирган. Мазкур тизим вазирликлар ва идоралардан олинган маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар базасини шакллантиришга хизмат қилади. Бундай ахборот тизимини шакллантиришда бош мақсад атроф-муҳитни ҳимоя қилиш юзасидан ишончли маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш, табиий муҳит объектларидан фойдаланиш самарадорлигини аниqlаш, давлат, нодавлат ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахсларни керакли ахборотлар билан қуроллантиришдан ибораг.

Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси, унга таъсир қўрсатувчи омиллар ҳамда табиий муҳит объектларидан фойдаланиш ҳолати Ўзбекистон Республикаси Соглиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Ергедезкадастр» давлат қўмитаси, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қошидаги «Гидрометеорология» давлат хизмати томонидан назорат қилинади.

Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК) «Европа учун атроф-муҳит» дастурига аъзо хисобланади. Шунинг учун индикаторларни танлашда ЕИК ҳамда атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бўйича Европа агентлиги томонидан Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиё (ШЕКМО) давлатлари учун белгиланган мезонлар асосий қўрсаткич сифатида қўлланилади.

Индикаторларни танлаб олиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва БМТ тараққиёт дастури ҳамкорлигига «Ўзбекистонда атроф-муҳит ҳолатини мониторинг қилиш учун экологик индикаторлар» номли лойиҳа бажарилган.

Ушбу лойиҳани амалга оширишга Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси масъул қилиб белгиланган. Лойиҳа Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни ўрганишда экологик индикаторлар ти-

тимидан фойдаланиб самарали ягона давлат мониторингини шакллантиришга қаратилган. Ўзбекистон учун ишлаб чиқилган экологик индикаторлар тизимининг асосий мақсади атроф-муҳитни ўрганишнинг ягона давлат мониторингини яратиш, атроф-муҳитни химоя қилиш борасида ташкил этилаётган чора-тадбирлар ва қабул қилинаётган карорларнинг самарадорлик даражасини ошириш ҳамда республикадаги табиий муҳит объектларини рационал бошқаришидан иборат. Ўзбекистон учун индикаторларни шакллантиришда республикадаги табиий шароитлар ва баъзи давлатлар, ҳалқаро ташкilotларнинг тавсиялари ҳам эътиборга олинган.

Ушбу лойиҳанинг асосий мақсади Ўзбекистонда атроф-муҳитнинг ягона давлат мониторингини ташкил этишининг экологик индикаторлар тизимини (ЭИТ) ишлаб чиқиши. «Табиатни муҳофаза қилиш ҳақида»ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 апрелдаги 111-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг Давлат мониторинги тўғрисида»ги Низоми ва 2003 йил 13 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2003–2005 йилларга мўлжалланган атроф табиий муҳитни мониторинг қилиш дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ЭИТ шаклланишининг ҳуқукий асоси бўлиб хизмат килди.

Бажарилган лойиҳанинг асосий натижаси сифатида атроф табиий муҳитни мониторинг қилиш, маълумотлар узатиш, сақлаш, таҳлил қилиш ҳамда табиий муҳит объектларидан фойдаланишга қаратилган экологик индикаторлар маълумотлар базаси (ЭИМБ) яратилди. ЭИМБ ҳамкор ташкilotлар томонидан мунтазам равишда маълумотлар билан бойитиб борилади. Ушбу мақсадда 6 та вазирлик «Атроф-муҳитни мониторинг қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» кўшма буйруқка имзо қўйдилар. Ушбу буйруқ асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Ерғеодезкадастр» давлат қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳамда «Гидрометеорология» давлат хизматининг тегишли бўлимлари мамлакатдаги экологик ҳолат ҳақида мунтазам равишда ахборот берабор боради.

Лойиҳани амалга ошириш жараёнида ГИС технологиялардан фойдаланган ҳолда Ўзбекистондаги йирик шаҳарларнинг (Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Нукус) экологик индикаторлари ва мавжуд анъанавий маълумотларга таянган ҳолда ушбу шаҳарлардаги экологик ҳолатнинг картографик таҳдили амалга оширилди. ГИС технологиялари асосида лойиҳа доирасида яратилган ГИС-карталар йирик шаҳарларнинг экологик ҳолати, ҳудудларда атроф-мухитни химоя қилиш бўйича олиб борилган ишлар самарадорлиги ҳакида ҳамда келгусидаги ишларни режалаштириш бўйича аниқ тасаввурларни шакллантиради.

Лойиҳа доирасида режалаштирилган ишлар, ҳалқаро илғор тажрибалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Табиатин муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Ергеодезқадастр» давлат қўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳамда «Гидрометеорология» давлат хизмати томонидан олинган кўп йиллик маълумотлар асосида экологик индикаторлар тўплами ишлаб чикилди.

Жами 91 та индикаторлар танлаб олинган бўлиб, шуларнинг 68 таси ҳалқаро индикаторлар рўйхатидан олинган бўлса, 23 таси Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда тасдикланган. Танлаб олинган индикаторлар атроф-мухитни муҳофаза қилишининг устувор йўналишларидан келиб чиқкан ҳолда табиий муҳит ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича куйидагича тақсимланган: атмосфера ҳавоси – 20, сув ресурслари – 25, ер ресурслари – 14, биологик ресурслар – 6, чиқиндилар – 9, иклимининг ўзгариши – 6, энергетика – 4. Танлаб олинган индикаторлар миллый даражаларда экологик вазиятни баҳолаш, мониторинг қилиш жараёнида унинг ўзгариш динамикасини кузатиш имконини беради.

#### *Атмосфера ҳавоси:*

- 1) кўчмас (стационар) ва ҳаракатдаги манбалардан ташланаётган кислота ҳосил қилувчи ифлослантирувчи моддалар ( $\text{SO}_2$ ,  $\text{NO}_x$ ) (умумий ва соҳалар бўйича);
- 2) энергия ишлаб чиқариш билан боғлиқ  $\text{SO}_2$  чиқиндилари;
- 3) энергия ишлаб чиқариш билан боғлиқ  $\text{NO}_x$  чиқиндилари;
- 4) кўчмас (стационар) ва ҳаракатдаги манбалардан ташланаётган  $\text{SO}_2$  чиқиндилар (умумий ва соҳалар бўйича);

5) энергия ишлаб чиқариш билан боғлиқ қаттиқ заррачали чиқиндилар;

6)  $\text{NH}_3$  чиқиндилари (умумий ва соҳалар бўйича);

7) кўчмас (стационар) ва ҳаракатдаги манбалардан ташланадиган  $\text{NO}_x$  чиқиндилар (умумий ва соҳалар бўйича);

8) ҳаракатдаги манбалардан ташланадиган чиқиндилар ( $\text{NO}_x$ ,  $\text{CO}$ );

9) кўчмас (стационар) ва ҳаракатдаги манбалардан ташланадиган қаттиқ заррачали чиқиндилар (умумий ва соҳалар бўйича);

10) энергия ишлаб чиқариш билан боғлиқ чиқиндиларнинг ортиши;

11) энергия ишлаб чиқариш билан боғлиқ  $\text{SO}_2$  чиқиндиларининг ортиши (т/квт\*соат);

12) доимий кузатув амалга ошириладиган шаҳарларда  $\text{NO}_2$  бўйича кўрсаткичлар ошган кунлар сони;

13) доимий кузатув амалга ошириладиган шаҳарларда қаттиқ заррачали чиқиндилар бўйича кўрсаткичлар ошган кунлар сони;

14) доимий кузатув амалга ошириладиган шаҳарларда  $\text{CO}$  бўйича кўрсаткичлар ошган кунлар сони;

15) доимий кузатув амалга ошириладиган шаҳарларда  $\text{SO}_2$  бўйича кўрсаткичлар ошган кунлар сони;

16) ҳаво ифлосланиши юкори кўрсаткичга эга шаҳарлардаги аҳоли сони (масалан, атмосфера ифлосланиш индексининг рухсат этилган меъёрлардан ошганлик даражаси);

17)  $\text{SO}_2$  ва  $\text{NO}_x$  чиқиндиларини чиқишини камайтириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижалари.

### *Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши.*

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиш ҳолати бўйича қуйидаги индикаторлар олинган:

- кўчмас (стационар) ва ҳаракатдаги манбалардан ташланган ялпи чиқиндилар миқдори;

- кўчмас (стационар) ва ҳаракатдаги манбалардан ташланадиган умумий кислота ҳосил килувчи ифлослантирувчи моддалар миқдори ( $\text{SO}_2$ ,  $\text{NO}_x$ );

- энергия ишлаб чиқариш билан боғлиқ  $\text{SO}_2$ ,  $\text{NO}_x$  ва қаттиқ заррачали чиқиндилар миқдори;

- кўчмас (стационар) ва ҳаракатдаги манбалардан ташланадиган  $\text{SO}_2$  чиқиндилар миқдори (умумий ва соҳалар бўйича);

- $\text{NH}_3$  чиқиндилари (умумий ва соҳалар бўйича);
- кўчмас (стационар) ва ҳаракатдаги манбалардан ташланаётган  $\text{NO}_x$  чиқиндилар миқдори (умумий ва соҳалар бўйича);
- ҳаракатдаги манбалардан ташланаётган  $\text{NO}_x$  ва  $\text{CO}$  чиқиндилар миқдори;
- кўчмас (стационар) ва ҳаракатдаги манбалардан ташланаётган қаттиқ заррачали чиқиндилар миқдори (умумий ва соҳалар бўйича);
- энергия ишлаб чиқариш билан боғлиқ  $\text{SO}_2$  ва  $\text{NO}_x$  чиқиндиларни ташлаш суръатининг ортиши;
- аҳоли жон бошига ифлослантирувчи моддаларнинг ташланиши;
- ҳаво ифлосланиши юқори кўрсаткичга эга шаҳарлардаги аҳоли сони;
- чиқиндилар ташлашни камайтириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижалари.

Юқорида берилган индикаторлар барча ифлослантирувчи манбалардан антропоген таъсир натижасида атмосфера ҳавосига тушадиган «юк»ни ифодалайди.

#### *Иқтимум ўзгариши:*

- 1) озон қатламини емирувчи моддаларнинг ишлатилиши;
- 2) ёғинлар;
- 3) кор қоплами;
- 4) иссиқхона газларининг чиқарилиши ва уларни мақсадли кўрсаткичлар билан тақосслаш (агар улар кўрсатилган бўлса);
- 5) 2010 йилда башорат қилинган «иссиқхона газлари»нинг ташланиши ҳамда мақсадли кўрсаткичлар билан солиштириш натижалари;
- 6) ичимлик сувининг етишмаслиги индекси;
- 7) орол денгизи денгизи сатҳининг ўзгариши;

#### *Сув ресурслари:*

- 8) умумий сув истеъмоли, жумладан фойдаланиш турлари бўйича;
- 9) чучук сув захиралари (ер усти ва ости сувлари);
- 10) коммунал хўжалигидаги сув сарфи;
- 11) умумий сувдан фойдаланиш (ер усти ва ер усти сувлари);
- 12) кишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш;
- 13) ичимлик сув истеъмоли индекси (аҳоли жон бошига)
- 14) сув омборларидағи умумий сув захиралари;
- 15) саноатда сувдан фойдаланиш;

- 16) сугоришга сарфланган сувлар (қишлоқ хўжалигида);
- 17) сувдан қайта-айланма фойдаланиш миқдори;
- 18) ичимлик сувининг сифати (стандартга тўгри келмайдиган на-  
муналар сонининг миқдори);
- 19) органик моддали чиқиндиларни кислороддан биокимёвий  
фойдаланиш усули билан аниқлаш;
- 20) ер усти сувларида кислород ва аммонийларни биокимёвий  
фойдаланиш усули билан аниқлаш;
- 21) ер усти сувларидаги озуқа моддалар миқдори (нитрат ва фосфат);
- 22) шаҳар оқова сувларини тозалаш станцияларидан озуқа модда-  
ларининг ташлаб юборилиши (нитрат ва фосфат);
- 23) умумий оқава сувлардан тозаланмаган сувларнинг ташланган  
миқдори;
- 24) ер ости сувларидаги нитрат миқдори;
- 25) хавфли моддалар сақловчи саноат чиқиндиларининг таипла-  
ниши;
- 26) ер усти сувларидаги хавфли моддалар;
- 27) ер ости сувлари таркибидаги пестицидлар миқдори;
- 28) ер ости сувлари таркибидаги бошқа хавфли моддалар миқдори;
- 29) ер усти сувлари классификацияси (сувларнинг ифлосланиш  
индекси бўйича СИИ).

*Ер ресурслари:*

- 30) тупроқнинг пестицидлар билан ифлосланиши;
- 31) шамол ва сув эрозиясига учраган қишлоқ хўжалик ерлари-  
ниш улуши;
- 32) қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш миқдорининг ўзга-  
риши;
- 33) минерал ўғитлардан фойдаланиш миқдори;
- 34) пестицидлардан фойдаланиш.

*Биологик ресурслар:*

- 35) кўриқланадиган табиий худудларнинг умумий майдони;
- 36) табиий ўрмонлар;
- 37) «қизил китоб»га киритилган, йўқолиб бораётган ҳайвонлар  
турларининг улуши;
- 38) «қизил китоб»га киритилган йўқолиб бораётган ўсимликлар  
турларининг улуши.

**Энергетика:**

- 39) ёкилги турлари бўйича энергиянинг умумий истеъмоли;
- 40) умумий энергия ҳажми (ЯИМ бирлигига ажратилган энергия истеъмоли);
- 41) қайта тикланувчи энергия истеъмоли;
- 42) қайта тикланувчи энергия манбаларидан электр энергиясининг ишлаб чиқилиши;

**Чиқиндилар:**

- 43) чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши;
- 44) захарли (токсик) чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши;
- 45) саноат чиқиндиларининг ҳосил бўлиши;
- 46) хавфли чиқиндиларни трансчегаравий ташиш;
- 47) чиқиндиларни утилизация қилиш (жами);
- 48) чиқиндилар ҳосил бўлишининг кўпайиши (ЯИМ бирлигига умумий чиқиндилар миқдори);
- 49) майший чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши;
- 50) чиқиндилардан иккиламчи фойдаланиш;
- 51) чиқиндиларни қайта ишлаш қуввати.

**Ўзбекистон учун қўшимча экологик индикаторлар мажмуси.** Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда Орол дengизи атрофида яшовчи аҳолининг саломатлигини эътиборга олган ҳолда индикаторлар рўйхатига яна қўшимча бўлимлар киритилган.

**Атмосфера ҳавоси:**

- 1) ифлослантирувчи моддаларнинг умумий миқдори  
Соҳалар бўйича:
  - кўчмас (стационар) манбалардан;
  - ҳаракатдаги манбалардан.
- 2) ифлослантирувчи моддаларнинг ташланиши аҳоли жон бошига (шахарларда мунтазам кузатишлар натижалари);
- 3) шахарларда атмосфера ҳавосининг ифлосланиш индекси.

**Иқлим ўзгариши:**

- 4) ҳаво ҳароратининг базавий нормалардан фарқланиши.

**Сув ресурслари:**

- 5) ер ости сувларининг тасдиқланган амалдаги захиралари;
- 6) ер ости сувларининг ифлосланиши.

***Ер ресурслари ва тупроқ:***

- 7) қишлоқ хўжалигига ажратилган ерлар (шу жумладан, томорқа ерлари), шундан суғориладиган ерлар;
- 8) суғориладиган ерлардан фойдаланиш, экинлар бўйича;
- 9) пахта ҳосилдорлиги;
- 10) суғориладиган ерларда экинлар турининг тупроқлар унумдорлигини яхшилаш талабларига мос келиши;
- 11) суғориладиган ерларнинг сифати;
- 12) сув босган ҳудудлар;
- 13) суғориладиган ерларнинг шўрланиши;
- 14) яйловларнинг дегредацияланиши;
- 15) ҳудуднинг радиацион ифлосланиши;

***Биохилмажиллик:***

- 16) ўрмон фондининг жами ерлари, шундан ўрмон билан қопланган ерлар;

17) ер майдонларини ҳимоя қилиш учун ажратилган ўсимликлар.

***Орол денгизи:***

18) денгизнинг куриган қисмида ўрмонларнинг барпо қилиниши.

***Соглиқни сақлашнинг ҳолати:***

- 19) аҳолининг умумий касалланиши;
- 20) аҳолининг умумий ўлим кўрсаткичлари;
- 21) болаларнинг касалланиш кўрсаткичлари (14 ёшгача бўлган болаларда);
- 22) болаларнинг ўлим кўрсаткичлари (1 ёшгача бўлган болаларда);

23) озиқ-овқат талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотлар, СанПиНнинг 0138-03 ва 0109-01-сонли стандартлари бўйича.

Ҳар бир индикатор учун бажарувчилар билан келишилган қўллаш муддати бўлиб, ўз навбатида, муддатлар куйидагиларга бўлиниади:

- киска муддатли (78 та индикатор) амалиётга татбиқ қилиниши муддати 2005 йилгача;
- ўрта муддатли (8 та индикатор) амалиётга татбиқ қилиниши муддати 2007–2008 йилгача;
- узок муддатли (5 та индикатор) амалиётга татбиқ қилиниши муддати 2010 йилдан кейин;

– асосий индикаторларни танлаб олиш учун мезонлар: миллий экологик устуворликлар билан боғлиқлик; халқаро экологик сиёсат билан боғлиқлик; ўлчовлилик вақт буйича маълумотлар қаторининг мавжудлиги.

Барча танланган индикаторлар миллий даражаларда экологик вазиятни баҳолаш, мониторинг қилиш жараёснида унинг ўзгариш динамикасини кузатиш имконини беради.

Таклиф қилинаётган индикаторлар нафақат Ўзбекистоннинг атроф-муҳит ҳолатини баҳолашга, балки мамлакатнинг экологик сиёсатини ишлаб чиқиши ва шу соҳага оид муҳим қарорлар чиқаришга имкон беради.

Шу билан бирга, мониторинг олиб бориш, назорат қилиш тизими-ни такомиллаштириш мақсадида бальзи индикаторларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши ҳам мумкин.

## 4-боб. ҚУЙИ ЗАРАФШОН ОКРУГИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ИНДИКАТОРЛАРИ

### 4.1. Қуи Зарафшон табиий округи ўзига хос барқарор ривожланиш объекти сифатида

Қуи Зарафшон округи – Зарафшон дарёсининг қуи қисми, дарёнинг қадимги ва хозирги дельталари ҳамда Сандиқли қумлари, Жарқоқ, Сеталантепа баландликлари ҳамда унинг атрофидағи текис-ликлардан иборат бўлган жами 40 000 км<sup>2</sup> га яқин майдондан иборат.

Округнинг табиий географик хусусиятларини изоҳлашдан олдин республикамиз ҳудудининг районлаштирилишини (табиий географик) қуийдагича тавсифлаш мумкин.

Комплекс табиий географик районлаштириш – табиий географиянинг энг муҳим биринчи даражали муаммоларидан бири ҳисобланади. Табиий географик районлаштиришнинг илмий жиҳатдан пухта асосланган принципи, услуби ва таксономик бирлиги (схемаси) факат илмий аҳамиятга эга бўлишдан ташқари ҳалқ ҳўжалигининг турли соҳалари учун ҳам амалий аҳамиятга эга бўлиши керак. Чунки табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиб, ҳалқ ҳўжалигини интенсив ривожлантириш, ҳалқ ҳўжалик тармоқларини ихтисослаштириш, энг аввало, ҳудуд табиати ичидаги тафовутларни ҳар томонлама ва илмий жиҳатдан пухта билишни тақозо этади. Табиий географик районлаштириш бу ҳудудда маълум қонуният асосида жойлашган ва табиатда объектив мавжуд бўлган, бир-биридан табиий хусусиятлари жиҳатидан фарқланадиган ҳар хил табиий ҳудудий комплексларни аниқлашдир.

Маълум ҳудудни табиий географик жиҳатдан районлаштирища тадқиқотчилар ҳар хил услублардан фойдаланишлари мумкин. Уларнинг энг муҳимлари: турли хил ҳариталарни бир-бирига тақослаш услуби, ландшафт ва типологик комплекслар ҳариталардан регионал бирликларни аниқлаш услуби; характерли ландшафт комплексларининг устунлик услуби; картографик услуб; табиий географик бирликларни бевосита дала (жойда) аниқлаш услублари.

Табиий географик районлаштиришнинг яна бир муҳим томони бу районлаштиришнинг таксономик бирликлари (чиҳзаси)дир. Шу вактгача Ўзбекистон ҳудудини районлаштиришнинг ҳамма қабул қилган ягона таксономик бирлиги мавжуд эмас.

Ўзбекистон ҳудудини табиий географик районлаштириш билан олимлардан Л.С. Берг (1913), С.И. Аболин (1929), В.М. Четиркин (1944); Э.М. Мурзаев (1953, 1958), П.С. Макеев (1956), Л.Н. Бабушкин, Н.А. Когай (1964) шуғулланганлар ва ўз таксономик бирликларни тавсия этганлар. Булар ичидаги Л.Н. Бабушкин, Н.А. Когайларнинг районлаштириш тизими дикқатга сазовордир.<sup>35</sup> Чунки уларнинг табиий географик районлаштириш тизими Ўзбекистон ҳудудининг ҳамма қисмини тўлигича қамраб олган.

Л.Н. Бабушкин, Н.А. Когай Туркистоннинг бир қисми ҳисобланган Ўзбекистон ҳудудини табиий географик районлаштиришда қуидаги таксономик бирликлар тизимини қўллади: мамлакат (ўлка) – провинция – провинцияча – округ – район – ландшафт.

Уларнинг районлаштириш тизимига кўра Ўзбекистон ҳудудининг асосий қисми Турон провинциясига киради. Л.Н. Бабушкин, Н.А. Когай Турон провинциясини текислик ва тоғолди – тоглик деб икки провинциячага ажратади. Текислик провинциячасига Устюрт, Куйи Амударё, Қизилқум ва Куйи Зарафшон округларини; тоғолди – тоглик провинциячасига эса Ўрта Сирдарё, Фарғона, Ўрта Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхондарё округларини киритади. Ҳар бир округ ўз навбатида районларга, районлар эса ландшафтларга бўлинади.


Маълумки, Ўзбекистон ҳудудининг асосий қисми Турон табиий географик провинцияси, Устюрт платоси эса Марказий Қозогистон провинциясида киради. Демак, Ўзбекистон ҳудуди Турон провинциясининг бир қисми ҳисобланиб, табиий комплекслари фарқи унинг текислик қисми билан тоғолди ва тоғларида яққол кўзга ташланади. Бинобарин, Ўзбекистон ҳудудини текислик ва тоғолди тоғ деб икки та провинциячага ажратиш мақсаддага мувофиқ.

Ҳар бир провинцияча ўз навбатида бир-биридан геологик, геоморфологик хусусиятлари, орографик ва гипсометрик шароитлари ҳамда бошқа табиий элементлари жиҳатидан фарқланувчи йирик табиий ҳудудий комплексларга – округларга бўлинади.

<sup>35</sup> Л.Н. Бабушкин, Н.А. Когай. Физико географический районирования Т.: ТГУ, 1964 г. С 247.

Ўзбекистоннинг тоголди тоғ провинциячаси Тошкент – Мирзачўл, Фарғона, Ўрта Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Ғарбий Тяншан, Туркистон – Нурота, Ҳисор – Зарафшон ва Боботоғ каби округларга, текислик провинциячаси эса Устюрт, Куйи Амударё, Қизилқум ва Куйи Зарафшон каби округларга бўлинади<sup>36</sup> (4.1.1-расм).

Округ шимол ва ғарбдан Қизилқум округи, жануб ва жануби-шарқдан Амударё ўзани билан чегараланган. Шарқий чегара Қашқадарё ва Ўрга Зарафшон округларининг оч бўз тупроқли ҳудудларининг қуий чегараси буйича шартли равишда ўтказилади<sup>37</sup> (Баратов, 2002).



*4.1.1-расм. Ўзбекистон ҳудудини табиий географик районлаштириши картаси*

Бу округ Зарафшон дарёсининг қуий қисмидаги Бухоро ва Коракўл делталарини ўз ичига олиб, шарқда Ўрта Зарафшон округидан кенглиги 2–4 км келадиган Хазар йўлаги орқали ажралиб туради.

<sup>36</sup> Атлас Ўрта Осий ва Ўзбекистон Т.: Картография, 2005. – Б.34.

<sup>37</sup> Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси – Т.: Ўқитувчи, 1996 й.

Кўйи Зарафшон округини шимолдан ва гарбдан Қизилкум округи, жануби-гарбдан Сандуқли қумлиги, жанубдан Эшакчи қумлиги, шарқдан Қизилтепа, Азкамар, Кўйимозор, Қайноғоч, Куштепа ва Кўмсултон баландликлари ўраб туради.

Кўйи Зарафшон округининг рельсфи бир хил эмас. У Хазар йўлагида торайиб, сўнг Абумуслим тепалигига Зарафшон водийси кенгайиб, Шоптоли кишлогига жануби-гарбга қараб кенгайиб, Бухоро дельтасини ҳосил қиласди. Бухоро дельтасининг шимолдан ва гарбдан Қизилкум ўраб олса, шарқдан Қизилтепа (362 м), Азкамар (372 м), Кўйимозор (216 м), Қайнароч (322 м) баландликлари, Куштепа ва Қўмсултон тепаликлари, жануби-шарқдан эса Коракўл баландлиги ўраб туради.

Бухоро дельтасининг узунлиги 102 км, ўртача кенглиги 50–55 км, энг кенг ери 70 км га боради. Бу қисмда Зарафшон водийсининг баландлиги гарбидаги 200 м, шарқидаги эса 250 м атрофида ўзгаради. Бухоро дельтаси жануби-гарбга бироз нишаб бўлган текислик хисобланиб, суғориш шохобчалари орқали бир қанча қисмларга бўлинган. Суғориш шохобчалари ёнида эса нисбий баландликлари 2–8 м га стувчи марзалар вужудга келган.

Бухоро дельтасида Зарафшон дарёсининг тўртта қайири жойлашган. Биринчи қайири дарёнинг ҳар икки қисмида жойлашиб, нисбий баландлиги 1–1,5 м, кенглиги эса 1,5–2 км. Иккинчи қайирнинг нисбий баландлиги (дарё ўзанидан) 2–5 м бўлиб, кенглиги 6 км дан, баъзи жойларда (Бухоро шаҳри меридианида) 50 км га етади. Учинчи қайири эса унча кенг бўлмасдан, билинار-билинмас иккинчи қайирдан кутарилиб турувчи аллювиал текисликлардан иборат. Ниҳоят тўртинчи энг эски қайири Бухоро дельтасини ўраб олган Автобач, Қизилтепа, Кўйимозор платоларида жойлашган.

Бухоро дельтаси жануби-гарбга қараб яна пасайиб, торайиб боради ва Чандир қишлоғи яқинида водий торайиб, ҳар икки томонида Коракўл платоси яқинлашади. Бу қисмда Коракўл платосининг нисбий баландликлари 15 м га етади. Лекин Зарафшон дарёси бу платони кесиб, тор (кенглиги 0,5–1,0 км) Коракўл йўлагини ҳосил қиласди. Коракўл йўлаги ўз навбатида Бухоро дельтасини Коракўл дельтасидан ажратиб туради.

Бухоро дельтасининг жануби-гарбидаги Оғор қишлоғи ёнида Зарафшон дарёсининг қадимиий қуруқ ўзани Махандарё ажратиб

чиқиб, Лукли кўлигача тахминан 80 км га чўзилади. Махандарё ўзанида бир қанча ботиқлар жойлашиб, улар зовур сувлари билан тўлиб, Чукуркўл, Маханкўл, Ўртакўл ва Чандиркўллар ҳосил бўлган. Махандарё ўзанидан Маханкўл ёнида Гужайли ўзани ажралиб чиқиб, гарбга қараб давом этади ва Қоракўл платосини кесиб ўтиб, Замонбобо кўлигача давом этади. Ҳозир бу эски ўзанлар зовур вазифасини ҳам ўтайди. Махандарё ва Гужайли ўзанлари атрофларида кичик қумликлар ва нисбий баландликлари 7–15 м га етувчи қирлар жойлашган.

Бухоро дельтасининг шарқида ҳам бир неча ботиқлар жойлашиб, улар ҳозир сув билан тўлиб, Тўдакўл ва Куйимозор сув омборига айланган.

Зарафшон водийси Қоракўл йўлагидан ўтгач жануби-гарбга қараб яна кенгаяди ва Қоракўл дельтасини ҳосил килади. Қоракўл дельтаси гарбдан Кимириккўм, жануби-гарбдан Сандуқли чўли, жанубдан Эшакчи қумлари, шимоли-шарқдан зса Қоракўл платоси билан чегараланган. Қоракўл дельтасининг узунлиги 48–50 км, ўтгача кенглиги эса 26–27 км, баъзи жойларда 35–36 км га етади. Ер усти нисбатан текис бўлиб, бироз жануби-гарбга, Амударё водийси томон нишаб бўлиб, мутлақ баландлиги шимоли-шарқида 200 м, жануби-гарбида, Чигакўл ёнида 185 м, Амударё водийсига туташган жойда 178 м га етади.

Қоракўл дельтаси рельефи жиҳатидан Бухоро дельтасидан унча катта бўлмаган, ҳозир шўрхокларга айланган ботиқларнинг ва кичик шўр кўлларнинг кўплиги билан фарқланади. Шунингдек, дельтани эол жараёни натижасида вужудга келган қумликлар ҳар томондан ўраб олган. Бу қумликлар ҳаракатдаги, нисбий баландликлари 5 м га етувчи барханлардан ҳамда мустаҳкам марза қумлардан ташкил топган. Бу қумликлар ичида Зарафшоннинг қадимий ўзанлари ҳам сакланган бўлиб, улар ичида энг муҳими Тойқир ўзанидир.

Қоракўл дельтасида Зарафшон дарёсининг иккита қадимий қайири жойлашган. Биринчи қайири унча кенг эмас – 200 м атрофида, нисбий баландлиги 0,5–1,0 м. Иккинчи қайирининг кенглиги 2–3 км га етиб, нисбий баландлиги 2–3 м. Бу қайирларнинг кўп қисми қишлоқ хўжалик ишларида текисланиб юборилганлиги учун, чегараларини аниклаш анча қийин.

**Иқлими.** Қуий Зарафшон округи ўта арид иқлимий шароитга эга бўлиб, жуда қисқа ва бекарор қиш ҳамда қуруқ, серофтоб, жазира маёни билан тавсифланади. Округ анча жанубда жойлашганлиги туфайли қўёшдан кўп иссиқ олиб, ҳар кв см юзага йилига 140–150 килокалория иссиқлик тушади. Лекин округ шимолдан тоғлар билан тўсилмаганлиги учун қишида шимолдан эсувчи совук, қуруқ ҳаво массалари таъсирида бўлганлиги туфайли январнинг ҳарорати ҳамма қисмида  $0^{\circ}$  дан паст. Қишида, шунингдек, округ ҳудудига шимоли-ғарбдан ва ғарбдан циклонларнинг кириб келиши туфайли ҳарорат бироз илиб, ёғин ёғади, йилнинг совук фаслида Қуий Зарафшонга жануби-ғарбдан тропик ҳаво массалари эсиб, ҳароратни илитиб туради.<sup>38</sup>

Қуий Зарафшон округига ёзда, асосан, шимолдан ва шимоли-ғарбдан нисбатан салқин, нам ҳаво массалари эсиб турса-да, лекин ҳудуд ҳароратининг юқорилиги туфайли уларнинг конденциялашиш жараёни юз бермайди, оқибатда ёғингарчиликнинг кам бўлишига сабаб бўлади.

Қуий Зарафшон округи Ўзбекистон ҳудудининг энг иссиқ қисмларидан бири ҳисобланиб, ўртacha йиллик ҳарорати  $14,2\text{--}15^{\circ}$  атрофида ўзгаради. Июль ойининг (энг иссиқ) ўртacha ҳарорати  $28\text{--}29,6^{\circ}$ , январнинг (энг совук) ўртacha ҳарорати эса  $-0,4$  (Қоракўл),  $-1,5^{\circ}$  (Шоғиркон) атрофида ўзгаради.

Қуий Зарафшон округида баъзан кучли арктика ҳаво массаларининг кириб келиши ва Сибирь антициклонидан эсаётган шимоли-ғарбий ҳаво массасининг туриб қолиши оқибатида ҳарорат совиб кетиб, Когонда  $-25^{\circ}\text{га}$ , Шоғирконда эса  $-20^{\circ}\text{гача}$  тушади. Лекин, ёзда қўёш нурининг тик тушиши оқибатида ҳаво қизиб, ҳарорат  $+45^{\circ}\text{га}$  кутарилади.

Қуий Зарафшон округида баҳорги совук тушишининг ўртacha муддати 24–30 мартарга, кузги биринчи совук тушишининг ўртacha муддати эса 22–25 октябр кунларига тўғри келади. Совук бўлмайдиган давр 204–214 кун давом этади.

Қуий Зарафшон округида ёғинлар ҳудуд ва фасллар бўйича бир хил тақсимланган эмас. Бухоро ва Қоракўл дельтасига бир йилда

<sup>38</sup> Агроклиматические ресурсы Бухарской области. – Ленинград: Гидрометеоиздат, 1972. – С. 120.

114–125 мм ёғин түшса, атрофини ўраб олган қумли чўлда 90–100 мм ни ташкил килади. Энг кўп ёғин (йиллик ёғиннинг 90%) декабр – май ойларига, энг кам ёғин (дeярли ёғмайди) июль – сентябрь ойларига тўғри келади. Энг кўп ёғин март – апрель ойларида содир бўлади. Ёғиннинг кўп кисми ёмғир тариқасида тушади. Бир йилда 30 кун ёмғир ёғса, баъзи йиллари дeярли ёғмайди, баъзи йиллари 10 кун ёмғир ёғади. Баъзан баҳорда ёмғир жала тариқасида тушиб қишлоқ хўжалик экинларига зарар келтиради. Йўл, кўприк, суғориш шохобчаларини бузиб юборади.

Округ худудида қор ҳар йили ёғса-да, узок турмай эриб кетади. Қор декабрь – февраль ойларида ёғиб, ўртача 3–5 кун, баъзан эса 10–13 кун эrimай туради. Қор қоплами юпқа бўлиб, энг совук январь ойидагина қалинлиги 5 см га етади.

Қуйи Зарафшон округи худудига ёзда шимоли-тарбдан Кизилкум томондан қуруқ қизиган шамоллар эсиб, қумларни учириб, экинларга катта зарар келтиради. Бу шамол айниқса, Вобкент, Ғиждувон, Бухоро каби туманларға катта таъсир этади. Шу сабабли бу худудлардаги воҳанни қум босишидан саклаш ва иссик ҳамда қуруқ шамолларнинг йўлини тўсиш учун ўрмон минтақаси барпо этилган.

*Сув ресурслари.* Қуйи Зарафшон округининг асосий сув манбаи Зарафшон ва Амударё ҳисобланади (Аму-Бухоро канали орқали). Округ худудига Зарафшон дарёсининг ўрта ва қуйи оқими қарайди.

Қуйи Зарафшон округидаги ерларни суғориши ишларини яхшилаш мақсадида Аму-Бухоро канали (узунлиги 268 км, йиллик сув сарфи секундига  $235 \text{ м}^3$ ) орқали Амударё суви келтирилган. Аму-Бухоро канали Амударё сувини Олот, Қоракўл ва Ҳамза насос станциялари ёрдамида 66 метрга кўтариб беради. Аму-Бухоро каналидан Аму-Қоракўл (узунлиги 40 км, сув сарфи секундига  $42 \text{ м}^3$ ) канали ажralиб, сўнгра Қоракўлдарёга бориб туташади. Аму-Бухоро канали эса Шоҳруд ариғига ва Қуйимозор сув омборига туташиб кетади. Аму-Бухоро канали орқали Амударё суви Тўдакўлга ҳам етиб, уни сув билан таъминлаб туради.<sup>39</sup> Қуйи Зарафшон округидаги сугориладиган ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 60 дан ор-

<sup>39</sup> Х.Р. Тошев. Чўл ландшафтлари ва уларнинг агроимкониятларидан самарали фойдаланиш (Бухоро вилояти мисолида) Геогр. фан. номз. илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. 2008 й.

тиқ (энг муҳимлари Денгизкўл, Шўарик, Ёмонжар, Шимолий Бухоро, Махан каби) зовурлар казилган.

Куйи Зарафшон округидаги ерларни сугориш учун йилига Зарафшон ва Амударёдан 4,3–4,5  $\text{km}^3$  атрофида сув олинади. Ушбу миқдордан 0,86  $\text{km}^3$  ёки 20–21% коллектор-дренаж сувлари хосил бўлади ва улар сугориладиган миңтақадан ташкаридаги табиий пасткамликларга чиқариб ташланиши натижасида бир неча ташлама сунъий кўллар вужудга келган.

Куйи Зарафшон округида эски ўзанларда вужудга келган Денгизкўл, Хожиакоб, Куркўл, Сомонкўллардан ташқари зовур сувларини ташлаш туфайли Тўдакўл, Шўркўл, Каттакўл, Маханкўл, Қоракиркўл, Парсанкўл, Замонбобо каби кичик ташлама кўллар ҳам вужудга келган. Бу кўлларда йилига 0,8–1,0  $\text{km}^3$  зовур-дренаж шўр сувлари тўпланади. Бу зовур сувларининг бир қисми ҳозир Маханкўл зовури орқали Амударёга бориб қўйилмоқда. Юкорида қайд қилинган кўлларниң энг каттаси Тўдакўл ҳисобланиб, ундан ҳозир сув омбори сифатида фойдаланилмоқда. Чунки унга Аму-Бухоро каналининг фойдаланишдан қолган суви йигилади. Тўдакўл сув омборининг максимал сув ҳажми 1,0  $\text{km}^3$  ни ташкил қиласди.

Куйи Зарафшон округидаги кўллардан йилига 510 млн  $\text{m}^3$  зовур сувлари буғланиб кетиб, кўлларда ҳар хил тузлар миқдори йил сайн ортиб бормоқда.

Куйи Зарафшон округида Куйимозор сув омбори ҳам жойлашган. Бу сув омбори Куйимозор ботигида бунёд этилиб, асосан Зарафшондан ҳамда Аму-Бухоро канали орқали Амударёдан сув олади. Сув омборининг майдони 6  $\text{km}^2$ , энг чуқур ери 22,8  $\text{m}$ , ўргача чуқурулиги 16,8  $\text{m}$ , сув сифими 350 млн  $\text{m}^3$ .

Куйи Зарафшон округида ер ости сувлари, хусусан, грунт сувлари 1–60  $\text{m}$  чуқурликларда жойлашган. Бу аввало округ рельефига, неоген ва тўртламчи давр ётқизикларининг қалинлигига боғлиқ. Округнинг шаркй қисмida грунт сувлари 10  $\text{m}$  чуқурликда жойлашиб, силжиши яхши, бинобарин, нисбатан чучук бўлиб, тупроқлари кам шўрланган. Лекин жануби-гарбга қараб – Бухоро ва Қоракўл дельтаси томон грунт сувлари ер бетига яқинлашиб, шўрлиги ортиб, бир литр сувида 10 граммгача ҳар хил тузлар учрайди. Энг шўр грунт сувлари Бухоро – Қоракўл дельтасининг ички қисмидаги ботикларда

үчраб, минералланиш даражаси ҳар литр сувда 15 граммгача этади.<sup>40</sup>

Қуий Зарафшон округининг атрофини үраб олган Саритош, Тошкудуқ, Денгизкүл, Коракүл ва Газли платоларида грунт сувлари энг шўр бўлиб, 60 метргача чуқурликда жойлашган. Бу ерларда грунт сувининг шўр бўлиш сабаби таркибида туз сақловчи неоген ётқи-зикларининг мавжудлигидир.

Қуий Зарафшон округида нисбатан чучук грунт сувлари Махандарё ва Гурдуш каби куруқ ўзанларда жойлашиб, чуқурлиги 3–10 м, шўрлиги эса ҳар литрида 1–4 граммни ташкил этади.

Округда жойлашган грунт (сизот) сувлари асосан суғориладиган минтақадан, Зарафшон дарёсидан шимилиш ҳисобига ҳамда ёғиндардан тўйиниб туради. Маъдумотларга кўра, Бухоро – Коракүл дельтасида ҳар йили 1 км<sup>3</sup> грунт суви вужудга келиб, шунинг 77 фоизи буғланишга сарфланади, 9% зовурлар орқали суғориладиган минтақадан чиқариб ташланади, 1 % Зарафшон ўзанига ташланади, қолган 13% эса дельта ва атрофидаги платолар томон тарқалиб кетади. Кўриниб турибдики, грунт сувларининг асосий қисми буғланишга сарфланиб, ундаги ҳар ҳил тузлар тупроқ таркибида тўпланиб, унинг мелиоратив ҳолатини ёмонлаштирмақда, бинобарин, Бухоро – Коракүл дельтасида тупроқ шўрини қочириш учун қўшимча зонур-дренажлар куришни, тупроқни ювиб туришни тақозо этади.

Қуий Зарафшон округида яна юра, бўр ва палеоген давр ётқи-зиклари орасида босимли, минерал ер ости сувлари жойлашиб, Бухоро – Қарши артезиан хавзасига киради. Окруғда қатламлар орасида босимли сувлар 1000–1500 м чуқурликларда, асосан, Юра даври оҳактош ва қумтошлари орасида жойлашган бўлиб, минераллашган. Бундай ер ости сувлари Газли, Жарқоқ, Тошкудуқ каби жойларда қазилганда ўзи отилиб чиқиб, сарфи баъзи жойларда (Жарқоқ ва Газлида) секундига 20 литргача, минераллашиш даражаси 1–10 граммгача боради. Босимли минераллашган ер ости сувлари аксариятининг минераллашиш даражаси 2 г/л га бориб, ундан шаҳар ва қишлоқ аҳолисини ичимлик сув билан тъминлашда фойдаланса бўлади.

**Тупроқлари.** Қуий Зарафшон округида ер усти тузилиши, ётқи-зиклари, ер ости сувининг хусусиятлари каби табиий элементлар

<sup>40</sup> А.Б. Ниёзов ва бошқалар. Бухоро экологияси ва табиий даволаниш масканлари. – Бухоро: Бухоро. 2010. – Б.151.

таъсирида турли хил тупроқ турлари жойлашган. Округда энг кўп тарқалган тупроқ турлари сурқўнғир (кумлок, такир, шўрхок, ўтлок такир, суғориладиган ўтлок, суғориладиган ўтлок аллювиал, ўтлок) ва ботқоқ тупроклариридир<sup>41</sup>.

Сурқўнғир тупроқ турлари Бухоро – Коракўл дельтасининг баъзи жойларида, дельтани ўраб олган Қизилтепа, Денгизкўл, Азкамар, Тошкудук, Қоракир, Коракўл каби плато ва баландликларда жойлашиб, чиринди миқдори кам ( $0,5\text{--}0,7\%$ ), чиринди сақловчи қатлам юпқа ( $20\text{--}70$  см), таркибида гипс, ҳар хил тузлар мавжуд.

Куйи Зарафшон округининг ёндош қисмларида яъни Кизилкўм, Кимиреккўм, Сандуқли, Эшакчи қумликларига туташган жойларида, дельтанинг ички қисмларидағи баъзи кичик худудларда гил кумлок ва қумли тупроқлари кенг тарқалган. Бу тупроқ турларида чиринди жуда кам бўлиб,  $0,3\text{--}0,4\%$  ни ташкил этади.

Бухоро – Коракўл дельтасининг четларида такир тупроқлари учрайди. Шунингдек, такир тупроқлар қадимий Дарёсой ўзанида ҳам мавжуд бўлиб, таркибида гипснинг миқдори  $7\text{--}9\%$  га, гумус миқдори эса жуда кам бўлиб,  $0,5\%$  гача боради. Такир тупроқлари шунингдек, қадимий сугорилган жойларда, ҳусусан Варахша ҳаробасида ҳам учрайди.

Куйи Зарафшон округининг деярли ҳамма қисмида шўрхоклар учрайди. Шўрхоклар, айниқса, Бухоро – Коракўл дельтасининг пастқам, грунт (сизот) суви юза бўлган жойларида ҳусусан Шўркўл, Денгизкўл, Хожақоб, Тўдакўл ботиқларида, Гурдуш, Маханкўл, Тай-кир куруқ ўзанларида кенг тарқалган. Шўрхок тупроқлар шунингдек, сугориладиган миңтака ичидагрунт суви юза, лекин, зовур-дренажлар яхши ишламайдиган жойларда ҳам учрайди.

Куйи Амударё округининг воҳа қисмида асосан сугориладиган ўтлок (ўтлок - воҳа), сугориладиган ўтлок-аллювиал тупроқлар жойлашган. Бу тупроқ турлари ишлов берилиши туфайли табиий ҳусусиятларини ўзгартириб, ўтлок воҳа тупроғига айланган. Бундай тупроқ турлари таркибида чиринди миқдори  $1,5$  дан  $4\text{--}6\%$  гача боради. Айниқса, сугориладиган ўтлок соз тупроқ турида гумус кўп бўлиб,  $6\%$  га етади.

<sup>41</sup> Почвы Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1975. – 224 с.

Бухоро – Қоракўл дельтасида ўтлок ва ботқоқ тупроқ турлари грунт суви ер бетига яқин ( $0,5\text{--}1,0$  м чукурда) бўлган Зарафшон дарёси қайрида тоғ лента ҳосил қилиб жойлашган.

Шундай қилиб, юқорида қайд қилингандардан маълумки, Қуйи Зарафшон округидаги суғориладиган тупроклар ер ости сувларининг юзалиги, бугланишнинг катталиги туфайли у ёки бу даражада шўрлашган бўлиб, ўз навбатида уларнинг мелиоратив ҳолатини доимо яхшилаб туришни талаб этади.

*Ўсимлик дунёси.* Қуйи Зарафшон округининг ўсимликлари ҳам табиат ресурсларига (рельефи, иқклими, ер ости сувлари ва тупроқ қатлами хусусиятларига) боғлиқ ҳолда бир хил тарқалган эмас. Академик Қ.З. Зокиров Зарафшон водийсининг бу қисми ўсимлик қопламини қўйидаги жамоаларга ажратган: қумли, гипсли, шўрхок ва тўқай.<sup>42</sup>

Қумли чўллар воҳанинг атрофида жойлашиб, псаммофит ўсимлик турлари учрайди.

Оқ саксовул Қоракўл дельтасининг ғарбида, Сандуқли кумлигидаги мустаҳкамлашган марза ва дўнг қумликларда ўсади. Бундан ташқари, бу ерларда жузғун, қуёнсуяқ, черказ, илоқ каби ўсимликлар ҳам учрайди.

Оқ ва қора саксовул Бухоро дельтасининг ғарбий қисмида учраб, оқ саксовул қумли ерларда, қора саксовул эса ботиқлардаги шўрхок тупрокли ерларда ўсади. Шунингдек, бу жойларда шувоқ, шўралар ҳам учрайди.

Жузғун жамоаси Бухоро воҳасининг ғарбий ва шарқий қисмидаги, Қоракўл воҳасининг жануби-шарқий қисмидаги кичик марза ўсимликларда жойлашган. Жузғун билан бирга яна қуёнсуяқ, селен, оқ шувоқ, илоқ каби ўсимликлар ҳам ўсади.<sup>43</sup>

Черказ жамоаси Қоракўл дельтасининг жануби шарқидаги Маҳандарё қуруқ ўзанидаги кичик умр дўнгларида учраб, яна жузғун, қуёнсуяқ, эркак селен ва Маҳандарё ўзанида эса жингил, бир йиллик шўралар ўсади.

Қуёнсуяқ жамоаси Қоракўл воҳасининг жанубидаги ҳаракатдаги қумликларда учрайди. Бундан ташқари, оқ саксовул, черказ, жузрун, эркак селен, илоқ кичик дўнг қумларда эса сингрен, партек ўсади.

<sup>42</sup> К.З. Закиров. Флора и растительность бассейна реки Зеравшан. – Т.: Изд-во Академии наук Узбекской ССР, 1955. – 205 с.

<sup>43</sup> Растительный покров Узбекистана. – Т.: Фан 1971.

Округнинг гипсли чўлларида сингрен, партек, шувоқ, боялиш, кейреук, литр (ер тезак) каби ўсимликлар формацияси учрайди.

Сингрен жамоаси Бухоро воҳасининг шимоли-ғарбий хамда жануби-ғарбий қисмида, Қоракўл воҳасининг шимоли-ғарбий қисмидаги сурқўнгир тупрок турлари жойлашган ерларида учрайди. Бу қисмда сингрендан ташқари, яна шувоқ, партек, янтоқ ўсади.

Партек жамоаси унча баланд бўлмаган тепаликларда тошлоқли сурқўнгир тупроқлар тарқалган жойларда ўсади.

Шувоқ жамоаси округда энг кўп тарқалган ўсимлик тури бўлиб, асосан Бухоро – Қоракўл дельтасининг сурқўнгир тупроқ тарқалган қисмида учрайди. Шунингдек, яна жузғун, партек, сингрен, оқ саксовул ҳам ўсади.

Бухоро воҳасининг ғарбий қисмида боялиш жамоаси тарқалган. Бу қисмда боялишдан ташқари яна жузғун, партек, илоқ ҳам учрайди.

Бухоро воҳасининг қадимий аллювиал текислик қисмида, қадимиий суғорилған такирли тупроқлар тарқалган қисмида кейрек жамоаси тарқалиб, яна шувоқ, ертезак (титр), боялиш каби ўсимликлар ҳам ўсади.

Бухоро дельтасининг шўрлашган сурқўнгир тупроқлар тарқалган қисмида титр (ер тезак) тарқалган. Шунингдек, яна карабарак, бир йиллик шўралар, янтоқ, қора саксовул ўсади<sup>44</sup>. Қуйимозор сув омборининг шимоли-шарқий қисмида ва округнинг шўрхок жойларида шўрхок чўлга мослашган ўсимликлар – сарсазан, жингил, ермак кабилар ўсади. Ўтлок шўрхок тупроқлар тарқалган жойларда ажриқ кенг тарқалган.

Зарафшон дарёсининг янги қайрида ва қуий қайрида, Махандарё, Тойқир, Сарибозор каби эски ўзанларида, кўллар атрофларида тўқай ўсимликлар тури мавжуд.<sup>45</sup> Тўқайларда турангил, жийда, тол, лоҳ, қамиш, чингил, янтоқ, юлғун каби ўсимликлар ўсади. Қуий Зарафшон округининг воҳа қисмида сугорилиб, дехқончилик қилинадиган катта қисмида табиий ўсимликлар йўқ килиниб, маданий экин далаларига айлантирилган.

<sup>44</sup> Х.Х. Гузиров. Сорная растительность залежей и полевых культур Бухары. Вредные и полезные дикорастущие растения Бухарского оазиса. – Ташкент: Фан, 1968. – С. 52–90.

<sup>45</sup> А. Файзиев, И. Назаров. Жануби-ғарбий Кизилкумнинг энDEMик ўсимликлари ва уларни муҳофаза қилиш. Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 21-жилд. – Ташкент: 2000. – Б.65–66.

*Ҳайвонот дүнәси.* Қуий Зарафшон ҳайвонлари чўлга хос бўлган вакиллар билан тавсифланиб, узоқ давом этган жазирама, қурук, серофтоб ёзга мослашган. Округда каламушлар, сичқонлар, қўйноёклар, илонлар, калтакесаклар, эчкемарлар ҳар қадамда учрайди. Шунингдек, тулки, бўри, бўрсик, жайрон, жайра, типратикин: тўқайларда чиябўри, тўнғиз, тўқай мушуги, қирғовул кабилар яшайди.<sup>46</sup> Тўдакўл, Қуимозор сув ҳавзаларида ва кўлларда эса балиқлар, қушлар (ўрдак, гоз) яшайди. Округнинг ўзлаштирилмаган қисмида ҳашаротлардан коракурт, фаланг кабилар хам учрайди.

Қуий Зарафшон округи табиий ресурсларга бой ҳудуд хисобланниб газ, туз, ҳар хил қурилиш ҳом ашёлари конлари мавжуд, Қуий Зарафшон округи ўз навбатида Бухоро Қоракўл, Газли, Сандуқли табиий-географик районларига бўлинади (Баратов, 1996).

Бухоро Қоракўл табиий-географик райони Зарафшоннинг Бухоро Қоракўл дельтасини ва унинг биринчи ҳамда иккинчи қайирларини ўз ичига олади. Бу район ҳудуднинг кўп қисми суғорилиб, воҳага айлантирилганлиги туфайли округдаги ёзи энг салқин (июлнинг ўртача харорати  $19,5^{\circ}$ ), қиши эса нисабатан илик (январнинг ўртача харорати  $-0,5^{\circ}$ ) ҳудуди хисобланади.  $+10^{\circ}$  дан юқори бўлган даврдаги хароратнинг йигиндиси  $5150^{\circ}$  га етади.

Район таркибида куйидаги ландшафтлар мавжуд. Суғориладиган ўглок аллювиал тупроклар тарқалган ландшафт. Бу ландшафт Бухоро ва Қоракўл дельтасидаги суғориладиган ерларни ўз ичига олади. Тўқай ўсимликлари ўсадиган ўтлок-такир тупроқли дельта текисликли ландшафт.

Бу ландшафт ўз ичига Махандарё, Гуджайли ўзанларини ва Қоракўл дельтасининг атрофидаги берк ботиқларини олади.

Чўл – кум тупроқли жузғун ўсувчи эол жараёнларида ўзгартирилган ландшафт. Бу ландшафт Бухоро Қоракўл воҳаси орасидаги ва четларидаги қумликларни ўз ичига олади. Бухоро – Қоракўл дельтасининг кичик берк ботиқларини ўз ичига оловчи бир йиллик шўралар ўсувчи шўрхок боткоқлик дельта текисликлар ландшафти.

<sup>46</sup> П.Б. Баратов. Природные ресурсы Зарафшанской долины и их использование. – Ташкент: Фан, 1977. – С.116.

Газли табиий-географик райони округнинг жануби-ғарбий қисмидаги Зарафшоннинг қадимий аллювиалак қумулятив текисликларини ўз ичига олади. Район нисбатан совук қиши (январнинг ўртacha ҳарорати  $-1,5^{\circ}$ ), лекин куруқ, иссиқ (июлнинг ўртача ҳарорати  $+31^{\circ}$ ), ёз билан тавсифланади. Районда қуйидаги ландшафт турлари мавжуд: шувок ўсувчи суркўнгир тупрокли, мезокайназои негизли баландликлар ландшафти. Шувок тарқалган, суркўнгир тупрокли, негизи плиоцен – эски тўртламчи давр жинсларидан иборат бўлган платоли ландшафт. Бу ландшафт асосан Қоракўл платосини ўз ичига олади.

Сингрен ўсувчи, чўл қумок тупроғи тарқалган дельта текисликлар ландшафти. Бу ландшафт асосан Кимирек қумлигини ўз ичига олади.

Жузғун ва оқ саксовул ўсувчи, чўл қумли тупроги тарқалган, эол жараёнида ўзгартирилган дельта текисликлар ландшафти.

Кўл атрофларида ва кичик ботиклардаги ўрхокларда ўсувчи бир йиллик ўралар тарқалган дельта текислик ўрхоклар ландшафти.

Сандуқли табиий-географик райони. Район округининг жануби-шарқий ва шаркий қисми ва у ердаги Сеталитепа, Жарқоқ, Қоровулбозор, Денгизкўл каби платоларини ҳамда Сандуқли қумлигининг бир қисмини олади.

Район Қуи Зарафшон округидаги қиши илиқ (январнинг ўртача ҳарорати  $0^{\circ}$  дан юқори) бўлиб, вегетацияли қиши 70% га етади. Ёзи эса иссиқ (июлнинг ўртача ҳарорати  $+30^{\circ}$ ) бўлиб,  $4-10^{\circ}$  дан юқори бўлган даврдаги ҳароратнинг йигиндиси  $5200^{\circ}$ .

Район таркибида қуйидаги ландшафт турлари учрайди.

Сарисазанли ўрхоклардан иборат, негизи мезокайназои жинслардан ташкил топган берк ботиклар ландшафти. Бу ландшафт Денгизкўл ботигини, Қоракўл шаҳри шарқидаги ботикни ўз ичига олади.

Оқ саксовул тарқалган эол қумли ландшафти. Бу ландшафт дўнга ва бархан қумли жойларни (хусусан, Сандуқли қумлигини) ўз ичига олади.

Сингрен ўсувчи, суркўнгир тупрокли, эол жараёnlар туфайли қайта ўзарган плиоцен – эски тўртламчи давр платолар ландшафти. Бу ландшафтга Денгизкўл платоси ва унинг жанубидаги қумли ер-

лар киради. Шувоқ таркалган, суркўнғир тупроқли плиоцен – эски тўртламчи давр платолар ландшафти. Бу ландшафтга Қўйимозор ва Гўдакўл шўрхогининг шарҳидаги платалар киради.

Шувоқ ўсуви, суркўнғир тупроқли, негизи мезокайназой жинсларидан ташкил топган баландликлар ландшафти. Бу ландшафтга Когон кўтарилмаси, Жарқоқ (узунлиги 12 км, кенглиги 3–4 км), Қоровулбозор (узунлиги 11 км, кенглиги 10 км), Саритош (узунлиги 11–12 км, кенглиги 6–7 км) платолари киради.

Қуйи Зарафшон округининг экологик холатини баҳолаш учун табиий географик, агромелиоратив ва гидромелиоратив районлаштириш (Званкова, 1960; Фуломов, 1966; Мухаммаджонов, 1972; Назаров, 1975; САНИИРИ, 1987, Сув муаммолари институти, 1996–2012; Сабитова, 2002), педо ва биоэкологик хусусиятларини очиб бериш (Рахматов, 1982; Рахимова, 1997; Артиқова, 2005, ТАДИ, 2003–2012), гидроэкологик томонларини ёритиш (Бобомуродов, 2001; Чембарисов, Бахритдинов, 1989; ГЭФ БМТ, 2008; UNDP, 2012; Кулматов, 2010; Расулов, Нигматов, 2014), экологик вазиятнинг «антропоген юк» ва «ер сиғими» кўрсаткичларини ҳисоблаш (Рахматуллаев, 2007), геоэкологик районлаштириш ва прогнозлаш масалаларини аниқлаш (Рафиков, Ҳожиматов, 1996; Аббасов, 2007; Тошев, 2008), чўлларни атроф табиий муҳитга таъсирини (Джабборов ва бошқалар, 2002; Аббасов, 2003), иқлим ўзгариши ва экологик вазият (Чуб, 2003) доир тадқиқотлар олиб борилган.

Қуйи Зарафшон округининг ижтимоий холатини баҳолаш ва келажак истиқболларининг агросоциал хусусиятлари (Акромов, 1966), қишлоқ ҳўжалигини комплекс ташкил қилиш (Гадоев, 1993); қасалликларнинг тарқалиш географияси (Комилова, 1999, 2012), аҳолининг бандлиги кўрсаткичлари (Ата-мирзаев, 2006; Ҳайитов, 2008), Ўзбекистоннинг меҳнат салоҳияти (Қаюмов, Сафаров, Қўчкоров, 1998) бўйича ҳам изланишлар олиб борилган.

Қуйи Зарафшон округининг иқтисодий холатини баҳолаш ва келажак истиқболларининг ижтимоий имкониятлари билан мажмуали регионал ёндошувни баҳолаш (ИПМЭИ ВМ РУЗ, 2012, 2013; Зиявийтдинова, 2006; Чепель, 2014; Шодиев, 2013), сугориладиган срлардан фойдаланишнинг ҳудудий иқтисодий хусусиятлари (Явму-

тов, 2012), иқтисодий пахтачилик хўжаликларида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги (Ахмедов, 1993), чўл шароитида шаҳарларнинг шаклланиш хусусиятлари (Мавлонов, 2010) каби йўналишларда тадқиқотлар олиб борилган.

Юкорида қайд этилган тадқиқотлар ё мамлакат ёинки муайян бир маъмурий ва табиий ҳудудларни алоҳида-алоҳида экологик, ижтимоий-экологик, иқтисодий-экологик, ижтимоий, иқтисодий, иқтисодий-ижтимоий ҳолатини баҳолаш, прогнозлаштириш ва тегишли чора-тадбирларни тавсия этиш нуктаи назардан олиб борилган. Лекин улар БМТнинг Барқарор ривожланиш концепцияси (2012), «Рио-92» ҳалқаро конференциясида қабул қилинган «XXI аср кун тартиби» ва БМТнинг Мингийиллик Саммитларида (2000, 2010) белгиланган инқирозли ҳудудларни барқарор ривожланиш индикаторлари ва баҳолаш талаблари маҳсус тадқиқот обьекти сифатида ўрганилмаган.

Куйи Зарафшон табиий географик округи Орол инқирози, иқлим ўзгариши, тупроқ шўрланиши ва чўлланиш жараёнларини ўзида кескин намоён этаётган, ягона геотизимдаги барқарор ривожланиш индикаторларини табиат ва жамият уйғуналигига олиб боришни талаб этадиган экологик инқирозли ҳудуддир.

Бугунги кунга келиб антропоген ва табиий омиллар таъсирида округда юзага келган геоэкологик муаммолар қуидаги кўрсаткичларда намоён бўлмоқда:

- сув ресурсларининг минералланиш ва ифлосланиш даражаси Республикада рухсат этилган меъёrlар (РЭМ)дан 2-3 баробар ортиклиги. Ер ости сувларининг минераллашуви ўртacha 4000 – 4500 мг/л. Энг юкори кўрсаткич Қоракўл воҳасида 10000 – 15000 мг/л ташкил киласди (Рахматуллаев, 2006);

- аҳолининг сифатли ичимлик суви билан таъминланганлик даражасининг пастлиги, қишлоқ ҳудудларда марказлашган сув таъминоти 79,1 фоизни ташкил қиласди;

- округидаги сугориладиган ер ресурсларининг 90 фоиздан ортиги турили даражада шўрланган;

- Ўзбекистонда тупроқларнинг иккиласми шўрланиш жараёни тезлашмоқда. Бунга сабаб республика бўйича сугориладиган ерларда ер ости сувлари сатҳи ўтган асрнинг 60-йилларига

нисбатан күтарилган. Зарафшон дарёсининг қуи қисмиде ер ости сувларининг сатҳи ер юзасидан 1,5 м чуқурликда ётган майдонлар жами суғориладиган ер майдонларининг 50 фоизини ташкил этади;

- атмосфера ҳавосининг ифлосланиш кўрсаткичлари нисбатан юқорилиги (округнинг шимоли-шарқида аммиак билан ифлосланиш 1,8 фоиз, Бухоро шаҳрида чанглар билан ифлосланиш 2 фоиз);

- округда бир ёшгача бўлган болалар ўлими ҳар 100 000 кишига 32,4 ни ташкил қиласди – (ёндош ҳудудларда, Навоий вилоятида – 28,5 киши, Самарқанд вилоятида – 9,7 киши. Республика бўйича – 15,8 ни ташкил этади). Шунингдек, рак касали билан оғриғанлар сони бутун республика кўрсаткичларидан 4 баробар, ўткир ичак касалликлари, сийдик йўли, нафас йўллари билан касалланганлар сони республика бўйича кўрсаткичлардан 2 баробарга ортиқдир.<sup>47</sup>


- Чўлланиш жараёни округдаги Бухоро – Коракўл ва Қоровулбоз воҳа геотизимларининг 199,6 минг гектар суғориладиган ер майдонларига ҳавф солмоқда (Назаров, 2008).

Қуи Зарафшон округининг катта қисми қумли, гилли ва шўрхок чўл геотизимларидан иборат. Бу турдаги геотизимларнинг воҳа ва сувли геотизимларга таъсири (кумли ва чангли бўронлар тарзида) юкори.

Қуи Зарафшон табиий географик округида бугунги кунда юзага келган геоэкологик вазиятни оптималлаштиришга доир маҳсус изланишлар замонавий ГАТ (ГИС) технологиялари асосида олиб борилмаган.

Муаллифлар томонидан 2012 йилда ННТ қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Экологик ҳаракатига ажратилган давлат гранти асосида юқоридаги барча илмий-тадқиқот ишларига илмий жиҳатдан таяниб 1:200000 масштабда «Қуи Зарафшон округининг геоэкологик электрон картаси» тузилди (4.1.2-расм). Ушбу ишга карта асос сифатида округ «геотизимлар типи» картаси шакллантирилди (1:200 000). Мазкур картада Қуи Зарафшон окру-

<sup>47</sup> Н.К. Комилова. Особенности географического распространения болезней населения в аридных регионах (по материалам Бухарской области) / Вестник ОшГУ. – Ош, 2002.



**4.1.2-расм. Куйи Зарафшон округининг генерализация қилинган  
1:200 000 масштабли геоэкологик картаси**

ги доирасида 12 та геотизим типлари ажратилди. Бунга: 1) қумли; 2) қумли-чақилли; 3) гилли; 4) воҳа; 5) шўрхок; 6) тўқай; 7) говак қумтошли-гипсли; 8) гипсли-қумтошли; 9) қумтошли-чақилли-гипсли; 10) паст тоғ этаги қумли-гилли-гипсли-шагалли; 11) паст тоғ этаги лёссли-гилли-шагалли; 12) сувли геотизимларни киритиш мумкин. Геотизимларга табиий ва антропоген жараёнлар таъсири ҳисобга олиниб тўрт хилдаги геоэкологик вазият зоналари ажратилди. Булар: қаноатланарли, хавфли, ҳалокатли, инқирозли. Бу тартибда геоэкологик вазиятларнинг ажратилишида округ геотизимларидағи ўзгаришлар даражаси инобатга олинган.

Округ геотизимларидағи ўзгаришлар ўз навбатида уларга бўладиган табиий (иклимининг кургокланиши, чўлланиш, чанг ва қум бўронлари (шамол таъсирида), шамол ва сув эрозияси ва х.к.) ва антропоген (тоғ-кон саноати, яйлов чорвачилиги, дараҳт, ўсимлик ва буталарнинг кесилиши, ҳайвонларни овлаш ва х.к.) жараёнлар натижасидир. Геоэкологик электрон картада юзага келган геоэкологик вазиятларни оптималлаштириш чора-тадбирлари ҳам ишлаб чиқилган ва бадиий белгиларда тасвиранганд. Буларга: бархан ва кўчма қумлар билан курашишда фитомелеорация усулини қўллаш, чўл ҳудудларда рекреация ва экотуризм фаолиятини тартибга солиш, воҳаларда аҳолининг сифатли ичимлик суви ва канализация билан таъминланганлигини ошириш, корхоналарнинг санитария муҳофаза зоналарини курилиш меъёrlарига мувофиқ назорат қилиб туриш, шаҳарлар атрофидаги аҳоли сонига мос равишда яшил зоналарни барпо этиш ва ҳоказолар.

Дарё дельталарининг қуий қисмларидағи геотизимлар юқоридан кириб келган каттиқ ва сувда эриган элементларни тўпловчи, экологик танг ҳудудлар эканлиги, округда шаклланган геоэкологик вазиятга табиий географик шароит таъсирининг юқорилигини инобатга олиб ҳамда мазкур ишнинг таълим жараёнида самарадорлигини ошириш максадида хаританинг электрон уч ўлчамли 3D видео (форматдаги) макети яратилди.

Мазкур электрон геоэкологик картадан Қуий Зарафшон табиий географик округида юзага келган геоэкологик вазиятларни оптималлаштиришда ва таълим жараёнида замонавий таълим методи сифатида фойдаланиш мумкин.


## **4.2. Қуий Зарафшон округи барқарор ривожланишининг геоэкологик индикаторлари**

### **4.2.1. Сув ресурсларининг мавжуд ҳолати индикатор сифатида**

Қуий Зарафшон округи барқарор ривожланишини белгилайдиган омиллардан бири сув ресурслариdir. Қолаверса, ҳудуднинг бой мағаний тарихи, энг аввало, сув манбалари ва сугорма дәхқончилигининг қадимдан тараккijий этганлиги билан бевосита алоқадордир.

Шу сабабдан минтака ахолисининг жойлашиши асосан сув ресурслари ва уларнинг ҳудудий таркиби билан белгиланади. Қўйи Зарафшон воҳаси ва ундаги аҳоли манзилгоҳларининг тоза ичимлик суви билан таъминланиш тарихи жуда узокка бориб тақалади.

Округдаги ер ости сувлари захирасининг минералланиш даражаси ўта юкори ва каттиқлиги боис ичимлик суви таъминоти талаб ва стандартларидан анча оркада (4.2.1.1-расм).



#### 4.2.1.1-расм. Ичимлик сувининг минералланиш курсаткичлари

Бу аҳолининг соғлом ҳаёт кечириши учун жиддий ташвиш түғдирмоқда ва шошилинч чоралар кўришни талаб қиласди. Округнинг Бухоро вилоятида хозирда мавжуд 65 та ичимлик сувини тозалаш иншоотларидан факат 44 таси фаолият юритмоқда. Ичимлик сувларини тозалаш жараёнида хлор билан зарарсизлантирилади, аммо бу тадбир самарали ташкил этилмаган, оқибатда инсон жигар тўқималарида шиш пайдо бўлиб, вирусли гепатитнинг юзага келтирувчи омилига олиб келиши мумкин.

Вилоят санитария эпидемиология станцияси маълумотларига кўра, вилоятдаги Коракўл, Олот, Жондор туманларида гепатит билан оғриган беморлар сони вилоят бўйича жами беморларнинг 30

фоизидан ортигини ташкил қиласи. Бу ҳол аҳолининг кўпинча ариқ, канал ва қудукларнинг тозаланмаган сувларидан фойдаланиши билан бевосита боғлиқ.

Сувнинг таркибида турли тузлардан ташқари ҳар хил кимёвий элементларнинг мавжудлиги, органик чиқиндилар, турли бактериялар ва микробларнинг учраши инсон организмига салбий таъсир кўрсатади. Ушбу туманлар вилоятнинг энг жанубий қисмида жойлашганлиги туфайли мавжуд сув ресурсларида табиий ҳамда антропоген ифлосланишига таъсир этади. Шунинг учун бу ҳудудларда ичимлик сувларини аввало тиндириб, кейин зарурый воситалар билан меъёрида тозалаш жараёнидан ўтганидан сўнг истеъмолга руҳсат этиш лозим. Негаки, Зарафшон дарёсининг қуий қисмида яшайдиган аҳолининг бошқа сув манбаларидан фойдаланиш имкониятлари нисбатан чекланган (Назаров, 1994).

Қуий Зарафшон округи Ўзбекистоннинг ер усти сув ресурслари билан кам таъминланган, ер ости сувлари минераллашув даражаси юкори, ўз сув ресурсларини табиий тўлдириш ва сув сифатини яхшилашни талаб этади (Бухоро вилояти республикамиз миқёсида ягона сунъий сугориш тизимиға асосланган вилоят ҳисобланади). Бухоро вилоятининг асосий сув манбаси бўлиб, I ва II навбатдаги Аму – Бухоро машина (АБМК) каналлари ва Аму – Қоракўл канали ҳисобланади (4.2.1.2-расм).



4.2.1.2-расм. Аму – Қоракўл канали

### 4.2.3. Аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари

Аҳоли саломатлигига ер усти ва ер ости сувлари сифатининг хам таъсири катта. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро вилоятларида ер усти ва ер ости сувлари сифати санитария-гиена талабларига жавоб бермайди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистондаги 60 фоизга яқин оналар камқонлиқдан азият чекади ва бу масала республикамиз соғликни саклаш тизимиðаги муҳим муаммолардан ҳисобланади. 2008 йилда Марказий Осиё давлатларида ҳар 100 минг аҳолига нисбатан 38 нафар аёллар ўлими тўғри келди. Бу эса Скандинавия мамлакатларида нисбатан 9 марта, Марказий ва Шарқий Европа давлатларида қараганда 2,5 марта юкоридир. Ўзбекистонда барча ёшдаги гуруҳлар орасида ўлим кўрсаткичлари 1996–2010 йилларда анча пасайган (Комилова, 2002).

Ўзбекистонда 2010 йил маълумотларига кўра, оналар ўлимининг асосий сабаблари акушерлик қон кетиши, гестозлар, экстрагенитал касалликлар, туғруқдан кейинги асоратлар ҳисобланади. Айтиш жоизки, оналар ўлими кўрсаткичи анча қисқарган бўлса-да, у ривожланган мамлакатларга қараганда 1–2 марта кўпдир. Аёллар репродуктив саломатлигининг муҳим жиҳати уларнинг гинекологик касалликлар билан касалланишидир. Аёлларда репродуктив тизимнинг онкологик касалликларга учраш ҳоллари хамон кўп учрамоқда. 2009 йилда энг кўп тарқалган касалликлар: сут бези саратони ҳар 100 минг аёлда 12,8, бачадон ва бачадон бўйинчалиси саратони билан касалланган аёллар 3,6 нафарни ташкил этди. Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан бу жараён тез-тез ўзгариб турибди. Бунинг боиси туғруқ ёшидаги аёлларнинг аксарият қисми турли хилдаги экстрагенитал касалликларга чалинган. Ушбу хасталиклар ҳомиладорлик вақтида хамда туғруқ жараёнида қийинчиликлар туғдиради. 1992 йилда туғруқ ёшидаги аёлларнинг 38,4 фоизида жисмоний касалликлар кузатилган бўлса, 2009 йилда 72,1 фоизида бундай касалликлар кузатилган.<sup>48</sup>

Мазкур йилда экстрагенитал касалликлар энг юқори бўлган ҳудудлар Қорақалпоғистон Республикаси (94,0 фоиз), Самарқанд (82,3), Навоий (75,0) ва Бухоро (76,3) вилоятларида қайд этилган. Бунда кўпинча камқонлик, буйрак хасталиги, эндокрин ва юрак, кон томир касалликлари кўп кузатилади.

<sup>48</sup> Статистик тўплам. 2004 й.

Сўнгги йилларда республикамиз демографик вазиятидаги қўлга киритилган мухим ютуқлардан яна бири гўдаклар ўлим кўрсаткичларининг бирмунча камайганлигидир.

2010 йил якунлари бўйича республикамизда гўдаклар ўлими 1991–1992 йилларга нисбатан сезиларли тарзда камайган (10,9), бирок Тошкент шаҳри (17,3), Фарғона (14,0), Наманган (12,5) ва Қорақалпоғистон Республикасида, Хоразм, Фарғона, Бухоро вилоятларида (Қуий Заравшонда) бу борадаги (11,9) ахвол республика даражасидан анча юқори кўрсаткичларга эга эканлиги кузатилган. Шу ўринда айтиш лозимки, авваллари кўплаб болалар юқумли ичак ва бошқа касалликлардан нобуд бўлган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, 1914 йил Туркистон ўлкасида ҳар 1000 та тугилган болалардан 300 таси, баъзи йилларда 600–700 та бола нобуд бўлган (Караханов, 1983). Ўзбек оиласарида болалар ўлимининг юқори бўлганлигини демографик тадқиқот натижалари ҳам тасдиқлайди. Бугунги кунда эса аҳолининг яшаш тарзи тиббий назорат ва хизматлар яхшиланганлиги сабабли ушбу кўрсаткичлар анча яхшиланган.

#### **4.2.4. Қуий Заравшон округи суғориладиган ерларининг ҳолати индикаторлар сифатида (Бухоро вилояти суғориладиган ерлари мисолида)**

Коракалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро вилоятларида срости сувлари ер юзасига яқин жойлашган. Бу эса мазкур худудлар тупроқларининг меъёридан ортиқча шўрланишига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимизда кузатилаётган қуруқ иқлим ва глобал иқлим ўзгаришлари таъсири туфайли суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашмоқда. Бу эса ўз навбатида хосилдорликнинг камайишига олиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932-сонли фармони мухим аҳамият касб этмоқда. Мазкур фармон ижросини таъминлаш максадида кабул килинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 мартағи ПҚ-817-сонли қарори билан тасдикланган «2008–2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш» Давлат дастури экин майдонларининг

мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиорация объектларини барпо этиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклиш ҳамда ушбу ишларни молиялаштиришнинг янги тизимини яратишда муҳим омил бўлди.

Пахта этиштиришда катта миқёсда кимёвий моддалар қўлланилиши, самарасиз ирригация ва яроксиз дренаж тизими ифлосланган шўр сувларнинг кўп микдорда қайта срга сизиб кетишига олиб борди. Мамлакатимизда суғориладиган ерларнинг қарийб 50 фоизи шўрланган ва тахминан 5 фоизи (213 000 гектар) юкори даражада шўрланган.

Етарли микдорда минерал ўғитлар бермаслик, экинларнинг алмашлаб экилмаслиги, тупроқ шўрланиши билан бирга ср ҳосилдорлигига ҳам салбий таъсир қилмоқда. Охиригина йилларда ҳар гектар ернинг пахта ҳосилдорлиги Хоразм вилоятида 20 фоиз ва Қорақалпоғистонда 30 фоизга пасайган.

Бухоро вилояти Ўзбекистоннинг жануби-ғарбий худудларини эгаллаган бўлиб, умумий майдони 40,3 минг км кв, шундан 87 фоизи чўл яйловлари ва қумликлар, 10,5 фоизи воҳалар ва 2,5 фоизи сизот – ташлама сувлар натижасида шаклланган қўллардан иборат.

Вилоятда экологик вазиятни белгиловчи етакчи омиллардан бири иқлимий шароитdir. Ҳудудда Ўрта Осиёнинг жанубий чўлларига ҳос субтропик кескин континенталь иқлим шаклланган. Қуёш радиациясининг йиллик микдори 150–160 ккал. Ҳаво ҳароратининг ( $10^{\circ}\text{C}$  дан ортиқ) йиллик йиғинидиси  $4550$ – $5000^{\circ}\text{C}$  атрофида. Ёғингарчилик микдори жуда кам бўлиб, ўртacha 90–150 мм атрофида тебранади, йиллик ўртacha буғланиш эса 1900–2000 мм.

Вилоят худуди ва суғориладиган тупроклари бир канча тадқикотчилар томонидан ўрганилган. Буларга тупроқ мелеорациясида зовурларнинг аҳамияти ва самарадорлиги (Бушков, 1911, Курбатов, 1957), шўрланган ерларнинг микдор ва таркибини аниқлаш (Лебедев, 1951), комплекс географик тадқиқотлар (Званкова, 1960, Гуломов, 1966, Назаров, 1975) сув режими (Димо, 1948, Умаров, 1958, Гобунов, 1965), тупроқ таснифи (Кимберг, 1974), агрофизикавий хоссалари ва туз режими (Абдуллаев, 1975), туз режимиининг математик статистикаси ва моделлари (Козловский ва Панкова, 1976), янги ўзлаштирилган тупроқлар тарқалиши ва суғориш сувларининг таъсири (Тожиев, Артикова, 2001) тадқиқ қилинган. Юқоридаги тадқиқотлардан кўриш мумкинки, ҳудудда маҳсус экологик изланишлар олиб борилмаган ва тадқиқотларнинг аксарият қўпчилиги ўтган асрнинг ўрталарига


тұғри келади. Вилоятда бугунғы күнде сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини бақолаш учун күп йиллик маълумотлар асосида индикаторлар ишлаб чиқылмаган.

Муаллифлар томонидан Бухоро вилояти сугориладиган ерлари мелиоратив ҳолатини бақолаш учун вилоят гидрогеология экспедицияси томонидан 2000–2013 йилларда олинган маълумотлар умумлаштирилди ва статистик қайта ишланды.<sup>49</sup>

Вилоят сугориладиган ерлари мелиоратив ҳолатини бақолаш учун индикатор сифатида қуйидаги күрсаткичлар олинди.

*Ер ости сизот сувларининг жойланиши ўрни.* Сугориладиган майдонларда ер ости сизот сувлари сатхининг баландлиги мөъёр бўйича 2,5–3 метргача бўлиши лозим.


Вилоятда ушбу күрсаткич 63,7% майдонда 2,01–3,0 метрдан юкори, 20,8 % майдонда 1,51–2,0 метрни ташкил этган. Ҳатто 300 гектардан ортиқ майдонда сизот сувлари сатхининг баландлиги 1 метрга ҳам стмайди. Бу эса вилоятда ирригация-мелиорация соҳасида ҳали күп иш килиниши лозимлигини күрсатади. Умуман олганда, 2008 йилдан бошлаб сугориладиган ерларда сизот сувларининг 1,01–1,50 м чукурликдаги микдори озроқ ошганлиги қайд этилган (4.2.4.1-расм).



4.2.4.1-расм. Ер ости сизот сувларининг жойланиши ўрни

<sup>49</sup> R. Kulmatov, A. Rasulov. The modern Problems of Sustainably Use and Management of Irrigated Lands on the Example of the Bukhara Region (Uzbekistan) Journal of Water Resource and Protection, 2015, 07. – P. 956–971.


**Ер ости сизот сувларининг минералланиши.** Вилоят ер ости сизот сувларининг минерализацияси, г/л да аниқланганда кўйидаги натижалар олинган (4.2.4.2-расм). Ўртacha 2000–2013 йилларда вилоят ер ости сизот сувларининг минерализацияси: 1,1–3,0 г/л гача 61,1 % ва 3,1 дан 5,0 г/л гача 32,3% ни ташкил қилган. Ер ости сизот сувларининг минерализацияси 10 г/л дан ортиқ майдонлар 0,3% ва 5,1 дан 10 г/л гача бўлган, майдонлар 6,1% ни ташкил қилган. Умуман олганда, вилоятда ер ости сизот сувларининг минерализацияси анча юқорилиги сабабли шўрланиш даражаси ҳам бошқа вилоятларга нисбатан анча юқоридир.



#### 4.2.4.2-расм. Ер ости сизот сувларининг минералланиши, г/л.

**Сугориладиган ерларнинг шўрланганлик даражаси.** Шўрланиш – кургокчил худудларда сугоришда сувдан ўта истрофгарчилик билан фойдаланиш туфайли ер ости сув сатхининг кўтарилиб кетиши натижасида юзага келади. Шўрланиш, айниқса, пасткам жойларда минераллашган ер ости сувларининг юзага кўтарилиши, кўлларнинг йилнинг иссиқ фаслларида қуриб колиши туфайли тупрок қоплами бўйлаб хлорид ва сульфат тузларининг йиғилишидан кучайиб кетади. Республикализнинг Кўйи Зарафшон округининг кўпгина худудлари XX асрнинг ўрталаридан бошлаб қўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши, сугоришда сувдан нотўғри фойдаланиш туфайли турли даражада шўрланган.

Хозирги вактда вилоятдаги 274,9 минг гектар суғориладиган ерларнинг 91,6 фоизи ёки 230,5 минг гектари турли даражадаги шүрланган ерлардан иборат. Жумладан, 56,2 фоиз – кам шүрланган ерлар, 27,6 фоизини ўртача, 7,8 фоизини эса кучли шүрланган майдонлар ташкил этади (4.2.4.3-расм). Умуман олганда, вилоят бүйича шүрланиш даражаси йиллар давомида ошиб борган.



#### 4.2.4.3-расм. Суғориладиган ерларнинг шүрланганлық даражасы

Бу үз навбатида экинлар хосилдорлигининг камайишига олиб келган. Құдратов (2000) маълумотларига күра вилоятда 1970 йилда кучсиз шүрланган ерлар 109 минг га, ўртаса шүрлаган ерлар 39 минг га, кучли шүрланганлар 6 минг га ни ташкил қылган. Бу эса умумий ер майдонига нисбатан шүрланган ерлар 60% эканини құрсатади. Демек, ўтган 33 йил (1970–2000) мобайнида шүрланиш құрсаткышлары 35% га ошғанligini күриш мүмкін. Экологик вазиятнинг келажақда ҳам ижобий томонға ўзгармаслигини инобатта оладиган бұлсак (биринчидан, воҳа географик ноқулай – қурғоқчил арид минаңда жойлашган, иккінчидан суғориладиган ерларда шүр ювиш тәдбирларини үз вактида амалға ошириш бир мунча мураккаб, чунки воҳанинг сув таъминоти трансчегаравий сув оқимига узвий боғлиқ), воҳа келажақда экологик вазиятнинг чигаллашишидан ташқари бир

канча ижтимоий (аҳолининг касалланиши), иқтисодий (озик-овқат таъминоти) муаммолар билан тўқнаш келиши мумкин. Жумладан, Глазовский, Орловский (1995) маълумотларига кўра, тупроқларнинг шўрланиши хосилдорлик кўрсаткичлари билан ўзаро пропорционал боғлиқ (4.2.4.1-жадвал).


#### 4.2.4.1-жадвал.

*Тупроқ шўрланишининг экинлар ҳосилдорлигига таъсири, %*

Экин тuri	Тупроқ шўрланини даражасига қараб кишлоқ хўжалиги экинлар ҳосилдорлиги				
	Шурлан- маган	Кам	Ўртача	Куччи	Жуда куччи
Пахта	100	94	50	22	6
Кузги буғдой	100	80	39	15	0
Макка силос учун	100	98	72	57	35
Беда	100	96	73	53	39
Картошка	100	90	68	0	0
Помидор	100	98	74	54	34
Нұхат	100	66	27	0	0
Баклажон	100	92	74	48	32
Лавлаги	100	95	88	73	66

Жумладан, шўрланган ерларда пахтанинг ҳосилдорлиги 15–20% гача, ўртача шўрланган ерларда 35–40% гача, кучли шўрлангани ерларда 70–80% гача камайиб, пахта толаси сифатига ҳам салбий таъсир қиласи. Умуман олганда, вилоятда ерларнинг шўрланиши туфайли пахта ҳосилдорлигининг пасайиб бориши (32–42 ц/га дан 18–25 ц/га гача) кузатилмоқда.

*Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати.* Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати натижаларини қўйидагича изоҳлаш мумкин (4.2.4.4-расм). 2000–2013 йиллар давомида вилоят бўйича сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатида жиддий ўзгаришлар аниқланмаган.



#### 4.2.4.4-расм. Сүгориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати

Вилоятда коникарли ва яхши мелиоратив ҳолатдаги сүгориладиган ерлар миқдори бироз бўлса-да, ошганлиги қайд қилинган.

Умуман олганда, сүгориладиган ерлар мелиоратив ҳолатининг кўп йиллик анализи натижалари асосида айтиш мумкинки, вилоятда сүгориладиган ерлар мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви асосан туроқнинг юза қисмида сизот сувларининг жойлашиши ва коллектор дренаж зовурларининг лойқалар билан тўлиб қолиши сабаблиdir.

Келгусида иқлим ўзгаришлари туфайли сув ресурсларининг жиддий камайиши, мамлакатимиз сүгорилиб дехқончилик қилинадиган ерларда муаммолар келтириши мумкинлигини соҳа мутахассислари билдиришмоқда. Шу сабабли мамлакатимизда сүгорилиб дехқончилик қилинадиган ерлардан барқарор фойдаланишининг индикаторларини аниқлаш ва баҳолаш муҳим вазифадир.

Фикримизча, мамлакатимиз миқёсида сүгорилиб дехқончилик қилинадиган ерлар учун юкорида қайд қилинган индикаторлар ишлатилса, фойдали бўларди деб хисоблаймиз.

Сүгориладиган ерлар мелиоратив ҳолатининг ушбу индикаторлар ёрдамида баҳоланиши ерлардан барқарор фойдаланишга асос бўлади ҳамда қишлоқ ҳўжалиги экинларидан мунтазам юқори ҳосил олишга замин яратади.

## ХУЛОСА

Иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий зиддиятларга бой давр бўлган XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошига келиб кишилик жамияти келажакда қандай қилиб тинч ва осойишта ҳаёт кечириши мумкин деган савол энг долзарб масалага айланиб қолди. Ушбу саволга умумлаштирилган ҳолда ушбу «Барқарор ривожланиш концепцияси» монографиясида жавоб берилган. Дунё ҳамжамиятининг биргаликда ҳал килаётган масалаларидан бири турли микёсда барқарор ривожланишга эришиш ҳисобланади. 2015 йил 25–27 сентябрь кунлари Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Саммитида айнан Барқарор ривожланиш масаласи кун тартибига қўйилди ва яқин 15 йилга мўлжалланган тадбирлар режаси эълон қилинди.

Барқарор ривожланиш концепцияси – келажак авлод эхтиёжларини инобатга олган тарзда ҳозирги замон кишилик жамиятининг ўзаро узвий боғланган экологик хавфсиз, иқтисодий таъминлаган, ижтимоий муҳофазаланган ва институционал бирлашган ҳаёт тарзини шакллантиришни ўз ичига олган ғоялар тизими. Унинг асосий вазифаси – иқтисодий-ижтимоий ривожланишда табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш. Унинг худудийлиги, даврийлиги, тизимлилиги, мажмуалилиги барқарор ривожланиш ғояси ягона, лекин уни амалга тадбик қилиш механизми турлича эканлигини кўрсатди. Ҳар бир минтақа, мамлакат ва маҳаллий жамоа реал шароитдан келиб чиқсан тарзда барқарор ривожланиш ҳолатини муайян индикаторлар орқали сон ва сифат жиҳатдан баҳолаш ҳамда келажак истиқболларини белгилashi лозимdir. Ўзбекистон ҳам бундан мустасио эмас, албатта.

Барқарор ривожланиш индикаторлари(БРИ)нинг замонавий методологик асосини яратиш билан Бутунжоҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараккиёт ташкилоти, Европа комиссияси, Атроф-муҳит муаммолари бўйича илмий жамиятлар шуғулланмоқдалар. Мазкур жараён якунланмаган бўлса-да, турли ривожланиш даражалари глобал, регионал, миллӣ, локал, тармоқ, ҳатто, алоҳида аҳоли тураржойлари ва корхоналар учун ишлаб чиқилмоқда. Россия Федерациясида олиб борилаётган ишлар бунга яққол мисол бўла олади.

Ўзбекистон, жумладан, Куйи Зарафшон табиий-географик округи учун БРИни ташлашда ЕИК ҳамда АММҚ бўйича Европа агентлиги томонидан Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиё давлатлари учун белгиланган мезонлар асосий курсаткич сифатида кабул қилинди. Ташланган индикаторлар тегишли худудларда барқарор ривожланишни сон ва сифат жиҳатдан баҳолаш, унинг назоратини олиб бориш, даврий ўзгаришини мониторинг қилиш имконини беради. Олинган натажалар нафакат миллӣ ва локал микёсда атроф-муҳит муҳофаза қилишни бошқаришга, балки республика-нинг геоэкологик сиёсатини ишлаб чиқиш ва тегишли қарорларни қабул қилишга қўмаклашади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Агаджанян Н.А., Торшин В.И. Экология человека. – М.: КРУК, 1994. – 124 с.
2. Агроклиматические ресурсы Бухарской области. Ленинград, Гидрометеоиздат, 1972 г. – 120 с.
3. Алибеков Л.А., Алибекова С.Л. Ўзбекистонда чўлланиш жараёнининг социал-иктисодий ва экологик оқибатлари // «Чўл зонаси ландшафтлари ресурсларидан самарали фойдаланишнинг географик асослари» Рес иммий амалий конференция материаллари. Бухоро, 2010. – Б.28–29 б.
4. Атлас. Ўрга Осиё ва Ўзбекистон – Т.: Картография, 2005. – 192 б.
5. Атроф табии мухитни муҳофаза қилиш. Конунлар ва норматив хужжатлар. – Т.: Адолат, 2002. – 320 б.
6. Бабушкин Л.Н., Когай Н.А. Физико географический районирования. – Т.: ТГУ, 1964. – 240 с.
7. Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 182 б.
8. Баратов П., Маматқулов М., Рафиқов А. Ўрга Осиё табиий географияси. – Т.: Ўқитувчи, 2002. – 432 б.
9. Баратов П.Б. Природные ресурсы Зарафшанской долины и их использование. – Т.: Фан, 1977. – 116 с.
10. Бекназов Р.У., Новиков Ю.В. Охрана природы. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 584 с.
11. Бобылев С.Н., Ходжаев А.Ш. Экономика природопользования. (учебное пособие) М. 1997.
12. Барқарор келажак сари. Ўкув-методик қўлланма. – Т.: CHINOR ENK, 2013. – 176 б.
13. Всемирный саммит по Устойчивому Развитию: основные итоговые документы. Составители: Есекин Б. и др. Алматы. РЭЦ ЦА. 2003.
14. Гафуров К.Г. Почвы Каракульского оазиса и их агрохимическая характеристика. – Т.: Фан, 1976. – 100 с.
15. Глобальная экологическая перспектива. Доклад ЮНЕП о состоянии окружающей среды в конце тысячелетия. 2000.
16. Гузайров Х.Х. Сорная растительность залежей и полевых культур Бухары. Вредные и полезные дикорастущие растения Бухарского оазиса. – Т.: Фан, 1968. – 224 с.
17. Голубчик М.М., Евдокимов С.П., Максимов Г.Н. История географии. – Смоленск: Изд-во СГУ, 1998. – 224 с.
18. Доклад о развития человеческого потенциала Российской Федерации за 2002–2003 годы / под ред. С.Н. Бобылева – М.: Весь Мир, 2003.
19. Закиров К.З. Флора и растительность бассейна реки Зеравшан. – Ташкент: 1955. – 196 с.
20. Индекс человеческого развития: Проблемы и перспективы: Сборник статей /под ред. А.А. Сагадова. – М.: МАКС Пресс, 2002. – 96 с.

21. Индикаторы Устойчивого развития для Республики Казахстан. – Алматы, 2002. – 88 с.
22. Индикаторы устойчивого развития России (эколого-экономические аспекты) / Под ред. С.Н. Бобылева, П.А. Макеенко – М.: ЦПРП, 2001. – 220 с.
23. Итоги Всемирного саммита по устойчивому развитию // Ж. «Экология и устойчивое развитие». №10 2002. – С. 2–9.
24. Ишанкулов М. Международные экологические документы. // Экология и устойчивое развитие. №4, 2002. – С.88–89.
25. Индикатор. Ўзбекистон Миллӣй энциклопедияси. – ЎзМЭ, 2002. 4-ж. – 153 б.
26. Краткий словарь иностранных слов. – М.: Госизд. Иностранных и национальных словарей, 1952.
27. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳди, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.
28. Каримов И. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустакил тараккиёт йўли // Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўли. 16-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – Б.3–55.
29. Каримов И.А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. – Т.: Узбекистан, 1997. 336 б.
30. Касимов Н.С. От экологического образования к образованию для устойчивого развития // Экология и жизнь. – 2006, – С. 30–34.
31. Комилова Н.К. Особенности географического распространения болезней населения в аридных регионах (по материалом Бухарской области). Вестник ОшГУ. – Ош, 2002. 96 с.
32. Коротенко В.А. и др. Школа Устойчивого развития. Пособие для учителей. – Бишкек. 2003. 96 с.
33. Маткаримова Г., Зиганшина Д. Международное экологическое право. – Т.: Изд. ТГЮИ, 2003. 144 с.
34. Назаров И.К., Аллаёров И.Ш. Бухоро географияси. Бухоро. 1994. 112 б.
35. Наршахи. История Бухары. Литография. Ив АН Уз ССР. – С. 6–16.
36. Национальный доклад «О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан» – Т.: Chinor ENK, 1998, 2002. 640 с.
37. Национальный отчёт «О состоянии земельных ресурсов Республики Узбекистан» – Т.: Госкомзем. 2000.
38. Наше общее будущее. – М.: Весь Мир 1989.
39. Нигматов А.Н. Ўзбекистон Республикасининг экология ҳукуки. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2004. – 324 б.
40. Нигматов А.Н., Шивалдова Н.С., Султанов Р.Н. Экологические аспекты устойчивого развития // Учебный курс лекций. – Т., 2003. – 100 с.
41. Нигматов А., Ибрагимова Р. Барқарор ривожланишнинг географик хусусиятлари. // Ҳозирги замон географияси: назария ва амалиёт. – Тошкент, 2006. – Б. 110–112.

42. Ниёзов А.Б. ва бошқалар. Бухоронинг трансчегаравий ифлосланиши. – Бухоро: Бухоро, 2010. – 72 б.
43. Ниёзов А.Б. ва бошқалар. Бухоро экологияси ва табиий даволаниш масканлари. – Бухоро: Бухоро, 2010. – 156 б.
44. Новая парадигма развития России в XXI веке. Комплексные исследования проблем устойчивого развития: идеи и результаты / Под редакцией В.А. Коптюга, В.М. Матросова, В.К. Левашова. Изд. 2-е. – М.: Академия, 2000. – 416 с.
45. Повестка дня на XXI век. Русский текст Центра Координации и Информации социально-экологического Союза. – М. 1993. – 332 с.
46. Почвы Узбекистана. – Т.: Фан, 1975. – 224 с.
47. Растительный покров Узбекистана – Т.: Фан, 1971. – 224 с.
48. Рафиков А.А. Геоэкологик муваммолар. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 120 б.
49. Раҳматуллаев А. Воҳа геосистемаларида экологик вазиятни оптималлаштиришнинг географик асослари (Ўрта ва Кўйи Зарабшон мисолида). Док. дис. Автореферати. – Тошкент, 2012. – 32 б.
50. Реймерс Н.Ф. Надежды на выживание человечества. Концептуальная экология. – М.: Россия молодая экология, 1992 – 348 с.
51. Реймерс Н.Ф. Природопользование: словарь-справочник – М.: Мысль, 1990. – 172 с.
52. Родина Е.М. Устойчивое развитие эколого-экономических систем. – Бишкек, 2003. – 112 с.
53. Сборник рабочих документов ЮНЕСКО по образованию устойчивого развития. Вестник Представительства ЮНЕСКО в Узбекистане. 2005. – 332 с.
54. Скочилов Ю.В. Интересная экология. Учебное пособие по экологическому образованию. – Душанбе, 1999. – 204 с.
55. Совместная научно-исследовательская программа КГМСХИ по устойчивому развитию сельского хозяйства в регионах ЦА и Западного – Т.: ОРП, 2001. – 24 с.
56. Статистик тўплам. Ўзбекистонда агроф-муҳитининг ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш: фактлар ва ракамлар. – Т.: 2004. – 112 б.
57. Стратегия и проблемы устойчивого развития России в XXI веке / под редакцией А.Г. Гранберга, В.И. Данилова-Данильяна, М.М. Циканова, Н.С. Шопхоева. – М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2002. – 414 с.
58. Тизимли таҳдид // Фалсафа: комусий луғат. – Т.: Шарқ, 2004. – 420 б.
59. Тошев Х.Р. Чўл ландшафтлари ва уларнинг агроимюниятларидан смарали фойдаланиш (Бухоро вилояти мисолида). Геогр. фан. номз. измий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. 2008 й.
60. Табиат. Жамият. Маънавият (Президент Ислом Каримов асарларида экология масалаларининг ёритилиши). Экологик таълим ва тарбия учун кўлланма. Тўлдирилган иккинчи нашри. / Сўзбоши ва тузувчи А. Нигматов – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 152 б.

61. Устойчивое развитие эколого-экономических систем. – Бишкек. 2003. – 208 с.
62. Файзиев А., Назаров И. Жануби-тарбий Қизилқумнинг эндемик ўсимликлари ва уларни муҳофаза қилиш // Узбекистон география жамияти ахбороти. 21-жилд. – Тошкент: 2000. – Б. 65–66.
63. Фалсафа. Қомусий лугат. –Т.: Шарқ. 2004.
64. Человек, общество и окружающая среда // Географические аспекты использования естественных ресурсов и сохранения окружающей среды. – М.: Мысль, 1973.
65. Человеческое развитие: новое измерение социально-экономического прогресса. Учебное пособие под общей редакцией проф. В.П. Колесова (экономический факультет МГУ) и Т. Маккинли (ПРООН, Нью-Йорк). – М.: Права человека, – 464 с.
66. Холбоев С. Тарихнинг методологик асослари ва тамоилилари масаласи (И.Каримов асарлари мисолида) // Ижтимоий фикр, инсон хукуклари. 11-сон, 2004. – Б.140–146.
67. Шеховцов А.А. Экологические индикаторы в Республике Узбекистан: международный опыт, цели, задачи и критерии выбора // Экологические индикаторы для Узбекистана. – Т.: Патент-Пресс, 2006. – С.13–19.
68. Экология ва ҳаёт. – Т.: Узбекистон, 2002. – 128 б.
69. Элис М., Касьянов П. Переход к устойчивой цивилизации // Журнал «Экология и устойчивое развитие», №9. 2002. – 96 с.
70. Эргашев А. ва бошқалар. Сувнинг инсон ҳаётидаги экологик мөхияти. – Т.: Фан, 2009 й. – 160 б.
71. Узбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан тўғри фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни. 2003 йил 6 май.
72. «Indicators of Sustainable Development: Guidelines and Methodologies» (Нью-Йорк, 2001)
73. Encyclopedia of Life Support Systems (EOLSS), 2002, Oxford, UK. [www.eolss.net](http://www.eolss.net)
74. Environmental indicators South Asia, UNEP, 2004.
75. Expanding the Measure of Wealth: Indicators of Environmentally Sustainable Development. Environmentally Sustainable Development Studies and Monographs Series №. 17. World Bank: Washington, DC. 1997. The pan-European environment: glimpses into uncertain future. European Environment Agency, Copenhagen, 2007.
76. [http://mfa.uz/rus/mej\\_sotr/vneshnaya\\_politika/vodnie\\_resursi/](http://mfa.uz/rus/mej_sotr/vneshnaya_politika/vodnie_resursi/)
77. Human Development Report 1990. UNDP, New York: Oxford University Press, 1990.
78. Human Development Report 2003. UNDP, New York: Oxford University Press, 2003.
79. Indicators of Sustainable Development, UN Department for Policy Coordination and Sustainable Development, December, 1994.
80. Indicators of Sustainable Development, UNO, 2001

81. Kulmatov R., Opp Ch., Groll M., Kulmatova D. Assessment of Water Quality of the Trans-Boundary Zarafshan River in the Territory of Uzbekistan. *Journal of Water Resource and Protection*, (2013) 5, 17-26.
82. Kulmatov R., Rasulov A. The modern Problems of Sustainablye Use and Management of Irrigated Lands on the Exemple of the Bukhara Region (Uzbekistan) *Journal of Water Resource and Protection*, 2015, 07. P. 956-971.
83. Kulmatov, R. Problems of Sustainable Use and Management of Water and Land Resources in Uzbekistan. *Journal of Water Resource and Protection*, 2014, 6, 35-42. <http://dx.doi.org/10.4236/jwarp.2014.61006>.
84. Lioubimtseva, E. and Henebry, G.M. (2009) Climate and environmental change in arid Central Asia – Impacts, vulnerability, and adaptations. *Journal of Arid Environments*, 73, 963-977.
85. Little Green Data Book. 2006. World Bank, 2006
86. Nigmatov A. Ekolojyaning nazariy asoslari. – T.: Faylasuflar jamiyatni nashriyoti, 2013. – 232 б.
87. President of the Republic of Uzbekistan (2007) Decree UP-3932 from October 29<sup>th</sup> on measures to radically improve the system of land reclamation (in Russian).
88. Report on the Aggregation of Indicators for Sustainable Development. CSD, NY, 2001
89. Spektorman, T. and Petrova, E. (2008) Application of the climatic indices for the assessment of Climate Change impact on the health of Uzbekistan population. NIGMI Bulletin # 7. Climate Change effects, adaptation issues, Tashkent, 37-46.
90. Sustainable economic welfare: estimating changes per capita wealth, 2000
91. The Little Green Data Book 2006. Word Bank, Washington DC, 2006, P. 256.

### *Интернет манбалари*

92. [www.uznature.uz](http://www.uznature.uz) – Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза кишиш давлат қўмитаси сайти.
93. [www.eco.uz](http://www.eco.uz) – Ўзбекистон экологик харакати сайти.
94. [www.un.org/esa/sustdev/](http://www.un.org/esa/sustdev/) – Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) нинг Барқарор ривожланиш комиссияси сайти.
95. [www.unesco.org](http://www.unesco.org) – БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти сайти.
96. [www.desd.org](http://www.desd.org) – БМТнинг «Барқарор ривожланиш таълими ўн йиллиги» сайти.
97. [www.unep.org](http://www.unep.org) – БМТнинг Атроф-мухит бўйича дастури сайти.
98. [www.undp.org](http://www.undp.org) – БМТнинг Ривожланиш дастури сайти.
99. [www.worldresources.org](http://www.worldresources.org) – Жаҳон табиий ресурслар сайти.
100. [www.unfra.org](http://www.unfra.org) – БМТнинг Аҳолишунослик дастури сайти.
101. [www.who.org](http://www.who.org) – Бутунжаҳон соғликни саклаш ташкилотининг сайти.
102. [www.carec.kz](http://www.carec.kz) – Марказий Осиё минтақавий марказ сайти.
103. [www.un.org/esa/sustdev/](http://www.un.org/esa/sustdev/) – Birlashigan Millatlar Tashkiloti (BMT)ning Barqaror rivojlanish komissiyasi sayti.

**Нигматов Асқар Нигматуллаевич  
Кулматов Рашид Анарович  
Расулов Анвар Баходирович  
Мухамедов Шерзод Нурмуҳамедович**

**БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ  
ВА УНИНГ ТИЗИМЛИ ИНДИКАТОРЛАРИ  
МОНОГРАФИЯ**

**Мухаррир: Тўрахўжаева Ш.**

**Бадиий мухаррир: Сайфуллаева Л.**

**Техник мухаррир: Ли А.**

**Мусаххих: Жалолов Д.**

**Компьютерда саҳифаловчи: Рўзиматов Ф.**

Нашриёт лицензияси: AI № 271. 15.07.2015.

Босишга руҳсат этилди: 20.11.2015 й.

Бичими 60x84  $\frac{1}{16}$ . Офсет қоғози.

Ҳисоб-нашириёт т.: 6.41. Шартли босма т.: 7,44.

Times New Roman гарнитураси.

Адади: 150 нусха. Буюртма № 71

«Spectrum Media Group» МЧЖ нашриётида тайёрланди  
ва босмахонасида чоп этилди.

Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкӯчаси, 28-үй.

Тел.: (+998 71) 276 89 28

e-mail: smg-print@mail.ru

ISBN 9789943457485

A standard linear barcode is positioned vertically on the right side of the page. It corresponds to the ISBN number 9789943457485.

9 789943 457485